

*ДАВЛАТЁР РАҲИМ, ШИХНАЗАР МАТРАСУЛ,
НУСРАТУЛЛО ЖУМАХЎЖА*

ФЕРУЗ

Шоҳ ва шоир қисмати

*Сайид Муҳаммад Раҳимхони Баҳодирхони
соний — Феруз ҳақида тарихий-бадиий
лавҳалар*

Иккинчи китоб

ТОШКЕНТ
"ЎЗБЕКИСТОН"
1995

www.ziyouz.com kutubxonasi

33.3 Ўз
P 33

Тақризчилар — ЎзФАнинг ҳақиқий аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор
Собир КАМОЛОВ, филология фанлари номзоди, доцент Матна-
зар ПИРНАЗАРОВ

Маъсул муҳаррир — Филология фанлари доктори, профессор Ҳамдам АБДУЛЛАЕВ

ISBN 5-640-01946-8

P $\frac{4702620201-103}{M 351 (04) 95}$ 95

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти 1995

ДАДИЛ ҲАРАКАТ

Жаҳонга донғи кетган Хоразмда улуғлар жуда кўп. Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, султоний уламо Мавлоно Баҳовуддин Валад, Шайх Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Носириддин Рабғузий, ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд, Ҳофиз Хоразмий, Киромий, Мунис, Огаҳий, Баёний, Ҳожихон, Комилжон...

Буларнинг ҳар бири ўзига хос мактаб яратган. Улар ўнлаб, юзлаб шоғирдларни тарбиялаб, фан ва маданиятимиз равнақига улкан ҳисса қўшганлар. Мана шу улуғлар орасида Сайид Муҳаммад Баҳодирхони соний — Феруз ҳазратларининг ўрни ҳам беқийёсдир.

Чунки шоҳ Феруз воҳа шоирларининг пири, Хоразм мусиқасини нотага олиш ишининг ташаббускори, ўзбек киносанъати ва фотосуратчилигининг ташкилотчиси, матбаамизнинг асосчиси, таржима ва тарих илмининг етук соҳибларидан бири эди.

Албатта, Феруз ҳазратларининг бу қадар юксакликка кўтарилишининг ўзи бўлмаган. Оллоҳ томонидан берилган улкан истеъдод, тинимсиз машаққатли изланишлар, ўқиб-ўрганишлар туфайли у ана шундай мартабага эриша олди. Ватан тарихида энг узоқ муддат — қирқ етти йил давлатни идора этишининг ўзи бўладими?

Минг таассуфлар бўлсинким, яқин-яқинларгача бу улуғ сиймо ижодини ўрганиш у ёқда турсин, ҳатто, номини тилга олиш қийин эди. Эндиликда республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг улуғ аждодларимиз ижодини ўрганиш, тарғиб этиш учун катта имкониятлар пайдо бўлди. Зеро, Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримов айтганларидек: "Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди".

Шу боис республика раҳбарияти маънавий потенциални илдам ривожлантиришга, ўтмиш аждодларимиз меросини кенг халқ оmmasининг мулкига айлантиришга катта эътибор бермоқда. Хўжа Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Бобур, Абдулла Қодирий ва бошқа кўпгина алломалар юбилейларининг кенг нишонланиши халқимиз руҳини кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарорига мувофиқ, Муҳаммад Раҳимхон Феруз таваллудининг 150 йиллигини ўтказиш тўғрисидаги қарори ҳам атоқли давлат арбоби, мутафаккир

шоир ва бастакор, шоир ва олимлар ҳомийси фаолиятига берилган юксак баҳо, миллий қадриятларимизни авайлаб асраш мақсадида қилинган улкан ишдир.

Машъум мустамлака мафкураси тазйиқи оқибатидан оддий кишилар у ёқда турсин, ҳатто зиёлилар, раҳбарлар орасида ўз тарихини, буюк аждодларини билмайдиганлар бор эди.

Бундан икки йил муқаддам вилоятдаги барча катта-кичик раҳбарларни Хевага зиёратга олиб бордим ва бу қадимий ҳамда гўзал шаҳар тарихи бўйича суҳбат ўтказиб, Ферузнинг қабри қасрда, биласизларми?— деб улардан сўраб қолдим. Улар бу саволга жавоб беришга қийналиб қолдилар. Бу кишини ташвишлантирмай қолмасди. Шундан кейин Феруз хотирасини абадийлаштириш, унинг сиймосини яратиш ишларига янги туртки берилди.

Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул ва Нусратулло Жумахўжа биринчилардан бўлиб ана шу очилмаган қўриқни очишга дадиллик билан киришдилар ҳамда Феруз ҳақида китоб, туркум мақолалар яратишга муваффақ бўлдилар. Феруз ҳақидаги асарлар жуда тез тарқалди ва қўлма-қўл бўлиб кетди. Республика ва вилоят матбуотида тақризлар ёзилди. Радио ва телевиденида туркум эшитиришлар берилди. Феруз ҳаёти ва ижоди бугун вилоят мактабларининг тарих ва адабиёт режаларига киритилди. Кенг китобхонлар оммасидан олинган мактублар, таклиф-мулоҳазалар асосида мана иккинчи китоб дунёга келибди.

Аввалги анъанага мувофиқ, китоб тарихий ҳужжатларга, манбаларга суянган ҳолда хотиралардан унумли фойдаланиб ёзилган. Айниқса, ҳали биринчи марта дунё юзини кўраётган қимматли суратлар китобхонни қизиқтириши турган гап. Ферузнинг чевараси Саида Исмоил қизи, шоир ва тарихчи Баёнийнинг неваралари Ниёзжон ва Зулайҳо Мадаминбек қизларининг боболари тўғрисида айтганлари, Феруз оға-инилари, фарзанд ва набиралари томонидан яратилган машҳур "Ҳафт шуаро" ("Етти шоир") номли китоб тўғрисида маълумот берилиши китобхонларни сўзсиз қизиқтиради. Ферузнинг гўзал ва бой шеървати баҳоли қудрат таҳлил қилинган. Хуллас, тадқиқотчилар ўлкамизнинг ажойиб шоири, улкан давлат арбоби тўғрисида гўзал китоб яратишга жазм этишган. Бу ният қандай ижро этилганини баҳолаш азиз китобхонга ҳавола.

Ушбу китоб Феруз таваллудининг 150 йиллик тўйига муносиб тўёна бўлишига ишонаман.

Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Хоразм вилояти ҳокими

ФЕРУЗ ШАХСИ ҲАҚИДА ҲҲЛАР

Шоҳ ва шоир ҳақидаги китобимиз нашр этилганидан кейин китобхонлардан мактублар олдик. Кўплаб адабиёт мухлислари ҳузуримизга келиб, ўзларининг шахсий фикр-мулоҳазаларини билдириб, адолатпарвар хон ҳақида яна ёзишимиз лозимлигини айтдилар. Туркменистон, Украина, Қорақалпоғистон, Қозоғистондан одамлар келиб фойдали маслаҳатлар бердилар. Матбуотда тақризлар эълон қилиниб, бизни бу ишга ундай бошладилар. Айниқса, Э. Зоҳидовнинг "Хоразм фожиаси" қиссаси, К. Авазнинг "Сақили наво" достони, С. Авазнинг "Темирғози тўра" ҳақидаги қиссаларининг босилиши, адабиётшунос Г. Исмоилованинг Феруз газалларини нашр эттириши, иқтидорли олим, илк китобимизнинг масъул муҳаррири, ушбу янги китобнинг ҳаммуаллифи Нусратулло Жумаҳўжа Феруз тўғрисидаги туркум мақолаларни эълон қилиши мазкур соҳадаги жиддий тадқиқотлардан бўлди, десак хато қилмаймиз.

Хевадаги энг катта мактаблардан бири — 10-мактабга ва собиқ Крупская номи жамоа хўжалигига Феруз номи берилди. Қўшкўпир туманидаги 5-маҳалла аҳлининг таклиф-мулоҳазалари ҳисобга олиниб, маҳалла Муҳаммад Раҳимхон Феруз маҳалласи деб аталадиган бўлди. Бундан ташқари, мазкур маҳалладаги собиқ Киров кўчасига ҳам Феруз номи берилди.

Шунингдек, илгари Ленин ҳайкали қўйилган Нуруллабой саройи майдонида Феруз ҳайкалининг ўрнатилиши халқимизнинг буюк инсон шахсига бўлган ҳурмат-эҳтироми рамзи ҳисобланади.

Айниқса, серқирра ижод соҳиби, тарихчи адиб ва шоир, давлат арбобининг 150 йиллик тўйига тайёргарлик ишларининг қизиб кетиши бизни ушбу мавзуга яна қайтишга ундади.

Ўзбек халқининг Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Мирзо Бобур, Муҳаммад Шайбонийхон, Абулғози Баҳодирхон, Амир Умархон каби давлат арбоблари ўзларининг ёрқин фаолиятлари билан дунё халқлари орасида катта обрў-эътибор топган фозил инсонлар эдилар. Хева хони Сайид Муҳаммад Раҳимхони соний ҳам ана шу буюк сиймоларимиз қаторида турган. Авлодлар хокини тавоф этиш, ўтмишимиз ҳақида бўлган муносабатнинг ўзгарганлиги туфайли Феруз шахсига ва унинг шажарасига қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Тўғри, ўз даврида Огаҳий, Баёний, Табибий, Ходим, Султоний, Лаффасий, А. Болтаев каби замондошлар шоҳ ва шоир тўғрисида кўп ва хўб ёздилар. Бундан ташқари, А. Л. Кун, Н. Хаников, В. В. Бартольд, Н. Муравьев, Мак Гахан, А. Вамбери каби рус ва чет эллик шарқшунослар ҳам Феруз ва унинг даври ҳақида қалам тебратганлар.

Улар гоҳо халқимиз ҳақида ҳақиқат нуқтаи назаридан фикр юритсалар, гоҳида ўзларининг жамиятда тутган мавқеларини ўйлабми, Ферузни қатъиятсиз, истеъдодсиз киши сифатида тасвирлайдилар, унинг шахсини ерга уришга ҳаракат қилиб, бир ёқлама фикр юритадилар. Масалан, Л. Соболевнинг қуйидаги фикрларига нима дейсиз? "Хева идора усули истибод асосидадир, хонликнинг ҳозирги ҳукмдори Сайид Муҳаммадхоннинг ўғли бўлиб, 25 ёшлик Муҳаммад Раҳимхон деган ёш йигитдир. У, характери бўш киши бўлиб, доим бирорта маҳрамнинг таъсири остида бўлади. Мамлакат идораси билан ҳеч бир иши бўлмай, лочин билан ов қилишга жуда ишқибоз"¹. Афсуски, Л. Соболев келтирган маълумотлар тасодифий ва тартибсиз. Ҳали хонни яхши ўрганмай, у тўғрида ўйламай-нетмай фикр юритиш адолатданми?

Хўш, Феруз ва унинг саройдаги ҳаёти тўғрисида нима дейишимиз мумкин? Биз юқорида тилга олинган хоннинг замондошлари асарларига суянган ҳолда, бу тўғрида фикр юритишга ҳаракат қиламиз:

Ферузким, шаҳаншоҳи доно эрур,
Фазилатда суҳондон эрур.
Ёзиб неча турлик абётлар,
Битиб неча хил ашъорлар.
Шоҳи одил хисравидин паноҳ,
Фалак тахт меҳру афсар анжум сафо.
Қуёшдек сафоси жаҳонгирдур,
Ки васфида ожиз ичра таҳрирдур.—

деб ёзганида Муҳаммадали Лаффасий ҳақли эди.
Сайид Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони соний хон сифатида анча катта имтиёзларга эга эди. Бу унинг бошидаги нодир шерозий телпак (чўғирма)даги жиғадан ҳам яхши кўриниб турарди. Агар у бирон жойга сафар учун чиқса, албатта, эллик-олтмиш нафар, узоқроқ туманга йўл олса, икки юзтача суворий уни қўриқлаб борган. Саройдан чиқишда "Соқили наво" ("Хон чиқар") куйи сурнайда чалинган. Бу куй ўша даврда Хоразмнинг Давлат мадҳияси вазифасини ўтаган, десак хато қилмаймиз. Сафар вақтида учта суворий сурнай, бир одам карнай чалиб борган.

¹ Л. Соболев. Обзор доступов к Хивинскому ханству и краткие сведения о нем (Военно — статистический очерк). Военный сборник. 5. СПб май. 1873 г. С. 158.

Қўшин олдида бешта олий туғ (байроқ) кўтариб юрилган. Энг олдинда Паҳлавон Маҳмуд туғи, ундан кейин Элтузархон, сўнг Муҳаммад Раҳимхон соний туғлари, кейин ҳар бир уруғ туғи, жумладан, қўнғирот, ёвмут, йимрали, човдир, гўклан туғлари каби жами йигирма беш туғ қўшинга тантанаворлик руҳини бағишлаган.

Хон атрофида ўнтача маҳрами бўлиб, улар кумуш эгарларга миниб, ўзларининг безатилган нодир отларини йўрғалатиб боришган. Феруз отидан кейин Полвон чилимчи бир қўлида чилимни ўт олдирган ҳолда тутиб борган. Агар Феруз бирон жойда тўхтаб "Чилим" деса, у "Ажаб бўлгай!" деб хонга таъзим қилиб чилимни тутган.

Саройда Ферузнинг икки маҳрами бўлиб, у саройга қадам қўйиши билан улардан бири кутиб олган ва тахт турган жойгача кузатиб борган ва ўнг тарафга ўтиб турган. Иккинчи маҳрам сўл тарафга ўтиб хоннинг фармойишига тайёр ҳолда турган.

Феруз саройга деярли ҳар куни қишлоқлардан деҳқонлар совға-саломлар олиб келиб турганлар. Шайхлар қишлоғи деҳқонлари узум ва анор, жангишихликлар олма, Бадирхондан қовун-тарвуз, Гандумкондан тамаки ва ширмой нон ёпиб олиб келинган.

Феруз совға-саломларнинг миқдори ва туридан қатъи назар, уларни хурсандчилик билан қабул қилган ва ҳар бир деҳқон совға-саломининг ҳақини тўлаган.

Халқ ўз ҳукмдорининг қадрига етган. Ферузнинг энг узоқ муддат давлатни идора этишининг асосий сабабларидан бири ана шундадир.

Хоннинг саройдан чиқиши олдида маҳрамларидан бири буни жарчига келиб айтган. Жарчининг чиқиши билан карнайчи ва сурнайчиларга хабар берилган. Машҳур "Хон чиқар" куйи янграши билан карнайчи хон ва унинг амалдорлари олдида юриб, ҳукмдор келаётгани тўғрисида доврўқ солган. Ёзма манбалардаги маълумотларга кўра, Ферузнинг жами тўққиз сурнайчиси, олти карнайчиси бўлган. Улар Ферузнинг уруш ҳаракатларида қўшин сафида аскарлар қатори иштирок этганлар. Шикорга ҳам улар хон амалдорлари билан биргаликда қатнашганлар. Байрам ва ҳайитларда улар сони яна ортган. Хон уларга ойига беш тиллодан маош тўлаган.

Феруз бўз от устида салобат билан келар, ҳар замон, ҳар замон атрофида турган оломонга бош иргатиб салом берар, халқ ҳам ўз навбатида хонига эгилиб таъзим қилар: "Хонимиз саломат бўлсин, умрлари зиёда бўлсин!" деб қичқирар эдилар. Хон бўлса, сўл қўли билан устига қизил мовут сирилган кумуш эгарни тугган, иккинчи қўли билан нақшинкор ялтироқ қамчини ушлаган, унинг ялтираганидан одам кўзи қувонарди.

Ферузнинг эғнида кўк мовут чопон бўлиб, у бу чопонни саройдан бир ёққа чиққанида кияр эди. Чопоннинг ёқаси, тугмалари ҳам зар билан қопланган бўлиб, у қуёшнинг заррин нурларида ялтирарди.

Хон оти ҳам жуда безатилган. Отнинг бўйнидаги бўйинбоғига турли қимматбаҳо жавоҳир тошлар ўрнатилган, ўмилдириқ, юган ҳам нозик дидли усталар санъатини кўрсатиб турарди.

Феруз ёнида Иброҳимхўжа, Яъқуб меҳтар, Матмурод девонбеги, Матниёз ясавулбоши, Хасанмурод қушбеги ва бошқа амалдорлар кузатиб борганлар. Хон атрофидаги амалдорларнинг кўплиги Феруз қўшинига янада дабдаба бағишларди.

ХОННИНГ ИШ КУНИ

Феруз одатда эрта туради. Эрта туриш қут-барака, яхшилик аломати эканлигини яхши билган хон намозни ўқиб, бирон соат ижодхонасига кириб кетади. Навоий, Огаҳий асарларини мутолаа этади, илҳоми келса, бирон ғазал битади. Чунки ҳафтада икки марта ўтадиган ғазалхонлик оқшомларига қуруқ бориб бўлмайди. Барча ижодкорлар шоҳ ва шоирдан янги ғазаллар кутиши табиий ҳол эди. Нонушта пайтида баъзан оила аъзолари даврасида бўларди. Айрим ҳолларда эса нонуштага мударрис, уламолар, шайхулислом таклиф этиларди. Улар бу пайтда дини ислом қоидалари, шариат, мамлакатдаги аҳвол тўғрисида секин суҳбатлашиб ўтирардилар. Нонушта тугагач, Иброҳимхўжа бошлиқ Амирул-Умаро Амир тўра, Яъқуб меҳтар, Худоёр қушбеги, Исмоилхўжа нақиб, Матмурод девонбеги, Раҳматулло ясавулбоши ва бошқа йирик амалдорлар саломга кирардилар. Айрим ҳолларда Огаҳий, Комил, Баёний каби аҳли шуаро ҳам улар сафида бўлардилар.

Хон тахтда ўтириб, ўзининг ҳукмдорлик вазифасини адо этишга киришади. Хонликда олиб борилаётган қурилиш, қазув ишлари, уруш ҳаракатлари, бозордаги нарх-наво муҳокама этилади. Муҳокама баъзан узоқ давом этади. Айбдорларга жазо берилади. Туш пайти бўлгач, Норбўта дастурхончи буйруғига мувофиқ, ходимлар ўртага дастурхон ёзадилар. Муҳаммад Назар ошпаз дамлаган думба ёғига пишган паловни Тангриберди товоқчи ўртага тортади. Ферузнинг ҳаммага эшиттириб "Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим", — деб дастурхонга қўл узатиши билан бошқалар ҳам чинни товоқлардаги таомга қўл узатадилар. Овқат маҳали ҳеч қандай гап бўлмас, ҳамма овқат билан овора эди. Таомдан сўнг товоқлар олингач, фотиҳага қўл кўтарилади ва Иброҳимхўжа қироат билан фотиҳа ўқийди. Даврага хитой кўк чойи тортилади. Жобборқули ошпаз томонидан дамланган кўк чой анча дам олганига қарамасдан, пуфлаб-пуфлаб ичилади. Феруз ишорасига биноан, атрофда турган баъзи мулозимларга ўтиришга рухсат берилади. Бугун Ферузда шахмат ўйнашга иштиёқ бор эди.

— Қани Муҳаммад Юсуфбек, марҳамат қилинг, — хон пастроқда ўтирган Баёнийни шахмат ўйинига таклиф этади.

— Ажаб бўлғай, ҳазратим,— деб Баёний таъзим қилганича хон ёнидаги пастак усталга келиб тиз чўкиб ўтиради.

Муҳаммад Юсуфбек ўзининг шахматга усталиги билан фақат саройда эмас, балки бутун хонликда овоза бўлган эди. Шунинг учун ҳамма унга ҳавас билан қарар, айниқса, Феруз Баёнийга устоз сифатида қарар, шу билан бирга, уни яқин қариндош сифатида ҳам жуда ҳурмат қилар эди.

Баёний шахмат ўйини пайтлари кўпроқ ютар, айрим ҳолатларда Ферузга ютқазиб, хоннинг кайфиятини кўтариб қўярди. Шунда Феруз: "Шахмат зўр ўйин, ўйинда ютиш учун катта билим талаб этилади",— деб мақтаниб ҳам қўярди. Пешин намозигача давом этадиган ушбу ўйин хон кайфиятини анча кўтарар, ана шу пайтда амалдорлар Ферузга бирон иш бўйича мурожаат этишни хуш кўрардилар. Аксарият ҳолларда иш битиши турган гап эди.

Намозни ўқиб бўлгач, Феруз арзхонага чиқиб арз тингларди. Арз сўраш пайти барча амалдорлар ўнг ва сўл тарафда ўтирардилар. Айвон олдида турган икки маҳрам навбати билан арзчиларни хон олдига қўярдилар. Хотин-халаж, ёш-қари ўзининг аҳволи ҳақида хонга мурожаат қилади. Биров ерига сув ололмаётгани, иккинчиси эса қўшнисининг нопокликлари тўғрисида, учинчи одам эса оилавий аҳволи оғирлашгани учун навкарликка олинган ўғлини қайтаришини сўраб келган. Феруз диққат билан арзчиларнинг фикрини эшитади. Фуқаропарвар бўлгани учунми, ҳамманинг илтимосини бажаришга ҳаракат қилади. Одамлар қуллуқ қилганларича унинг олдидан чиқадилар, иши битмаганлар эса норози, аммо буни билдирмасликка ҳаракат қилдилар. Чунки деворнинг ҳам қулоғи бор. Хон эшитса яхши бўлмас.

Аср номози пайти арз тинглаш маросими тугайди. Навбати етмаганларга эртага келиш айтилади.

Феруз номозни ўқигач, сайр қилиш учун Гандумкондаги ҳовлиси томон йўл олди. Унга Отажон тўра, Амир тўра, Исмоилхўжа нақиб ва Элтузар иноқлар ҳамроҳлик қиладилар. Хон Боғча дарвозадан чиқиб Элакчилар кўчаси орқали юриб, Қаландархона ёнига келганда отини тўхтатди. Сирчали ёпи бўйида давом этаётган мақбара қурилишини кузатди. Шу пайт бир тўда қаландарлар пайдо бўлиб, "жаҳу-жаҳу",— деб зикр туша бошлайдилар:

Дунё учун гам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутаро.
Ло илоҳа иллаллоҳ, ҳақ дўст, ё Оллоҳ!
Ло илоҳа иллаллоҳ, ҳақ дўст, ё Оллоҳ!

Аҳли аёл қариндош, ҳеч ким бўлмайдур йўлдош,
Мардона бўл, гариб бош, умринг елдек ўтаро.
Ло илоҳа иллаллоҳ, ҳақ дўст, ё Оллоҳ!
Ло илоҳа иллаллоҳ, ҳақ дўст, ё Оллоҳ!

Уларнинг ўнгу сўлига қарамай жўр бўлиб зикр тушишларида қандайдир ўзаро бирдамлик, аҳиллик намоён эди. Хон уларнинг ҳаракатини кузатиб турди ва улар устига кулимсираб бир сиқим кумуш танга сочди. Ўн-ўн икки чоғлиқ қаландарлар тупроқ орасидаги тангаларга ёпишдилар.

Хон йўлга тушишга ишора қилгач, тўртта шотир хон отининг жиловини ушлаганча илдам юриб кетдилар. Шотирлар қизил тўн кийиб, белига қўнғироқли камар тақиб олган эдилар. Улар юрганларида қўнғироқлар чиройли жаранглаб, хон келаётганидан дарак берарди. Йўлда келаётган халқ дарров икки томонга чиқар ва эгилганича хонга таъзим этарди. Шотирлар хон отининг икки томонидан юриш билан бирга хон ҳаётини қўриқлашдек махсус вазифани ҳам бажарар эдилар. Саройда жами ўн шотир бўлиб, улар фақат Раҳматулло ясавулбошига бўйсунар эдилар.

Номозгоҳга келиб хон бир оз дам олди. Муздек қилиб қоронғилатиб қўйилган оромгоҳда бир соат мизғиган бўлди. Кейин тамадди қилиб олдилар. Кун ботиши олдидан Феруз шаҳарга қайтишга қарор қилди. Ичон қалъа анча тинчиган эди. Хон намозшомни одатдагидек сарой аҳли билан ўқиди. Номоз ўқилгандан сўнг саройда турмайдиган амалдорлар хондан рухсат олиб уй-ўйлари тарқалдилар. Феруз одатдагидек ўз яқинлари билан овқатланди. Хон овқат маҳали кам ичкилик ичади. Бир-икки ҳўплам қизил мусалласни оғзига олиб бориб ўтирарди. Унга Шихлодаги қора кишмишдан тайёрланган мусалласни келтирар эдилар. Шундай бўлсада, Феруз бу соҳада қаттиқ тартиб ўрнатган. Аммо чет эллик элчиларни қабул қилиш маросимларида ноилож рухсат берар, ўзи ҳам қўшилишга мажбур бўлар эди. Саройда баъзи амалдорлар, айниқса Отажон тўра, Асқар Маҳмуд тўралар ичкиликка анча ружу қўйганлар. Феруз буни билар, уларга бир неча марта қаттиқ танбеҳ берган эди. Шундай бўлсада, улар гоҳ яширин, гоҳ очиқ бу ишни канда этмас эдилар.

Ниҳоят, кечки овқат тугади. Норбўта дастурхончининг ишораси билан хизматкорлар дастурхонни йиғиштира бошладилар. Феруз Толиб маҳзумга тонгда янги ғазал битганлигини айтди ва аҳли шуарони саройга таклиф этишни буюрди. Бирин-кетин Оғаҳий, Баёний, Комил, Табибий, Мирзо, Ходим каби шоирлар, Саъдий, Султоний, Комёб, Фаррух, Муродий сингари Феруз шажарасига мансуб ака-ука ижодкорлар ўз ўринларига келиб ўтирдилар.

Феруз одатдагидек янги ғазални қироат билан ўқий бошлади:

Пайваста қоши шаклидур ул чашми жоду устина,
Бир чарғим, ёзмиш қанот қасд айлаб оху устина.

Наззора қилгил орази узра хатиға ҳар замон,
Ғар мавжи жавҳар кўрмасанг бир соф кўзгу устина.

Меҳри мунир бўлмишмудур гулгун шафақ ичра ниҳон,
Киймиш ваё гулранг тўн ул шўх гулрў устина.

Кўнглим, нетонг, сиймобдек ҳар лаҳза қилса изтироб
Ким, ул юз ўтидин эриб, сув бўлгуси сув устина.

Лайливашимнинг ишқида мажнунлигим кўрган киши
Ҳолима кулгулар қилур изҳор кулгу устина.

Хатдурми рухсори уза ёхуд мусаххар қилголи,
Чин мулкининг келмишмудур афвожи ҳинду устина.

Ёғду кун бўлди кўзларим олдида шоми тордек,
Айларга пинҳон юзларин чун ёзди гесу устина.

Ваҳ, найлайин, Феруз, ул қотил газаб ёйин чекиб,
Мужгон ўқин тез эттали чин солмиш абрў устина.

Ғазал тугагач, ўтирганлар орасида "Офарин, офарин" сўзлари янгради ва ҳамма устоз Огаҳийга қаради. Огаҳий ўрнидан турди. Унинг кўзларида севинч ёшлари. Шоҳ ва шоирнинг Огаҳийдек шоирни тан олиб, унга эргашиб гўзал ғазал битгани барчани ҳайратга солган эди. Огаҳий Ферузга қуллуқ қилмоқчи эди. Феруз: "— Устоз биз сизга қуллуқ қилишимиз даркор. Замонамизнинг буюк шоири Огаҳий ҳазратларига бир зар тўн кийгизилсин!"— деди. Толиб махзум бу сўзларни эшитиб, устод устига тўн кийгизди. Огаҳий бундай илтифотдан хурсанд бўлиб, Ферузни келиб қучоқлади ва таъзим қилганича бориб ўрнига ўтирди. Ферузнинг очиқ кўнгилик билан Огаҳийдек буюк зотни қўллаб-қувватлаши ҳаммани лол қолдирган ва шەърият оқшомига ўзгача руҳ бағишлаган эди.

Феруз қўлидаги ғазални Аҳмаджон Табибийга узатди. Чаққон ва абжирлик билан Аҳмаджон нима мақсадда хон ғазални берганлигини тушунган ҳолда унга қуллуқ қилди ва жойига бориб ўтирди. Ғазал айтиш қизиганидан қизиб борарди. Ёш бўлса-да, шەър айтишда анча стилиб қолган Ферузнинг севимли набираси шаҳзода Саъдий бобоси ғазалга бадиҳагўйлик билан ғазал айтишга изн сўради. Хон набирасининг топқирлигига қойил қолиб, унга рухсат ишорасини қилди:

Тутмиш қошинг ё ҳаёти ул етушмас кон устина,
Ёздурғали мойил эрур ўқ бу ҳазин жон устина.

Айлаб рақиб рўй сиёҳи шодмон васлинг била,
Ташлаб мен дилхастани бу дарду ҳижрон устина.

Агёр васлинг жомидин сармаст ўлибон, эй санам,
Мен нотавон қолмиш ғам ичида поён устина.

Саъдий бўлибон оразингни шавқида Мажнуншиор,
Юз ранжу меҳнатлар билан бу нуҳи хирмон устина.

Навбат Ферузнинг жияни шаҳзода Оқилга келади. У ҳам анча қироат билан Ферузга монанд ҳолда ғазалини ёд ўқий бошлади:

Ҳажр гами зўр айламиш бу зори ношод устина,
Қилманг ажаб дод айласам афғону фарёд устина.

Девона бўлдим кўргали то ул пари рухсорини,
Ҳар ким бўлур Мажнунвор келса паризод устина.

Кофир кўзи, мушкин қоши андоғки жонлар ҳасдиға,
Чекмиш ики шамширни ул икки жаллод устина.

Қадди юзин кўрган киши дерким малоҳат боғида,
Гул банда бўлмишдур магар бир сарви озод устина.

Фурқат аро гар йиғласам айб этмағилким, Оқило,
Ҳажр гами зўр айламиш бу зори ношод устина.

Ниҳоят, шеърят оқшоми тугади. Оқил шоҳнинг шижоати туфайли Огаҳийдек буюк санъаткорнинг бир ғазалига бу оқшом ўнлаб ғазаллар битилди. Саройда ўтирган инсонлар Огаҳий шеърларининг буюклигига, шоҳ ва шоирнинг ўз устозига билдирган чексиз меҳр-муҳаббатининг устиворлигига қойил қолиб, уларга яна бир бор таҳсинлар айтиб саройдан чиқдилар.

ФЕРУЗ ВА УНИНГ АМАЛДОРЛАРИ

Хева хонлигининг сўнгги 116 йили Қўнғирот ўзбеклари сулоласидан чиққан кишилар томонидан бошқарилди. Бу сулолага Элтузархон асос солган бўлса, унинг сўнгги вакили Сайид Абдуллахон бўлди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам икки йил давомида хонлик қилдилар, холос. Қўнғирот сулоласига сўнгги ўн бир хон мансуб эди. Булар: Элтузархон, Муҳаммад Раҳимхон, Оллоқулихон, Раҳимқулихон, Муҳаммад Аминхон, Абдуллахон, Қутлуғмуродхон, Сайид Муҳаммадхон, Муҳаммад Раҳимхони соний, Исфандиёрхон, Сайид Абдуллахонлар эдилар. Хевада ўтган жами қирқ тўққиз хон ичида энг узоқ даврон суриш Сайид Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони соний Ферузга насиб этди. У қирқ етти йилу ўн беш кун тахтда ўтириш бахтига мушарраф бўлди. Чунки у ўз атрофига адолат ва ҳақиқат нуқтаи назаридан қаровчи амалдорларни тўплади. Аввало, дейиси доно Иброҳимхўжа, шоир ва мутаржим Огаҳий, етук ижодкор, шоир ва тарихчи Баёний, шоир ва давлат арбоби Паҳлавонниёз мирзабоши, узоқни кўра билувчи Исмоилхўжа нақиб, қози Муҳаммад Латиф охун, жасур ва мард Матмурод девонбеги, уddaбурон Раҳматулло ясавулбоши, Абдулла маҳрам ва адолатпеша Шайхназарбой каби кишилар билан бирга иш юритганлиги туфайли мана шундай шарафга сазовор бўлди.

Хева хонлиги архиви ҳужжатлари, улкан тарихчи олим, академик М. Й. Йўлдошев ва бошқа олимларнинг тадқиқотларига асосланиб, шуни айтиш мумкинки, Феруз даврида маълум муддат Олий кенгаш орқали давлатни идора этиш расм бўлди. Ушбу кенгашга меҳтар, қушбеги, нақиб, шайхулислом, мироб, қози, оталиқ, иноқ, бий ва бошқалар ҳам кирганлар.

Феруз ҳокимият тепасида бўлиб, қўшинга тўғридан-тўғри ўзи ёки амакиси Амирул-умаро Сайид Маҳмуд тўра-Амир тўра орқали фармон берган. Бу даврда ҳар бир одам ҳарбий лавозим эгаси бўлмасда саркарда, лашкарбоши қилиб тайинланиши мумкин эди. Масалан, Ферузнинг отаси Сайид Муҳаммадхон 1855-1856 йилларда хонликда Амирул Умаро лавозимини таъсис этди ва ўз акаси Сайид Маҳмуд тўрани бу ишга тайинлади. Мана шу даврда Амирул-умаро энг катта мансаб бўлиб, у ойига 500 тилло маош олар, бундан ташқари, Ҳазорасп, Питнак, Шўрахон вилоятлари унинг ихтиёрига берилган эди. Амирулумародан сўнгги саркардалик лавозими ясавулбошилиқ мансаби эди. Улар хонликда икки киши бўлиб, бири ёвмут туркманларидан ташкил топган қўшинга раҳбарлик қилган. Бу вазифада Раҳматулло ясавулбоши ишлаган.

Човдирлардан ташкил топган қўшинга эса Маҳмуд ясавулбоши раҳбар бўлган. Ясавулбошининг вазифаси ўз вақтида қўшинни жангга бошлаб бориш бўлган. Тинчлик вақтларида ясавулбошилар саройда ҳозир бўлганлар ва турли қабул маросимларида иштирок этганлар. Ясавулбошилардан 45 йил давомида етти хон салтанатида ҳалол хизмат этгани Раҳматулло ясавулбошидир. Отаси Муҳаммад Ниёз ясавулбоши Оллоқулихоннинг 1839 йилдаги юришларида ҳалок бўлгач, ушбу лавозимга Раҳматулло маъқул топилгач, то умрининг охирига қадар (1890 йил) шу вазифада бўлди. У айниқса, Оллоқулихоннинг 1841—1842 йиллардаги юришларида қаҳрамонлик кўрсатди. Раҳматулло ясавулбоши 1873 йилги Хева мудофаасида ҳам, анча кексайиб қолганига қарамасдан, жасорат намунасини кўрсатди. У етти йил давомида (1873—1880) Русиянинг Ғазали, Калуга деган жойларида сургунда бўлиб келганига қарамасдан, Феруз таклифига биноан, яна ўн йилдан зиёдроқ ушбу лавозимда ишлади. Раҳматулло ясавулбоши 40 тилло атрофида маош олган. Раҳматулло ясавулбошининг бобоси Қурбон Ниёз ясавулбоши ҳам кўп йиллар давомида Хева хонларига хизмат қилган. Бу тўғрида Огаҳийнинг тарихий асарларида, Баёний китобларида анча маълумотлар учрайди. Раҳматулло ясавулбошининг ўғли Бекчонбек ҳам отаси сургундалик пайтида ясавулбоши бўлиб хизмат қилди. Қисқа қилиб айтганда, Раҳматулло ясавулбоши авлодларининг фаолияти тарихимиз учун анча қизиқарли маълумотларни беради. Улар халқимиз томонидан

ардоқланишга, номлари абадийлаштиришга молик бўлган сиймолар эдилар.

Нақиблар Феруз саройидаги энг ишончли кишилардан бўлганлар. Хон қўшинида гарчи бош штаб бошлиғи вазифаси бўлмасада, ана шунга ўхшаш вазифани Нақибхўжа бажарган. Нақибхўжа Ферузнинг яқин маслаҳатгўйи бўлиб, бу вазифа Сайид ва хўжалар учун жуда катта фахрий унвон эди. Нақиблар мадраса таълимини тўлиқ олган, дунёвий илмлардан бохабар, диний илмни аъло даражада билган кишилар эдилар. Нақиблар пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам авлодидан бўлганлар. Феруз қаерга бормасин, ҳатто уруш ҳаракатларида ҳам Исмоилхўжа нақибни ёнида доимий ҳамроҳ сифатида олиб юрган.

Ферузнинг қабул маросимларида Исмоил Нақибхўжа сўл томонида биринчи бўлиб ўтирган. Ҳатто, шаҳзодалар ҳам ундан кейин ўтирганлар.

Уруш ҳаракатлари пайтида Нақибхўжа хон фармонига мувофиқ тузилмаларни қуроллантириш ва уларни жойлаштириш, қўшимча қўмондонлар тайинлаш вазифасини бажарган. Феруз Нақибхўжага таянган ҳолда иш олиб борган. Хон сайловлари пайтида ҳам Нақибхўжа ҳал қилувчи вазифани бажарган. Архив ҳужжатларида ёзилишича, Феруз Нақибхўжа хизматларига миннатдорчилик билдириб, унга муштдек қўйма олтин совға қилган. У 100—150 тилло миқдоридида маош олган. Исмоил Нақибхўжа 1873 йилги Хева-Русия сулҳ шартномасини тузиш ва имзолашда иштирок этган.

Исмоил Нақибхўжа тахминан 1895—1896 йилларда вафот этган. Феруз Исмоил Нақибхўжа ўрнига ўғли Фахридинхўжани Нақиб қилиб тайинлаган. У тўғрисўз, ҳалол, илмли одам бўлиб, ўн беш йилча мазкур вазифада ишлади.

Феруз Фахридин Нақибнинг қизлари Шукуржонни ўғли Исфандиёрга, Уллипошшани ўғли Муҳаммад Юсуф тўрага олиб бермоқчи бўлганда у рад жавобини бериб, нақиблик вазифасидан истеъфога чиқди ва Маккага ҳажга жўнаб кетади. Шундан кейин Фахридинхўжанинг акаси Муҳаммад Амин муфти укасининг қизларини Ферузнинг ўғлига беришга рози бўлади. Фахридин ҳаждан қайтиб келса, қизлари Шукуржон ва Уллипошшалар Исфандиёр ва Муҳаммад Юсуф тўраларга турмушга чиқарилган, бунга акаси Муҳаммад Амин муфти розилик берган. Акасининг ишидан қаттиқ хафа бўлиб Фахридин ҳожи то умрининг охири то 1931 йилга қадар у билан гаплашмаган. Ҳаждан келганидан кейин, Феруз Фахридин ҳожини Нақибхўжа лавозимига тайинлаган. У бу вазифада 1920 йилга қадар бўлди.

Хевада бир табаррук муҳр бўлиб, у ҳозир Сайид Моҳи рўйи жаҳонда сақланади. Фахридинхўжа Нақибнинг ўғли Сайид Маҳмуд

хўжанинг айтишича, мазкур муҳрни, мўйи муборакни ва ҳирқани Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам ўз чориёрлари орқали ўша даврдаги Хоразмдаги Нақибхўжага бериб юборган ва Хоразмни ўз мулким (ўз ерим) деб атаган экан.

Ҳозирги кунда ушбу авлод вакилларидан бўлмиш Сайид Маҳмуд Фахриддин Нақибхўжа ўғли ҳам Ферузнинг Сайид Моҳи рўйи жаҳон мақбараси қошидаги мадрасада яшаб, 50 га яқин ёшларга эски ўзбек ёзуви ва диний илмлардан таълим бериб келмоқда. Отахон анча тетик. Феруз ва унинг даври тўғрисидаги қизиқарли воқеаларни биледи ва ёшларга ҳикоя қилиб беради.

Хонликда девонбеги вазифаси анча нуфузли вазифалардан бири эди. Феруз замонасида Муҳаммадмурод ушбу вазифани бажарган. Китобнинг I-қисмида Муҳаммадмурод девонбеги ва унинг авлодлари ҳақида анча батафсил маълумот беришга ҳаракат қилган эдик. Эндиликда яна янги маълумотларни қўлга киритдик. Уларни тасаввурингизни янада кенгайтиради ва ойдинлаштиради, деган умидда баён этмоқдамиз. Муҳаммадмурод девонбеги хонликда закот йиғиш ва бозорларда жой пули олиш ишларига раҳбарлик қилган.

Рус шарқшуноси А. Л. Кун Муҳаммадмурод девонбеги тўғрисида шундай маълумот беради: "Муҳаммадмурод девонбегининг бутун мулк 50 минг танобга етган. Бу девонбеги Сайид Муҳаммад Раҳимхон ҳузурда нуфузли арбоб саналади". Муҳаммадмурод девонбеги раҳбарлик қилаётган маҳкама тўпланган пулларнинг тўғри сарфланишини ҳам назорат қилиб борган. У вақти-вақти билан меҳтар ва хонга ҳисоб бериб турган. Муҳаммадмурод девонбеги бош девонбеги бўлиб, хонликда яна учта девонбеги бўлган. Булардан Ҳасан девонбеги Гандумкон, Ангариқ, Ос-сирчали, Қиёт, Оқмачит, Янги шайх, Оқёб, Нуруллабойдаги хўжаликлардан даромад йиғдирган. Худоёр ва Матнӣз девонбегиларга ҳам хонликлардаги бошқа жойлар қараган. Хонликдаги юқори вазифани меҳтар бажарган. Унинг вазифаси бош вазир мансабига тўғри келади.

Феруз даврида Муҳаммад Раҳим, Бобомингбошилар меҳтарлик вазифасини бажарганлар. Улар жон солиғи йиғдирганлар ва бош хазиначилик қилганлар. Чет эллардан келган элчиларни қабул қилиш, хон сафарга кетганида унинг вазифасини бажариш меҳтар зиммасида бўлган.

Меҳтардан кейин қушбеги турган. У ҳам молия-солиқ ишларига раҳбарлик қилган. Қушбеги вазифасига Қиёт-Қўнғирот Уруғи вакиллари одам тайинланган. Феруз замонасида Ҳасанмурод қушбеги, унинг ўғли Муҳаммад Юсуфбек қушбеги, Худоёрбек қушбеги, Муҳаммад Назарбек қушбеги ва бошқа кишилар фаолият кўрсатганлар. Қушбеги томонидан йиғилган солиқлар алоҳида дафтарга ёзилиб борилган.

Феруз даврида иноқлар катта эътиборга эга эдилар. Чунки Ферузнинг ўзи ана шу иноқлардан чиққан эди. Улар хонларни сайлаш вақтида хон ўтирадиган оқ кигизни кўтариб "хон, хон, хон" деб уч марта юқорига ирғитганлар.

Саройдаги бош иноқлардан бири Элтузар иноқ бўлиб, бу Ферузнинг амакиваччаси эди. Иноқбек саройда Амирулумаро Амир тўрадан кейин ўтирган. Қолган уч иноқ Элтузар иноқдан кейинроқда жой олганлар. Элтузар иноқ илмли ва ақлли одам бўлган. Хоннинг яқин маслаҳатгўйи, ишончли одами сифатида Эрон, Афғонистон, Бухорога бир неча марта сафар қилган. У 1873 йилги уруш ҳаракатлари пайтида руслар ичига хоннинг вакили сифатида борган. Ҳозирги кунда Элтузар иноқдан қолган кишилардан Абдуқоҳид тўра ҳаётдир. Хоразм тарихини жуда яхши биладиган бу инсон ота-боболари тўғрисида соатлаб ҳикоя қилишдан чарчамайди. Шўролар ҳокимият тепасига келганида, жабр-зулм кўрганига қарамасдан, анча тетик бу отахон ҳақида китобнинг кейинги бобларида ҳикоя этамиз.

СОЛНОМАДА ФЕРУЗ АДАБИЙ МУҲИТИ

Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг "Шажарайи хоразмшоҳий" солномаси қадим тарихимизнинг мумтоз кўзгуси бўлиши билан бирга XIX аср Хоразм ижтимоий-маданий муҳитини равшан акс эттирувчи манба ҳамдир. У тарих ва адабиётшунослик илмига муайян аниқликлар киритишга асос беради. Асар айрим адабий сиймоларимиз ҳаёти ҳақидаги қизиқарли тафсилотларни баён этади. Хусусан, ҳассос шоир Муҳаммаднийёз Комилнинг жасур жангчи, паҳлавон саркарда бўлганлиги ҳаётий ҳодисаларда кузатилади.

ПАҲЛАВОН ШОИР

"Сангар(окоп)ларнинг атрофларида ҳар куни бу тариқа урушлар бўлура эди. Бир кун Кўрганли бир ямутким (ёвмут уруғи вакили), Қароболоқ лақаби била мулаққаб эрди, бағоят забардаст ва мерган эрди. Бир миқдор ямутга бош бўлуб, Муҳаммадмурод девонбегининг сангарига келиб уруш бошлади. Лашкарга ондин кўп дастбурдлар етди, бир кун Муҳаммадмурод девонбеги деди: Ҳар киши ушбу Қароболоқни отини урса, беш юз тилло ва ўзини урса, минг тилло берурман". Паҳлавоннийёз юзбоши (Комил солномада шундай ном билан ҳам юритилган) бу сўзни эшитиб, бир кўҳна ёфнинг ичи била буқуб юруб майдоннинг бир тарафида бир кўҳна девор бор эрди, онинг паноҳига борди, ул вақтда Қароболоқ майдонга от солиб келди. Паҳлавоннийёз онга бир ўқ етди. Ўқ отига тегиб йиқилди. Қароболоқ ондин жудо бўлиб билдиким, ул деворнинг орқасида киши бордур,

ул ерда бир неча тўп юлғун бор эрди, онинг паноҳига кириб турди. Ул вақтда Паҳлавонниёз бошига кийган нимани милтуқнинг учиға илдуруб, оҳиста юқориға кўтарди. Қароболоқ они милтиқ отган кишининг ўзи гумон этиб милтуқ била они урди. Ул вақтда ямутлар билдиларким, эмди ул мерган Қароболоқнинг устиға бориб они қатл этар, филҳол, ҳужум этиб от солдилар. Бу тарафдин Хсвақ лашкари ҳам от солиб келиб, Паҳлавонниёзни олиб қайтдилар. Ямутлар Қароболоқни олиб қайтдилар”.

Англашиладики, Комил адабий сиймосини безаб турган Паҳлавон лақаби шоирнинг жанг майдонларидаги жасорати учун берилган.

КОМИЛ ВА КАУФМАН

Марказий Осиё ва Россия муносабатларини ёритишда, шунингдек, XIX аср Хоразм адабий муҳитининг Муҳаммадниёз Комил сингари йирик намояндалари ижтимоий фаолияти ҳақида шу пайтгача кўпроқ рус ва Ғарб тарихчиларининг ҳужжату маълумотлари асосида хулоса чиқариб келинган. Бироқ чор Россияси истилосида иштирок этган рус ҳарбий хизматчиси ва воқеанависи Ф. И. Лобисевич хотираномалари, “Хивинский поход 1873 года (по официальным источникам) СПб., 1873” каби манбалардаги маълумотларни жабрдийда диёр — Марказий Осиёга нисбатан ҳолисона нуқтаи назар сифатида қабул қилса бўлармикан? Асло мумкин эмас. Негаки, бундай воқеанавислар воқеа-ҳодисаларга истилочилик мафкураси манфаатидан келиб чиқиб ёндашганлар. Боз устига, асл ҳақиқатларни асраб келган ўз маврусий манбаларимиз мавжуд. Назаримизда, эндиликда Ватанимиз тарихини ҳаққоний ўрганиш ва ёритиш учун тарихий воқеалар гувоҳи бўлмиш шу замин фарзандлари асарларига суянсак, тўғрироқ бўларди. Шу жиҳатдан қараганда, “Шажарайи Хоразмшоҳий”даги воқеа-ҳодисалар тасвири муомаладаги расмий манбалар маълумотларини тўлдириш, аниқлаштириш, тузатишга хизмат қилади. Масалан, Комилнинг Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) саройидаги ижтимоий фаолияти, шахсий қисмати ҳақидаги “Ўзбек адабиёти тарихи” тадқиқотининг V жилдида (71-бет) шундай фикрларни ўқиймиз: “Комилнинг бу давр фаолиятида кўзга ташланиб турган янгиликлардан энг муҳими — унинг ҳар соҳада мумкин қадар Россияга, рус маданиятига қараб иш тутиши эди. У руслар билан алоқа қилишдан қўрқмас, улардан ёрдам олиш билан бирга ўзи ҳам уларга қўлидан келганича ёрдамлашиб турар эди...”

Саройдаги реакцион доираларга, албатта, Комилнинг бу хил хатти-ҳаракатлари ёқмас эди. Охири, улар хонга таъсир кўрайтиб, Комилни 1879—1880 йилларда девонбонларнинг қабилдан бекор қилишга, Матмуродни сургундан қайтариш ҳақидаги ўзининг ўрнида

тайинлашга муваффақ бўладилар. Қарийб ўн йил давомида Комилнинг Хоразм территориясида яшовчи халқлар ўртасида дўстлик, иттифоқлик ўрнатиш бўйича қилган ишларига секин-аста барҳам берилиб, унинг ўрнига ҳасад, бир-бирига душманлик авж олдирила бошлайди. Бу аҳвол шоирни чуқур изтиробга солади ва ижодидаги социал мотивлар, халқчиллик кайфиятларининг тобора чуқурлашувига хизмат қилади. Лекин Комилнинг девонбегилик мансабидан кетиши у энди бутунлай давлат ишларидан четлатилди, деган гап эмас эди. У яна саройда мирзабоши қилиб тайинланади. Энди шоир кўп вақтини адабиёт ва санъатни ривожлантиришга бағишлайди".

Хоразмлик тарихчилар Баёний ва Лаффасий асарлари бу фикрларнинг баъзисини тасдиқлайди. баъзисини инкор этади, баъзиси ҳақида батафсил маълумот беради. Саройдаги ички низолар, амал талашилар бу қадар оддий эмас, аксинча, жуда мураккаб кечганини ҳаётий мисолларда кўрсатади. "Шажарайи хоразмшоҳий" да Комилнинг руслар билан алоқалари тўғрисида шундай маълумот мавжуд: "Кауфманнинг ёнига Муҳаммадниёз девонбеги (Комил) гоҳ-гоҳ бориб мусоҳибат этиб кетар эрди. Кауфман ондин вилоят аҳволининг истифсорин этар эрди. Муҳаммадниёз девонбеги вилоятнинг тамоми ҳолоти ва маҳсулотидин ва тамоми аркони давлат ва аъёни ҳашматининг аҳволотларидин Кауфманга огоҳлик берди. Мундин бир неча кун ўтгандин сўнг, Кауфман Муҳаммадмурод (бу исм манбаларда Матмурод тарзида ҳам қўлланади) девонбеги била Раҳматулло ясавулбошини сибир этиб Қозонлига юборди..."

ХУСУМАТ

Муҳаммадмурод ва Комил ўртасидаги девонбегилик лавозими билан боғлиқ хусумат тарихининг илдизи эса мана бу парчада намоён бўлади: "Вақтеким, Русия аскарлари кўчуб ўз вилоятларига кетдилар, хон ҳазратлари тахти давлатда қарор тутуб, Паҳлавон мирзобошини (Комилни) Муҳаммадмурод девонбегининг ўрнига девонбеги қилдилар ва Бекжон эшик оқосиниким, Раҳматулло ясавулбошининг ўгли эрди, отасининг ўрнига ясавулбоши қилдилар".

Комил билан Муҳаммадмурод девонбеги ўртасидаги хусумат Муҳаммадмурод Сибир сурғунидан қайтганида авжига чиқади: "Ушбу йил (1879) хон ҳазратлари Русиядин Муҳаммадмурод девонбеги била Раҳматулло ясавулбошиниким, эмди қайтиб келмайтурғон сибирлик бўлуб Қозонлига юборилган эрдилар, гуноҳларин авф этиб қайтариб Хевақға юбормакнинг илтимосин этдилар. Русия улуглари маслаҳат била бу сўзни имфератур аъзамга маълум этиб юбордилар. Имфератур аъзам хон ҳазратларининг илтимосларин рад этмакни тариқи мурувватдин баъйид кўруб, ноилож бўлуб аларга қайтиб

Хевақга бормоқ рухсатин берди. Алар хушқол бўлуб, Камоли сарварла Хевақ тарафига равона бўлдилар. Аларнинг сибир бўлуб кетганларига етти йил бўлуб эрди...

Хон ҳазратлари гоятда хушқол бўлуб аларга кўп меҳрибонликлар кўргуздилар... Мирзобошини (яъни Комилни) бурунги мирзобошилиқ мансабида ва Бекжонни бурунги эшик оқосилиқ мансабида барқарор этиб, Муҳаммадмурод девонбегига девонбегилик мансабин ва Раҳмат ясавулбошига ясавулбошлиқ мансабин мусаллам тутдилар. Икковлари гоятда хушвақт бўлдилар".

Бу воқеа Муҳаммадмуродга ривож бағишласа, Комилнинг ҳаёти ва ижодиға салбий таъсир этади: "Муҳаммадмурод девонбеги остони олийда ривож топиб, кун-кундин қадру манзалати ортиб, боргоҳи олийнинг муқаррабларидин бўлди. Ямут саркардалигин ҳам онга тафвиз этдилар. Мирзобошининг қурби байдга табдил топиб, гоятда паришон ва ўз аҳволи андишасида саросимаву ҳайрон бўлди".

НАЗМИЙ НАЙЗАБОЗЛИК

Комил оташин бўлиб, қуйидаги байтларни битади ва хоннинг танҳолик вақтини топиб, унинг қўлига тутқзади:

Манго, эй шаҳим, кўп итоб айлама,
Ғам ўтида бағрим кабоб айлама!

Заганга бериб булбул ўрнида жой,
Хумо ҳамнишини уқоб айлама!

Қилиб ёд шойиста хизматларим,
Хато бирла саҳвим ҳисоб айлама!

Тузуб суҳбат аҳли жаҳолат била,
Камол аҳлидин ижтиноб айлама!

Қовиб мажлисингдин мани, гайрни
Мақомимда нойиб-маноб айлама!

Бу шоирнинг ноҳақликка, адолатсизликка қарши исёни эди. Гарчи Комил адабий муҳитнинг устунларидан бири, Муҳаммад Раҳимхон эса ижод аҳли тоифасидан бўлса-да, хонга ҳақиқатни бор бўйича, кескин оҳангда изҳор этиш кутилган натижани бермас эди. Шундай бўлди ҳам: "Чун хон ҳазратлари бу абётни мутолаа қилиб мазмунидан огоҳ бўлдилар, бу сўзлар хотираларига оғир келиб эрди, девонбеги ҳазратларики, келганда, ул абётни девонбегининг қўлига бериб мирзобошидин ранжидахотир бўлгонларининг изҳорин этдилар. Девонбеги ҳам мирзобошидин кўп ранжидахотир бўлиб, чиқиб ўз қўшиға келиб Иброҳим Султон чопачигаким, онинг муқарраблари

жумласидин эрди, абётни бериб хон ҳазратларига онинг бу абётини бериб хотири ҳумаюнға нохуш келгонин баён этди. Чун Иброҳим Султон бир шоири хушбаён эрди, филбадиҳа, онинг ул беш байтига бу беш байт била жавоб айтди, абёт:

Ало, эй адаб расмини билмаган,
Бу тавр ила паҳға хитоб айлама!

Биров шод ўлуб топса ўз рутбатин,
Сен ўз жонинга кўп азоб айлама!

Бериб хизматингдин зарар юртга,
Яна дема, они ҳисоб айлама!

Чу жоҳил ўзунгсен, десанг, яхшидур,
Ки: жаҳл аҳлидин ижтиноб айлама!

Ҳасад ўтини тез этиб сийнада,
Ул ўт ичра багринг кабоб айлама!

Муҳаммадмурод девонбеги онинг бу жавобидин хушҳол бўлуб, филҳол, биров била мирзобошига ирсол этди. Мирзобоши ул абётни мутолаасидин бир қад учуб ул абётни хон ҳазратларига бергонидин кўп надаму пушаймон бўлди".

Бу парчалар сарой адабий муҳитидаги муросасиз кураш, рақобат, мунофиқлик манзараларидан гувоҳлик беради. Хонга йўлланган шеърға жавоб хон орқали эмас, рақиблар орқали қайтиши, яна ўзи ёзган шеърдаги вазн, радиф, қофия хусусиятлари жавоб шеърда айнан сақлангани, у таъна ва дашном билан йўғирилгани Комилнинг руҳини синдирган. Бўлиб ўтган бу ҳодиса шуни ҳам кўрсатадики, адабий муҳитда лаганбардор, мансабпараст шоирлар ҳам бўлганки, улар ўз манфаатлари йўлида мадҳиягўйликни касб этиб олганлар. Бор иқтидорларини ҳам хор қилиб назмбозлик йўлини тутганлар. Ўз интилишлари учун ҳар қандай тубанликдан қайтмаганлар. Муҳаммадмурод топшириғи билан Комилга жавоб шеър ёзган Иброҳим Султон шундай кимсаларнинг яққол намунасидир. Бу йўналиш, табиийки, илғор адабиёт тараққиётига тўсиқ бўлган. Бундай узлуксиз, кескин кураш Комил каби истисодлар ҳаётига ҳар қадамда соя ташлаб турган.

КУЛФАТНИ ДОНО ТОРТАДУР

Лаффасий тазкирасида ҳам Комил қисмати деярли шу йўсинда талқин этилади. Бироқ ундаги далилларга қараганда, Комил хонга бир неча бор мурожаат қилган кўринади. Лаффасий Комилнинг дсвонбегилик мақомидаги хулқ-атвориға: "Паҳлавон мирзобоши Муҳаммад Раҳимхон ҳузурида кам-кам эътиборлиғ бўлуб, дсвонбе-

гилик мансабига етишуб, ўзига кибру ҳаво пайдо қиладур. Хоразм қитъасининг тамоми савдо, бож-хирожлари анинг тахти идорасида бўлганидан ҳаволаниб ҳеч кимни манзур қилмайдур",— дея салбий баҳо беради.

Муҳаммадмурод девонбеги лавозимига кўтарилиб, Комил мирзо-бошилик мнсабида қолдирилгач, Лаффасий маълумотига кўра, Комил ариза тариқасида бир мусаддас ёзиб хонга илтижо қилади. Тазкирада қуйидаги парча келтирилган:

Эй, хусрави маснади зарандуд,
Дарғоҳинг эрур улусга масжуд.

Ҳоди санга Паҳлавон Маҳмуд,
Бўлсун санга ёр ҳайи маъбуд.

Шоҳо, карамингдин айла хушнуд,
Мақбул қулингни қилма мардуд!

Кенг юртунг ўлуб ики жаҳондин,
Қадринг буюк ўлсун осмондин.

Рахшинг йўли авжи қаҳқашондин,
Ҳам икки рикоби фарқондин.

Шоҳо, карамингдин айла хушнуд,
Мақбул қулингни қилма мардуд!

Аммо, Комил бу арзга жавобан ҳам хоннинг марҳаматига муяссар бўлолмади: "Комил паришонқол бўлганидин ғаму ҳасратлар тортиб, натижада, икки кўзига қаро сув келиб, ожиз бўлиб қоладур. Комил паришон аҳвол, кўзидин айрилиб бетоблиг бистариға бош қўюб, Хева табиблариға бир неча муолажа қилдурса-да, ҳеч бир фойда бермай, балки, аввалгидан ямонлашади. Шул сабабли, Комил хондин рухсат олиб Тошкандга бориб кўз дўхтирларга муолажа қилдурадур. Аммо, кўзининг оғриғи кундин-кун шиддатлиг бўлган ҳолида ҳеч бир натижа ҳосил қилмай Комил Хевага қайтиб келадур. Доғи кўзининг дарди аввалғидин шиддатлиг бўлгонин баён қилиб хонга ариза берадур. Хон доғи анга тасаллийи хотир бўлғудек ҳеч бир марҳамат илтифотлар қилмайдур. Аммо, мирзобошилиг мансабин ўғли Муҳаммад Расулбойға марҳамат қиладур. Комил жуда ҳам дард чекиб, шикастахотирликда асҳоли хасталикға дучор бўлуб, уч кун муддат ёстуққа бош қўюб, 1315 (1897—98) йил, ит йилида 72 ёшида юз минг надоматлар билан охиратға сафар қиладур".

Тақдир тарихи ижод тақдирини ойдинлаштиради. Комил девонида ожизона турмушнинг алам-изтироблари билан йўғрилган оташин ғазал бор. Ушбу ғазал нобино шоир ҳаётининг сўнгги дамларида чеккан аччиқ унларидан тизилган маржондир:

Ёр ила ҳамдамсиз ичган оби ҳайвондин не ҳаз,
Бўлмаса аъзо саломат, бир қуруғ жондин не ҳаз.

Қолмаса бошдош, мувофиқ, таъби холис дўстлар,
Мулку моду иззу жоҳу боғу бўстондин не ҳаз.

Қомати ҳам, барча аъзоси алам дилхастага,
Бодайи гулгун била сайри гулистондин не ҳаз.

Иллату амрозидин бўлгон димоғ ошуфтага
Накҳати мушқу тотору бўйи райҳондин не ҳаз.

Субҳ бирла шомни фарқ этмаган бечорага
Партави хуршид бирла моҳи тобондин не ҳаз.

Чунки ҳар ишда эшиткон тенг эмас кўргон била,
Беҳуда тўю тамошо ичра боргондин не ҳаз.

Бош оқаргон, тиш тўкилгон бир қари фартутга
Сухбати барно жувони шўх жавлондин не ҳаз.

Йўқ санго жанонае то қилгосен зийнат анга,
Бирлиёну дурри галтон, лаълу маржондин не ҳаз...

Шоир ижтимоий инқироз изтиробларини мумкин қадар руҳбоб
нолалар пардаси остида, тимсолий ифодалашга интилган. Шундай
бўлса ҳам, айниқса, иккинчи байт Баёний ва Лаффасий тасвирлаган
ҳодисалардан яққол дарак бериб турибди.

Бундай таъсирчан ҳаётий лавҳалар Комил таржимаи ҳоли
қақидагина эмас, балки, Хева сарой адабий муҳити табиати тўғрисида
кенг тасаввур беради. Бундай муҳитда Комил каби истъоддли
адиблар ички зиддият ва ҳаётий манфаатлар тақозосига биноан,
мансаб талашишга бориб етганлар ҳамда тенгсиз, адолатсиз рақобат
қурбони бўлганлар. Лаффасий тазкираси Баёний "Шажарайи хоразм-
шоҳий"си маълумотларини тўлдиради, ҳар икки асар биргаликда эса
XIX аср Хоразм адабий муҳити ва ундаги ижодкорлар қақида яхлит
тасаввур ҳосил қилади.

ХУСРАВИЙ ВА МУРОДИЙ

"Шажарайи хоразмшоҳий"дан ижоди шу пайтгача деярли ўрга-
нилмаган шоир Хусравий қақида анча маълумот олиш мумкин.
Баёний Исо тўра ибн Раҳимқулихон, яъни Хусравий 1886 йили
саёҳатга чиқиб кўп мамлакатларни сайр этгани, Истамбул, Макка,
Мадина, Қуддус шаҳарларини зиёрат қилиб, 1887 йили Хевага қайтиб
келгани, 1889 йили вафот этгани, ундан тўрт ўғил қолгани қақида
ҳикоя қилади. Шу орада унинг шеърий истъодидига баҳо бериб ўтади:
"Бу сайрларда манзил-баманзил боргон ерларида ажойиботу га-
ройиботдин не кўрсалар, китобат қайдиға киргузуб бир саёҳатнома

битдилар ва онда сўзни ибораторолиқ била баён этиб, балоғатнинг додин бердилар. Не учунким, ул ҳазрат бир фозили суҳандон ва шоири хушбаён эрдиларким, ўзларини Хусравий тахаллуси била мутахаллус этиб, шеър ҳам айтур эрдилар. Байт ул-ҳарамнинг зиёрати шавқида бир қасида айтибдулар, ушбу байт андиндур. Байт:

Эй, хуш ул давлатки, саяй айлаб сафову Маврда,
Бўлмоқ Исмойилдек Минода қурбони ҳарам.

Бу байт ул қасиданинг мақтаидур, байт:

Сайри гулшан Хусравийга келмаса хуш, не ажаб,
Орау кўнглидадур гашти биёбони ҳарам".

Ушбу парча Хусравийнинг бадий иқтидори тўғрисида тасаввур уйғотиш билан бирга, ўзбек мумтоз адабиётидаги муҳим адабий жанр — саёҳатнома Хоразм адабий муҳитида ҳам мавжудлигидан далолат беради.

Хусравий адабий муҳитда каттагина обрў, мартабага эга бўлса керакки, унинг вафотига бағишлаб Комилдек йирик шоир таърих ёзади. Баёний мазкур таърих ҳақида маълумот бераркан, унинг бадийятига мустақил ижодий муносабат билдиради: "Паҳлавон мирзобоши онинг торихи вафоти учун кам-беш йигирма байт миқдори айтди, фақирнинг ёдимда қолғони ушбу бир байт эрди. Байт:

Комил ул Саййид юзин кўрмай деди,
Хўжа Иброҳими жаннат жойгоҳ.

Махфий қолмасунким, бу торих адад юзидин олтмиш зиёд эрди. Амали таъмия била "Саййид юзин кўрмай дебсан", ададининг истиқотига ишорат этибдур. Чу "сен" олтмишдур, олтмиш соқит бўлса торих дуруст бўлур". Бу фикрларида Баёний таърих жанри бадийяти билимдони сифатида намоён бўлади.

"Шажарайи Хоразмшоҳий" бизни Баёнийнинг замондоши, шоир Муродий билан ҳам таништиради. Муаррих Муродийнинг ҳаёти ва вафоти ҳақида куюниб ёзар экан, унга бағишланган бир ғазалини келтиради. Ушбу ғазалнинг қуйидаги таъсирчан байтларини эътиборсиз қолдириш қийин:

Давр жаври гамли кўнглумни яна айлаб гамин,
Зоҳир этди жавр уза жавр айлабон, кин узра кин.

Билдим, эй дунёи фоний, сенда йўқ эркан вафо,
Ким санга келса, гамин кетди, бўлуб зори ҳазин.

Бермадинг кимларга сен юз оли найранг или ранг,
Қилмадинг кимларни юз минг гадр или турбатнишим?!

Номурод эттинг Муродийдек мукаррам зотни
Ким, эди гулзори маъни ичра фикри хурдабин.

Ғазалда замона зулмидан, умрининг нечоғли қисқалигидан (Муродий 54 ёшида вафот этади) фиғон чекиш, маслакдош дўстан ажралиш қайғуси, унинг хотирасини эъзозлаш туйғулари уйғун ифодаланган. Шунингдек, шоир бир сатрда биргина ишора билан Муродий истеъдодининг баҳосини бериб ўтади.

"МАЖМУАТ УШ-ШУАРО"НИНГ ЯРАТИЛИШИ

Хева адабий муҳитига Муҳаммад Раҳимхон қандай равнақ бағишлаганини ҳам Баёний жонли баён этган: "Хон ҳазратлари шеърга кўп завқ пайдо қилиб эрдилар. Ўзлари ҳам бурундан Феруз тахаллуси била мутахаллус бўлуб, шеър айтур эрдилар. Сўнгроқ шеърга кўпроқ ҳарис бўлдилар. Ҳар кишининг шеър айтмоқға саҳл қобилиятлари бўлса, навъи шеърларни айтиб даргоҳи олийға олиб бора бердилар. Шоирларнинг ададлари кам-беш қирқға ёвуқ борди". Маълум бўладики, Феруз теварак-атрофидаги таланти шоирларни Хевага тўплаган ва уларга раҳнамолик, ҳомийлик қилган. Натижада, ўзига хос шоир, адиб ва санъаткорлар уюшмаси — маданий-адабий муҳит барпо бўлган. Гарчи Муҳаммад Раҳимхон ўз шахсий қизиқишлари, манфаатларидан келиб чиқиб бундай муҳитни яратган бўлса ҳам, унда қалам тебратган ижодкорлар маданиятимиз тарихида муҳим из қолдирдилар.

Масалан, Аҳмад Табибийдек йирик, сермахсул адибнинг этишиб чиқиши ва "Мажмуат уш-шуаро"дек нодир маданий бойликнинг яратилиши шу муҳит ютуғи эдики, бу ҳақда ҳам Баёний қизиқарли шоҳидлик беради: "Али маҳрамнинг Аҳмад отлиғ бир ўғли бор эди. У ҳам ўзини Табибий тахаллуси била мутахаллус этиб, шеър айтмоқ бошлади. Хон ҳазратлари ўз ғазаларидин юз ғазални шоирларга бериб буюрдилар: "Мунга пайравлик этиб ғазал айтинлар". Шоирларнинг ҳар бири онга пайравлик этиб, юз ғазал айтдилар. Хон ҳазратлари Табибийга амр этдилар, токим, ул ғазалларни маснавий зимнида жамъ қилиб бир китоб этгай. Табибий фармони мужиби била амал қилиб, ул ғазалларни жам қилиб, ҳар ғазални ёзмоқчи бўлгонда, маснавий била ул ғазални айтгон ким эрканин баён этиб, бу тариқада тамоми ғазалларни жамъ қилиб, тамом этиб, ул китобга "Мажмуат уш-шуаро" от қўлди".

Баёний "Мажмуат уш-шуаро"нинг яратилиши тарихини насрий йўлда ифодалабгина қўя қолмай, бу ҳодисага 26 мисрадан иборат назмий таърих ҳам бағишлайди. Унда Табибий мазкур мажмуани икки йил мобайнида яратганини айтиб, бу адабий ҳодисани "шеърдин қолди оламда от", дея баҳолади. Коллектив ижодий меҳнатнинг бундай умумлаштирилган кўриниши умумжаҳон адабиёти миқёсида ҳам камёб ҳодисадир.

Аммо, таассуфки, адабиётшунослигимизда у ҳануз эътибордан четда қолдирилиб келинмоқда. Агар "Мажмуат уш-шуаро" адабий муҳит маҳсулини акс эттирувчи манба сифатида тадқиқ қилинса, XIX аср Хоразм адабий муҳитининг чинакам қиёфаси ва савияси янада ойдинлашган бўларди.

Баёний Аҳмад Табибийга ихлосини катта ҳурмат билан эътироф этади. Унинг инсон ва ижодкор сифатидаги маънавий қиёфасини қисқа сатрларда ҳаётий чизиб бера олади:

Табибийки дур шоири муҳтарам,
Нетаи онинг атворин айлаб рақам.

Маорифда ўзни тутар кўп ариф,
Мажолисда доғи ҳарифу тариф.

Бир ойнадур сўзлари сарбасар,
Рамуз они аксидадур жилвагар.

Асардан Табибий ижодкор сифатида қандай ишларни амалга оширгани, ҳаёт тарзи қанақа кечгани ҳақида ҳам қимматли маълумотлар олиш мумкин.

"Шажарайи хоразмшоҳий"да адабий муҳит тириклиги, ҳаракатчанлигича акс этган. Бу ҳаётий адабий жараён марказида унинг тасвирловчиси — Баёний туради. Адабий муҳитнинг яхлит манзараси — Баёнийнинг адабий аралашуви, воқеа-ҳодисаларга муносабати, ижодкор ва асарларга баҳоси, танқидий-эстетик қарашлари асосида намоён бўлади.

НОБОП ИНИ

Отажон тўра хонликдаги катта эътиборга эга кишилардан бири бўлиб, у руслар Хевага бостириб келганда йигирма иккиларга қадам қўйган эди. У айтганидан қайтмас, ёшига нисбатан анча тажрибали, аммо энгил табиатли йигит эди. Отажон ҳамиша саройда қилғиликни ўзи қилиб қўйиб, бирон кишининг бошига балолар солар ва у ўзини четда тутишга устамон одам эди. Ана шунинг учунми, Отажон тўра билан акаси Феруз ўртасида қандайдир кўринмас адоват аломатлари пайдо бўлган эди. Отажон тўра тезроқ хон бўлгиси келар ва ўз атрофига хонга қарши кайфиятда бўлган кишиларни тўплар, акасига нисбатан ғарази кундан-кунга ортар эди. Бунга Сайид Муҳаммад Раҳимхон ҳам Муҳаммадмурод девонбеги ҳам унчалик эътибор бермай келдилар. Аммо 1872 йилнинг октябрида бўлган воқеа уларнинг ҳар икковини ҳам анча сергаклантирди. Бир куни рус қўшинларининг кичик отрядлари Каспий денгизи бўйидаги чегарада тўпланаётганлиги тўғрисида хонга хабар келди. Шунда Муҳаммад

Раҳимхони соний Отажон тўрани олти минг кишилик қўшинга бош қилиб, Худоёр қушбеги, Ҳаким оталиқ ва Муҳаммадмурод девонбегилар билан биргаликда мамлакат чегараларини кўздан кечириб чиқишни топширди. Отажон тўра мамлакат чегараларини айланиб сафардан эсон-омон қайтди. Ана шу сафар муносабати билан Отажон тўра уйида катта зиёфат уюштирди. Рус тарихчиси Троицкийнинг 1882 йилда ёзишича, Отажон тўра ана шу зиёфатда ўз акасини заҳарлаб тахтни эгалламоқчи бўлади. Тасодифан, бу иш амалга ошмай қолади. Зиёфат охирида Отажон тўра ширакайфлик билан: "Агар мен хон бўлсам, сени меҳтар қиламан", — деб бир ҳамтовоғига мақтанади. Иккинчисига эса: "Сени қушбеги қиламан", дейди. Ишқилиб меҳмонхонада қолган барча кишиларга мансаб улашилади. Меҳмонлар орасида Али маҳрам бўлиб, воқсани оқизмай-томизмай хонга стказади.

Отажон тўранинг туққан онаси ўглининг ёмон ниятини хонга маълум қилганига қарамай, Али маҳрамнинг шум хабари хонни кескин чоралар кўришга мажбур этди.

Отажон тўра хизматига Ҳожимуродбек, Абдуғаффорбек, Оллоёрбек, Оллаберган сахий, Юсуф Ҳожи, Али маҳрам каби бек ва маҳрамлар мулозим қилиб қўйилган, уларнинг баъзилари хоннинг махфийлари эдилар. Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг "Шажарайи Хоразмшоҳий"да ёзишича, тахтни эгаллаш тўғрисидаги Отажон тўра оғзидан чиққан гаплар хоннинг ғазабини келтиради. Эртаси куни зиёфатда иштирок этиб, Отажон тўрага маслакдош бўлган Муҳаммад Раҳимбий ва Оллоберган сахийлар хон буйруғига мувофиқ Кўҳна Арк олдидаги майдонда қатл этилди. Хоннинг ўз инисини қамоққа ҳукм қилганлиги тўғрисидаги хабар қалъага бир зумда тарқалади. Саройда катта обрўга эга бўлган Исмоилхўжа нақиб билан Муҳаммад Ризо оталиқ ўзаро маслаҳатлашиб, агар хон туққан укасини уй қамоғида тутса, эл-юрт нима дейди, деб, Отажон тўрани уй қамоғидан озод қилишни хондан сўрайдилар. Ўзининг яқин аъёнларидан бу гапни эшитган Муҳаммад Раҳимхон чуқур ўйга чўмиб шундай деди:

— Магар, сиз унинг мени қатл этишига розимисизлар?

Бу гапни эшитган амалдорларнинг ҳуши бошидан учди:

— Биз буни асло хоҳламаймиз, хон ҳазратлари, бизни авф этинг.

— Ундай бўлса, бу тўғрида иккинчи мартаба дамингизни чиқарманг!

Амалдорлар таъзим қилганларича саройдан чиқиб кетдилар. Отажон тўра эса уй қамоғида етти ой — токи руслар Хевага бостириб киргунларига қадар — 1873 йилнинг 29 майига қадар бўлди. Аммо, Отажон тўранинг ўз акасига бўлган душманлиги бу билан тугамади. Ҳатто, руслар Хевани босиб олганларида у ўзини хон деб эълон

қилиб, фон Кауфман олдиға сулҳ тузиш учун бормоқчи бўлди. Ака-укалар ўртасида бўлган душманлик ўзларига асло фойда бермаслигини сезган маккор Фон Кауфман Отажон тўрани Маккага жўнатиш билан бу нарсани анча юмшатишга эришди.

Воқеа шундай бўлди. Муҳаммад Раҳимхони соний Хева тахтига яна қайтиб келгач, Кауфман ўз қўшини билан туркманлар элига юриш қилди.

Кауфман Илонлига етгач, Хевадан Отажон тўрани олдиради ва унга Маккага ҳажга боришга маслаҳат беради. Отажон тўра ёнидаги 3000 сўмга Хон томонидан 1000 сўм йўлкира берилади. Бундан ташқари, хон укасига соқчи ва қурол-яроғ ҳам беради. Отажон тўра Урганч-Кандарли-Тифлис йўли бўйича Маккага йўлга чиқади. Аммо Кўҳна Урганч-Кандарли ўртасидаги чўл бу вақтда анча хавфли бўлиб, Отажон тўра озгина соқчи билан чўлдан юришга ботина олмайди. Шунинг учун у Кўҳна Урганчда қолиб, Хевадан қайтаётган русларнинг Манқишлоқ отряди билан бирга кетиш учун кутишга мажбур бўлади. 1873 йилнинг август ойида бу отряд Кўҳна Урганчга етиб келади ва Отажон тўра уларга қўшилиб Кандарлига йўл олади. Отажон тўра Тифлисга етгач, Рус императорига ариза ёзиб, ўзини ҳарбий хизматга олишларини сўрайди ва у Тверь драгун полкига прапоршик қилиб хизматга тайинланади. Император буйруғига биноан, Отажон тўрага Маккага бориб-келиш учун олти ойлик таътил берилади. Отажон тўра Маккага эсон-омон бориб қайтгач, хизматдан озод қилишларини сўрайди ва Хевага қайтиб келади.

Отажон тўра 1903 йилда Хевада вафот этади ва ўзининг Гандимён қишлоғидаги мақбарасига дафн этилади. Ундан Муҳаммад Амин тўра, Саид Ғози тўра, Саид Асад тўра каби фарзандлар қолиб, улар замонасининг девон тартиб берган етук шоирлари эдилар.

САРОБГА АЙЛАНГАН ОРЗУ

Саид Маҳмуд тўра — Амир тўра укаси Саид Муҳаммадхон фойдасига тахтдан воз кечган, аммо бир умрга ушбу ишидан пушаймон бўлиб ўтган киши эди.

У, тахминан, 1800 йилларда таваллуд топди. Саид Маҳмуд тўра Муҳаммад Раҳимхон биринчининг (1804—1826) фарзанди бўлиб, унинг Оллоқулихон (1826—1842), Саид Асад тўра, Тангриқули тўра, Саид Муҳаммад тўра (1855—1863) ва Раҳмонқул тўра исмли оға-инилари бўлиб, улардан иккитаси Оллоқулихон ва Саид Муҳаммадхонлар Хева тахтига эгалик қилганлар. Ана шунинг учунми Амир тўрада ҳам хонлик қилиш истаги кучли эди.

Буни Муҳаммад Юсуфбек Баёний ўзининг "Шажарайи хоразмшоҳий" асарида алоҳида таъкидлаб кўрсатади:

Амир тўра деди: "Эй умаро ва аёнлар, Бобожон тўра ёшдур ва юртда парокандалик бордур. Бир корозмуда киши хон бўлса, яхши эрди. Бу бобда сизлар не маслаҳат берурсизлар?" Ҳеч кишидан садо чиқмади. Ҳасанмурод қушбеги деди: "Оре бу сўз ростдур. Аммо бизлар давлатнинг бу хонадондин ўзга тарафга интиқолин хушламасмиз". Ул ҳолда Раҳматулло ясавулбоши Амир тўрага қараб деди: "Сизнинг хон бўлмоқингиз ҳеч кишига мақбул эрмасдур". Амир тўра деди: "Кимларга мақбул эрмасдур?". Ясавулбоши деди: "Бу ўлтирган жамоанинг ҳаммаларига". Ана шундай қилиб Амир тўра хон бўламан деб қанчалик ҳаракат қилмасин, аввало, Ҳасанмурод қушбеги ва Раҳматулло ясавулбоши раҳнамолиги, қолаверса, бутун сарой аҳлининг талаби билан Бобожон тўра Хева хони деб эълон қилинди. Шундан кейин, Амир тўра хонга яқинлашишга ҳаракат қилди ва ўз қизини Саид Муҳаммад Раҳимхон Ферузга турмушга берди. Натижада, у Амир ул-Умаро номини эгаллаб, Хоразмдаги иккинчи катта шаҳар — Ҳазораспга ҳокимлик мансабини эгаллади.

Саид Амир ул Умарнинг Ҳазораспда ўз саройи бўлиб, унинг ўз девонбегиси ҳам бор эди. Хонликдаги Питнак, Ҳазорасп, Шўраҳон, Бешариқ каби жойлар Амир тўрага қарар ва у Хоразмнинг энг бой кишиларидан бирига айланганди. У хон девонбегиси Муҳаммадмурод девонбеги билан келишмас, доимо улар ўртасида қандайдир адоват бор эди. Бунинг биринчи сабаби Амир тўра ҳам, Матниёз девонбеги ҳам русларга нисбатан яқин муносабатда бўлган кишилар эди. Бу тўғрида "Хивинский поход в 1873 году" китобида шундай маълумот берилган:

Саид Амирул Умаро ҳозир етмишдан ошган кекса бир чол бўлса ҳам, анча тетик ва донишманд одам эди. У кўпдан бери ҳозирги хоннинг отаси Саид Муҳаммадхон замонасидан бери Хевадаги Сулҳпарварлар партиясининг кўзга кўринган тарафдорларидан бири эди. Бу партия тарафдорлари ҳамма вақт хонни Россия билан аҳил яшашга ундаб келганлар. Шунинг учун Саид Амирул Умаро хоннинг маслаҳатчиси ва ҳамнишини девонбеги Матмуродга душманлик назари билан қараб келган. Девонбеги ҳамма вақт, айниқса, сўнгги вақтларда, хонни Россияга нисбатан душманлик йўлига бошлаб келган. Ана шундай муҳит таъсирида Саид Амирул Умаро узоқ вақт хоннинг қаттиқ ғазабига йўлиқиб келган¹. Ушбу сўзларни Кауфманнинг яқин генерали В. Н. Троицкий ёзганлигини эътиборга олсак, бу сўзларда қанчалик ҳақиқат бор эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

¹ Хивинский поход в 1873 году по официальным источникам СПб, 1873 г. С. 116.

Амир тўра 1873 йилнинг 23-майида Ҳазораспни русларга топширганидан сўнг, Хевага келиб, руслар билан тезроқ кўришиш учун тайёргарлик кўра бошлайди.

Чунки унинг ниятига етишишига бир қадам қолган, тож-тахт орзуси юрагини ёндираётган эди. Хсва эгаллангач, Амир тўра Кауфманни хурсандчилик билан кутиб олди. Хазина, сарой, бутун боёликлар босқинчилар томонидан таланишига йўл очиб берилди.

Аммо Кауфмандан кўп илтифотлар кутган Амир тўра орзулари амалга ошмади. Кауфман фақат Муҳаммад Раҳимхонни хон сифатида тан олишини айтгач, у бангиликка берилиб кетди. Умр бўйи хон бўлишни истаган Амир тўра ниятига ета олмай 1874 йилнинг 15 ноябрида вафот этди.

ЖОМЛИ СОДИҚГУЛ

Содиқ исмли йигит тақдири Зарафшон водийсида машҳур бўлган Номоз ботир шахсини ёдга туширади. Чунки Содиқ шахси бутун Туркистонга таниқли бўлиб, ўзининг мард ва чаққонлиги билан халқ ўртасида катта ҳурмат-эътиборга эга эди. Содиқгул 1868 йилгача Бухоро амири Музаффарга ҳалол хизмат этган ва ўша йили қандайдир кишилар томонидан таланган. Бу тўғрида Содиқ амир Музаффарга ёрдам сўраб арз қилганида, амир Содиқнинг гапларига эътибор ҳам бермайди. Амирнинг феъл-атворидан қаттиқ ғазабланган Содиқ Хевага, Муҳаммад Раҳимхондан паноҳ истаб кетади.

Феруз Содиқни кўнгилдагидек кутиб олади. Амударёнинг ўнг қирғоғидан 1000 таноб ер ажратиб беради. Шаббоз ерлари ўша пайтда Содиққа қарам эди. Содиқ истилочи русларнинг ашаддий душмани эди. У 1867 йилдаёқ русларнинг Ғазалидан Перовга борадиган почта араваларига ҳужум қилар, шунингдек, рус императорлигига қарашли қозоқ сотнялари билан ўзаро жанглар қилиб турар эди.

1873 йилга келиб рус подшолигига қарашли Кауфманнинг Туркистон отряди Хевага бостириб келаётганлиги тўғрисидаги хабарни Қизилқум чўлида эшитган Содиқгул ўз одамлари билан Феруз олдига боради ва хон унга ўз қўшини билан русларга дастлабки зарба бериш учун отланишни буюради.

— Бош устига, хон ҳазратлари!

— Агар сен Қизилқумдаги қудуқларни кўмиб, босқинчиларни бўриларга ем қилсанг, сенинг ушбу хизматингни асло унутмайман.

— Сизга ҳалол хизмат қилиш менинг бурчим, кетишга рухсат этинг, олампаноҳ!

— Рухсат, Оллоҳ ёринг бўлсин! Полвон пиримиз йўлдошинг бўлсин!

Содиқгул таъзим қилганича саройдан чиқди. У Шаббозга йўл олди ва ўз йигитларини чор атрофига жўнатиб, одамлар тўплашга киришди. Халқ қўлига илинган кетмонми, болтами олиб Содиқ турган жойга келарди. Бир ҳафтадан сўнг 500 кишидан иборат кўнгилли отряд Қизилқумга чиқиб кетди.

1873 йилнинг 17 мартда Фориш туманидаги подполковник Иванов фон Кауфманга шундай хабар беради: йўлда бир киши қўлга олинган. Унинг айтишича, Хева хони буйруғига асосан, Содиқ ўзининг кўп кишилиқ қўшини билан Мингбулоқ орқали Томди тарафга йўлга чиққан. У йўлдаги қудуқларни кўмиб, чўлдан қозоқ, туркман, қорақалпоқ миллатига мансуб чўповларни ҳам Хева хони томонларга юбориб, бизга зарба бериш учун отланган эмиш.

Бу хабарни эшитган фон Кауфман Туркистон отряди офицерлари билан машварат ўтказди. Ана шу йиғилиш қарорига биноан, Жиззах колоннасидан 1,5 сотня отлиқлар ва 4 та ракета станоклари билан подполковник Галовацкий отряди Содиқгулга қарши жўнатилади.

Мақсад агар Содиқ ўзининг кичик отряди билан рус қўшинига ҳужум қилса, ёки чўлдаги қудуқларни кўма бошласа, Голавацкий отряди тўсатдан унга ҳужум қилиши, агар Содиқ отряди катта бўлса, унга ҳужум қилмасдан яшириниб олиш ва асосий қўшинни кутиб туриш вазифаси топширилган эди.

Содиқгул 27 апрел куни соат 4 ларда Хол ота ёнида душманга етиб олди. У ўз одамларига шарт-шароитни тушунтиргач, тўсатдан ҳужум қилишга қарор қилди.

Кун ботиши олдидан подполковник Иванов ва Тихменёвларнинг зарбдор отряди қум барханлари ортидаги отлиқларга дуч келдилар.

Рус қўшини отдан тушиб, қўлига қуролини олишга улгурмай Содиқгул отряди улар устига от қўйди. Улар милтиқ отиб душман устига бостириб келардилар. Шу орада подполковник Иванов бошидан, Тихменев оёғи ва қўлидан ярадор бўлдилар. Рус қўшини пала-партиш ҳаракат қилиб нима қиларини билмасди. Хорунжий Церенжаев ўзининг 3 та казаги билан ёрдамга ошиқди. Содиқгул отряди ҳужумни давом эттирди.

Шу жангда ўнлаб рус аскарлари сафдан чиқди. Хеваликларнинг тўсатдан қилган ҳужуми рус қўшинида ёмон таассурот қолдирди.

Хол ота ёнида бўлган ушбу дастлабки жангда хеваликлар бир юз эллик кишидан ошмасди. Аммо уларнинг тезкорлик билан қилган абжирона ҳаракатлари туфайли ғалаба қилган эдилар. Аммо "Одам қирилгон"да руслар Содиқдан ўч олдилар. Туркистон отряди "Одам қирилгон"мавзеида 60 та қудуқ қазиб дам ола бошладилар. 7 май

куни тонгги 4 ларда Содиқгул отряди яна ҳужумга ўтди. Улар икки томондан руслар устига бостириб келардилар. Лекин Туркистон отряди қулай жойларга беркиниб олиб, тўпларни жангга тайёрлаб Хева қўшинини кутиб турарди. Хеваликлар кўриниши билан тўплар тилга кирди. Жанг икки соатча давом этди. Содиқ одамлари руслар қўлига тушган эди. Генерал Бардавский ўзининг казакларига Содиқ отрядини ўраб олишга буйруқ берди. Қиличбозлик бошланиб кетди. Ур-йиқит, дод-вой авжига чиқди. Орқага чекиниш ўлим эканлигини билган Содиқ ёриб ўтишга қарор қилиб, ур-ур деб қўлидаги қиличчини ялтиратиб келарди. Аммо кучлар тенг эмасди. Хеваликлар тарқалиб кетдилар. Ушбу жанг Содиқ қўшинидаги энг сара йигитларнинг бошига етди. Содиқ отряди душман ҳийласининг қурбони бўлган эди.

Маълум бўлишича, Содиқ бир рус қочоғини қўлга олиб, уни сўроқ қилади. Қочоқнинг айтишича, "Одам қирилгон"даги руслар 150 дан ошмас эдилар. Бу хабарни эшитган Содиқ фурсатни бой бермасликка қарор қилди. Қочоқнинг гапларини текшириб кўришни Содиқ унутган эди. Шунинг учун "Уч ўчоқ" мавзеига Содиқ аскарларидан ярми етиб келди. Содиқ ўз отрядини маҳаллий қозоқ ва туркман чўпонларидан тўлдириб куч тўплай бошлади.

11 май куни руслар "Уч ўчоқ"қа етиб, "дарё, дарё" деб қичқиришиб, хурсанд бўлишадиган бир пайтда Содиқ отряди яна ҳужумга ўтди. Аммо хеваликлар отган ўқлар русларга етиб бормасди. Аммо Туркистон отряди айланма мудофаага ўтиб Содиқ отрядига зарба бера бошлади. Жанг тонггача давом этди. Тонг қоронғусида хеваликлар ур, ур деб ҳужумга ўтди. Улар кенг фронт бўйлаб ҳаракат қилардилар. Аммо улар бирон натижага эриша олмагач, икки ёндан ҳужум қилиб кўрдилар. Талафот орта бошлагач, душманнинг орқа тарафидан ҳужум қилишга уриниб кўрилди. Ҳавонинг иссиқлиги, тез-тез ҳужумга ўтиш Хева қўшинини чарчатиб қўйди. Содиқ отрядини Шўраҳон тарафга бурди.

Содиқ отряди руслар Хевани олгунларига қадар душманни тинч қўймади. Ҳар замон-ҳар замон ҳужум қилиб турди. Руслар Содиқнинг аҳдидан қайтмас йигит эканлигига қойил қолган эдилар. Хева эгаллангач, Содиқ ўзининг қолган-қутган йигитлари билан туркман чўлларига кириб кетди. Сўнг ундан дарак бўлмади. Орадан кўп йиллар ўтиб, Содиқ оға яна халқ орасида пайдо бўлди. Халқ ўзининг сахий, очиққўнгил, саховатли фарзандини ҳурмат билан кутиб олди. Уни Сарибий халқи ўзига бўлис қилиб сайлади. Содиқ бўлис халқининг осойишталиги учун жон койитар, ёмон кишиларни аёвсиз жазоларди. Подшонинг 1916 йилги мардикор ҳақидаги фармони Содиқ бўлис душманларига қўл келди. Улар халқ орасида юриб ўрис подшо ҳеч қандай фармон-парвон чиқарган эмас, Содиқ бўлис ёмон кўрган кишиларини мардикорга жўнатиб, улардан ўч олмоқчи деб, гап тарқата бошладилар. Натижада, 1916 йилда Сарибийда халқ қўзғолон кўтарди.

Содиқ бўлис идораси паншаха, болта, кетмон кўтарган оломон томонидан ўраб олинди.

Уйда Содиқдан ташқари халқ учун жон куйдириб меҳнат қилган Мулла Нуниёз оқсоқол, Қурбон қора оқсоқол, Мулла Алимат оқсоқол каби кишилар ҳам бор эди. Ур, ур, деган шовқин-сурон кўтарган кишилар, бўлис идорасининг эшикларини бузиб ичкари отилдилар. Кўзлари қонга тўлган, фарзанд ўқини жон ўқи деб билган оломон уларни қўлларига нарсалар билан уриб ўлдирдилар. Машҳур эшон Оллоқули эшоннинг набираси Иноят эшоннинг айтишича, Содиқ бўлис бошига бир хотин тош чироқ билан урган. Оғир зарбадан ҳушини йўқотиб йиқилган Содиқ бўлисга шундан кейин қорнига пичоқ суқиб ўлдирилган. Душманлар Содиқ бўлисдан ана шундай ўч олдилар. Аммо халқ орасида "чўл бургути", "саҳро баҳодири" деб ном олган Содиқ ботир ҳақидаги афсона ва ривоятлар бугунга қадар ҳам етиб келган. Шунинг учун ҳам Содиқ ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш бугунги кунимиз талабидир.

"ҲАФТ ШУАРО" — ШАҲЗОДАЛАР КИТОБИ

"Феруз Хоразм шоирларининг пири, назм осмонининг офтобидан дуо олган инсон"¹,— деб ёзади, истеъодли адабиёшунос олим Нусратулло Жумаев. Маликулкалом Муҳаммадризо Огаҳий Феруз адабий муҳитига қанчалик устозлик қилиб, замонасининг етук шоир, тарихчи, таржимон, хаттотларини тарбиялаб етиштиришга улкан ҳисса қўшган бўлса, Феруз ҳам устод ўғитларига амал қилган ҳолда шунчалик кўп меҳнат қилди. Унинг буюк хизматларидан бири шу бўлдики, асли китобсевар халқ бўлган Хоразм халқининг китобга бўлган меҳр-оқибатини янада орттирди. Оммани китоб ўқишга жалб этди. У ўз саройи атрофидаги кўпчилик амалдорларни, ҳатто оға-ини, фарзандлари ва невараларини ҳам шу ишга жалб этди. Бу тўғрида Баёний шундай маълумот беради: "Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун: жума ва душанба оқшомларида уламо билан суҳбат тузиб, китобхонлик этдурур эрдилар...

Сипоҳийлар ва тўраларни ҳам китобхонлик этарга тарғиб этар эрдилар. Бас ҳама китобхон бўлдилар. Алқисса, Анносу ало дини мулукаҳум муқтазосича, тамоми вилоят халқи китобхон бўлдилар".

Қандай ажойиб, барчага ўрناق бўладиган ҳодиса! Айниқса, шу бугун биз учун етишмаётган пайтда китобнинг қадр-қимматига етишни Феруз ҳазратларидан ўрганмасдан иложимиз йўқ. Феруз сўзи билан иши бир инсон эди. У шундай ноёб инсонлар жумласига кирадиким, унинг авлод-аждодларига мансуб йигирмага яқин киши бадиий ижод билан шуғулланганлар. Улар шоирлик, хаттотлик,

¹ Н. Жумаев. Феруз. "Халқ сўзи", 1992 йил, 29 январь сони.

таржимонлик, тарихнавислик билан шуғулланиб сўз санъатининг ранго-ранг турларида асарлар яратдилар. Биз кўп йиллар давомида, шўролар адабиёти таъсирида бўлиб, сарой атрофидаги адабий муҳитни сарой адабиёти, феодал-клерикал адабиёт деб асоссиз равишда ўрганмасдан келдик. Ахир, адабиёт бутун борлиги билан гўзал-ку?

Халқимиз бу боғда гул кўп, чаман кўп,— деб бежиз айтмаган. Н. Жумаев тўғри таъкидлаганидек, "Феруз шажарасига дахлдор адабий муҳитда уларнинг ҳар бири ўзига хос ўрин ва мавқега эга эди. Уларнинг яхшигина шеърлар мажмуаси ўз даврида "Хева шоир ва шаҳзодаларининг китоби"—"Ҳафт шуаро" номлари билан халқ орасида тарқалган. Бу адиб ва асарлар ҳам бизнинг миллий-маданий бойлигимиз¹".

Шу нуқтан назардан қараганда, Муродий, Комёб, Оқил, Ғозий, Асад, Содиқ, Султоний, Саъдий сингари Феруз авлодлари яратган девонлар, баёзлар, таржима асарлар биз учун қадрлидир.

Мана, қўлимизда кўп йиллар давомида айтилиб келинган "Ҳафт шуаро" ("Етти шоир") номли каттагина китоб. Хева матбаасида 1906 йилда чоп этилган бу китобни варақлаймиз. Минг таассуфлар бўлсинким, замон ўтиши билан китобнинг биринчи ва иккинчи варақлари йўқолган. Учинчи ғазал Муродий қаламига мансуб. Китобда мазкур шоирнинг йигирма ғазали, беш мухаммас, бир мусаддас, бир қасида ва бир рубоийси жамланган. Муродий тахаллуси билан ижод қилган шоирнинг исми Тўрамурод тўра Сайид Муҳаммадхон ўғлидир. Шоирнинг "Ҳафт шуаро"га кирган ғазаларининг аксарияти муҳаббат мавзуйидадир. Ғазаллардан иккитаси форс-тожик тилида. Демак, шоир икки тилни билган. Иккала ғазал ҳам муҳаббатни тараннум этади. Улардан бири шундай бошланади:

Эй, орази ту аз маҳи тобон некутар аст,
Вей, қоматат аз сарви гулистон некутар аст.

Гар нашнавам ҳикояти гулшан, маро равост,
Эй, кокулат зи сунбули райҳон некутар аст.

Маъносини беришга ҳаракат қиламиз:

Эй, Сенинг юзинг моҳтобдан-да гўзалроқдир,
Вей, қоматинг гулистон сарвидан ҳам гўзалроқдир.

Гар тингласам гулшан ҳикоятини, манга раводир,
Эй, кокилинг сунбули райҳондан аълороқдир.

¹ Н. Жумаев. Феруз, "Халқ сўзи" рўзномаси, 1992 йил, 29 январь.

Огаҳий, Табибий, Баёний сингари устоз шоирларга эргашган сарой адабий муҳитидаги шоирлар форс-тожик тилини ўрганиб, шу тилда ижод этишни шараф деб билганлар. XVII-XIX асрларда Русияда француз тили қанчалик мавқега эга бўлган бўлса, XVIII-XIX асрларда Хоразмда форс-тожик тили ана шундай мавқеда эди. "Ҳафт шуаро"га кирган шоирлар ижодида ҳам ана шундай ҳолат кўзга ташланади. Китобда Муродий ғазалларининг учтаси Ферузга бағишланган. Улардан бирида шундай дейилади:

Давлати васлинг менга даврон экандур, билмадим,
Ғайри матлубим бори сомон экандур, билмадим,

Ақли ноқислиғ била амрингдин этдим ижтиноб,
Бу ишимни сўнграси армон экандур, билмадим.

Вуслату васлинг била хандону шод эрдим, вале,
Фурқат ичра тушкан эл нолон экандур, билмадим.

Маълумки, 1873 йилги Хева қамалида Муродий — Тўрамурод тўра ҳам Амир тўра ва Отажон тўраларга қўшилиб, ҳокимиятни Феруз қўлидан тортиб олмоқчи эди. Аммо Феруз яна тахтни эгаллайди. Уз қилмишидан уялган шоир Муродий Ферузнинг қалби очиқ, бағри кенг, саховатпеша инсонлигини билади ва ундан кечирим сўраб ёзади:

Ки эй шоҳ мулку сифатингга қуллуқ,
Сенки Хисрави яхши зотингга қуллуқ.

Қилдинг менга бўйла лутф гар айтмасам уят эрур,
Ҳар на бўлсада мақсудинг олий айтсун сенга ҳама қуллуқ.

Бошқа бир ғазалда эса шоир Феруз сиймосини тарихда номи қолган Искандар, Жамшид, Доро, Хисрав кабилар қаторида тилга олади:

Тангрининг лутфи била бу етти иқлим аро,
Бахти Феруз ила бўл пардойи воҳид подшоҳ.

Тахти фармонингга кирсун жумла олам шоҳлари,
Куллугингга мусаххар бўлсун бори заррин кулоҳ.

Илтижо айлар жаҳон аҳли қопунгга бош уруб
Истипош айларга бордур даргоҳинг олампаҳоҳ.

Ман дағи юз минг наср ожиз ила арз айлайин,
Эй, Искандар, Жамшид, Хисрави Доро асний.

"Ҳафт шуаро" китобидаги иккинчи шоир Сайид Носир тўра Муҳаммаддиёр тўра ўғли Султонийдир. 633 саҳифалик китобда жами

1256 ғазал келтирилган. Шу ғазаллардан 455 таси Султоний қаламига мансубдир. Бундан ташқари, китобда 26 мухаммас, 1 мусаддас, 1 мустазод, 1 рубоий, 1 маснавий, 2 муаммо, 1 мусаббаъ, 1 мусамман, 2 таржебанд, 3 мурабба, 3 қасида бўлиб, бу шоир мумтоз шеърятимизнинг деярли барча турларида ижод этганлигини кўрсатади.

Султоний Ферузнинг сеvimли невараларидан бири бўлиб, Баёнийдан таълим олган. Аммо унинг биринчи устози Феруз эди. Бу тўғрида Ферузнинг чевараси Саида опа Исмоил қизи шундай хотирлайди: "Бувамнинг олти ўғиллари ичида Иноқтўра (Муҳаммаддиёр тўра) жуда бой бўлганлар. Иноқ бувамнинг ўғиллари Носир тўра дадамнинг дойиси (тоғаси) бўладилар. Муҳаммад Раҳимхон Носир дойимни жуда яхши кўрар эдилар. Ёзган ғазалларини доим мақтар эканлар. Носир дойимни 1920 йилда янги ҳукумат Украинага висилка (сурғун) қилганидан кейин, дойимнинг хотини олдиға бир хотин келиб-кетиб юрган. Кейин шу хотин дойимдан қолган китобни ўғирлаб кетибди".

Баёний "Ҳафт шуаро" китобидаги Султоний шеърятини тўғрисида сўзбоши ёзган ва шоир тўғрисида шундай маълумотлар келтиради:

"Аммо бад огоҳи дил маънишуносларининг машҳуд замиримиз меҳри иқтибослари бўлгайким, жаҳл ва худройлиқ водийсининг ҳичмадони, яъни Муҳаммад Юсуф ал мутахаллис бил Баёнийнинг фузалойи сухандон ва доноийи нуктадонларининг ҳузури вофийас-сурурларига бу тариқада арзини еткурурким, гули гулзори фасоҳат, гавҳари кони малоҳат, сухандонлиқ кишварининг хуш таъби ва хушбаёни шаҳзодаий Сайид Маҳдиёрхон тўра ибни ҳазрати султони замон ва ҳақони даврон ал мустазир ва иноятил мулқил мастон Хоразм мамлакатининг шаҳриёри хулдостони Абу Музаффар Вал Мансур Абул Фатҳ Сайид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхони соний маснавийи:

Шаҳеким, бори шаҳдин афзалдурур,
Жаҳондорлиқ ичра акмалдурур.

Ота тахтида токи қилди мақом,
Ҳама бўлди алтоғидин шодком.

Адолат ародур чу Нўширапон,
Саховатда ҳам келди ҳотамнишон.

Бори беватанларга айлаб карам,
Ватан берди ҳам қилди эҳсон дирам.

Қилиб масжиду мадрасалар бино,
Ривожни улум берди мақсад анго.

Фуруж топди касб аҳли таъмиридин,
Жаҳон бўлди обод гадбириндин.

Чу ортдурди Хоразмнинг дўстин,
Зиёд этди ҳақ ҳашмату шавкатин.

Ферузнинг Хоразм фани, маданияти, ободончилиги соҳасидаги фаолияти, унинг адолатли ва саховатли инсон эканлиги тўғрисида бундан ортиқ ҳақгўйлик билан сўзлашнинг имкони бўлмаса керак?! Сўзбошида Султоний тўғрисида яна шундай маълумотларни учратамиз: "Ким ушбу шаҳзодаи мушорун илайҳ чун подшоҳи олийжоҳ атоуллоҳи таолло умруҳу ва давлатуҳу набиралари жумлаларининг эрдилар, сояйи иноятларида таълим ва тарбиятлари бирла сарафроз бўлиб, ҳам ул турлук фазлу ҳунарлар бирлаким, онинг бирлан эл ораларида машҳурдирлар, шуҳрати офоқ бўлдилар. Ашъорлари эл ораларида мугафарриқ бўлиб, ҳар кимга таажжуб юзидан онинг томошасига шавқ пайдо бўлур эрди ва ҳар кўнгулга онинг маънолари андишасида ва инбисот юзланур эрди".

Дебочада ёзилишича, бир куни Феруз Султоний шеърларининг адабиёт аҳли орасида анча машҳур бўлаётганини кўриб, набирасининг фазилат ва кароматларидан бениҳоя хурсанд бўлиб, унга Султоний тахаллуси билан бир девон тузишни буюради. Баёний дебочада бир шеърини парча келтириб Султоний шеърятига катта баҳо беради:

Зиҳи шаҳзодаким боқди иқбол,
Они жаддига қилмиш хуш баҳри ҳол.

Онингдек шеър услубида моҳир,
Моҳир бўлбдурлар бу сирю зоҳир.

Онинг таърифидин этмак ҳожат эрмас,
Аён ашъорларидур бу эрур бас.

Равонлиқ бордурур гуфторида онинг,
Суҳандонидур ўз асрнинг бу он.

Шоир ғазалларини кўздан кечирганда, уларнинг аксарияти ишқ-муҳаббат мавзуида эканлигини кўраемиз. Бу ғазаллар бадиий қимматга эга бўлиб, ташбеҳлар ўзига хос услуби, тилининг ширадорлиги ва тимсолларининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Шоир бир ғазалида гўзал ёр тимсолини шундай ҳаётий мисраларда кўрсатади:

Дедим кўрган замон хуршиди рахшонингга салламно,
Демасму кўрган эл бу лаъли хандонингга салламно.

Мени истаб юзи гул маҳжабин нури паривашлар,
Детайлар неча дафъа келсалар ёнингга салламно.

Ажиб сайёд экансан чусту чобук бир нукта бирла,
Боқиб мен зорни кўнглум олгонингга салламно.

Султонийнинг ўйноқи ғазаллари ҳофизлар томонидан севиб
қуйланишга лойиқ гўзал ғазаллардир. Оғаҳий, Комил, Феруз
анъаналарининг давомчиси сифатида яратилган мисралар киши
қалбини ҳаяжонга солади:

Жоно, қаду рухсоринга олам гадо, мен ҳам гадо.
Товушан рафторинга олам гадо, мен ҳам гадо:

Ойдек юзинг анворидин равшан эрур жумла жаҳон.
Бу ҳуснингу дийдоринга олам гадо, мен ҳам гадо.

Ўлган балагга жон берур лаълинг аро ширин сўзинг.
Исосифат гуфторинга олам гадо, мен ҳам гадо.

Боги эрам гулзоритек эрмас юзинг гулзорига.
Эй маҳлиқо, гулзоринга олам гадо, ман ҳам гадо.

Султоний Ферузни ўзига устод сифатида улуғлади.
Унинг ғазалларига мухаммаслар битиб, шоир анъаналарини давом
эттирди.

Аё Султоний сандек кимки қилгай зарраи таъриф,
Кел эмди айлагил бир лаҳза тинмайин қудратян тавсиф.
Этиб жонинг фидо қил дунёи дунинг зулфиши тавсиф.
Санго Феруз, ўлиб баҳт элдинг ул ой қандиш лабин тавсиф
Бу янглиг таъби позик бирла анъорингга салламно

Шоир бошқа бир мухаммасида Феруз характериға хос хислатларни
маҳорат билан тасвирлайди:

Айладиш Султоний ҳар ёнга назар Феруздек,
Баҳри даҳр тоғидин айлаб гузар Феруздек.
Истар эрдим тинмайин шому саҳар Феруздек,
Тонмадим ул гул висолидин асар Феруздек.
Эй сабо, бергил хабар, оромижоним қайдалур.

Султонийнинг Наврўзга бағишлаб ёзилган қасидасида баҳор
тасвири орқали Хоразмнинг ободончилиги учун Ферузнинг қилган
хизматлари алоҳида таъкидланади. Чунки мамлакатнинг обод бўли-
шида одил ва саховатпеша ҳукмдорнинг собитқадамлик билан
фуқарога раҳнамолик қилишида улкан маъно бор. Бу Султоний
қасидасида шундай таърифланади:

Қаю шаҳким топиб Ҳақ лутфидин коми муродини,
Бори офоқ аҳли бошига зилли кирдор ўлди.

Шоҳи Муҳаммад Раҳимхон Баҳодир файзи адлидин,
Жаҳон зийнатфизиолиқ ичра чун дорилқарор ўлди.

Куфр жуди сочар оламга андоғдир ҳам динор,
Хижолатманглик бу даҳраро кони баҳор ўлди.

Бировким бахт ўлиб, биров онинг манзури бўлсаким,
Топиб олам аро иззу шараф рафи мадор ўлди.

Замонингда эрур жумла балолардин улус солим,
Бори Хоразм аҳлига сояи адлинг ҳисор ўлди.

Султоний бир мустазодида Феруз тимсолини яратишга ҳаракат қилган. Унда шоҳнинг Хева илм ва маърифат ўчоғи бўлишидаги қилган хизматларини алоҳида таъкидлайди:

Олам аҳли бошига зилли илоҳ,
Хои кавкаби чашми номдор.

Хизматини қилмаса шаҳзодалар,
Топмағуси зарра киби эътибор.

"Ҳафт шуаро"да Фаррух таҳаллусли шоирнинг ўнта ғазал, иккита мухаммаси ва битта рубойиси ўрин олган. Хўш, Фаррух ким? Фаррух Муҳаммад Раҳимхоннинг ўғли, шаҳзода Асфандиёрхондир. Тарихда унинг номи қанчалик қораланмасин, унга лаънат тошлари отилмасин, у девон тузган шоир сифатида ўрганилишга лойиқ. Феруз даврида унинг атрофини ақлли, илмли, фидойи кишилар муҳити ташкил этган бўлса, Фаррух атрофини тамаъгир, иккиюзламачи, чақимчи шахслар ўраб олгани тарихдан яхши маълум. Биз бундан кўз юммаган ҳолда шуни таъкидлашни истардикки, Фаррухнинг ўз муҳитидан четда туриши асло мумкин эмасди. Унинг хонликдаги сиёсати, ахлоқи ва фаолиятига тарих ўз баҳосини берган. Биз эса унинг адабиёт соҳасидаги фаолияти тўғрисида фикр юритишни лозим кўрдик.

Китобнинг Фаррух ижодига бағишланган бўлими шундай сўзлар билан бошланади:

"Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм.

Сайид Асфандиёр тўра Зайд Умар мутахаллуси Фаррухий валади Сулаймон нишон ва Сайид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхони соний давом давлати ва шавкати".

Шоир ғазалларида анъанавий ишқ-муҳаббат куйланган. Фаррухнинг биринчи мухаммаси Феруз ғазалига, иккинчиси Фузулий ғазалига боғланган. Феруз ғазалига боғланган мухаммасда шундай мисралар бор:

Ёр сирини пинҳон сақлабон бўлиб дилсўз,
Кўйида қадам урдинг жон дил била шаб рўз.
Энди талабинг Фаррух ҳар кунинг бўлиб наврўз,
Лутф этса агар ёринг келса базминга Феруз,
Бу азиз жонингни қадамага қурбон қил.

Фаррухнинг бир мухаммаси Фузулий ғазалига боғланган. Бу бежиз эмас. Чунки Фузулий ғазалларидаги мазмунан теранлик, инсон ҳис-туйғуларини тасвирлашдаги ранг-баранг тасвирий воситалар бошқа хоразмлик шоирлар қатори Фаррухнинг ҳам ўзига жалб қилди. Фаррух Фузулий ғазалларидаги чуқур мазмун билан бирга шаклий хусусиятларга эътибор билан қаради, қофия, радифлардан, баъзан озарбайжонча сўзлардан унумли фойдаланди.

Эътибор беринг:

Аҳди паймонингда ул гулни эй Фаррух сабот,
Топмадим ҳижрони ғамдин зарра бо янглиг нажот,
Умри изҳор айладим олдида дер бу сўз уят,
Ул пари мутлақ бани расвои қилмас илтифот,
Эй Фузулий билмасам журмин бани расвосидур.

Мажмуада Раҳмонқули тўра Тўрамурад тўра ўгли Содиқ ижодида кенг ўрин берилган.

Бобожон таррох Ходим ўзининг "Хоразм навозандалари" номли тазкирасида Содиқ тўғрисида шундай маълумотлар беради: "Бизлар Бобожон таррох, муҳрон Комил Девоний, Раҳмонқули тўра зиёфатдош эдик. Зиёфатда қуйидагилар қатнашар эдик. Жонибек қушбеги, Отабек тўра — Оқил ҳам бор эди, ўзи камбағал одам эди. Тўралик дағдағаси йўқ эди. Ювош одам эди. Лскин ўзи илми одам эди".

Содиқнинг 1908 йилда Отажон Валад Муҳаммад Карим Девон томонидан кўчирилган девони мавжуд бўлиб, ушбу девон бугунги кунда 1145-рақам билан Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик илмгоҳида сақланмоқда. Содиқнинг "Ҳафт шуаро" мажмуасига кирган 68 ғазали, 10 та мухаммаси бадийи жиҳатдан стук, мазмунан бой асарлардир.

Шоир ўзининг Огаҳий ғазалига монанд қилиб ёзган ғазалида шундай ўйноқи мисралар яратишга муваффақ бўлган:

Олди кўнглимни мани бир тифлваш жононгина,
Қоши ё, киприклари ўқ, кўзлари фаттонгина.

Оташин рухсорин ул ой очса ногоҳ базм аро,
Шавқ ўтига ўрганиб бағрим бўлар бирёнгина.

Шоирнинг ушбу ғазали арузнинг енгил ўйноқи вазнларидан бирида ёзилган бўлиб, халқ қўшиқларини эслатади. Машҳур санъаткор Комилжон Отаниёзов бундай қўшиқларни маҳорат билан куйлаб, халқимиз ўртасида катта обрў-эътибор топганлиги бежиз

эмас. Қуйидаги қуйма сатрларда сиқиқ ва аниқ фикрлар ифодаланиб,
улар китобхонда катта завқ-шавқ уйғотади:

Кўзи ўлтирса агар гам йўқки, тонгум тоза жон,
Айлагач лаъли лабидин бўсас аҳсонгина.

Хотири бас позик эрмин бўлмасин токим маълуд,
Чекма эй дил кўйи ичра нолаи афсонгина.

Содиқ Навоий анъаналарини давом эттирди. Умуман олганда, бу анъана Мунис, Огаҳий, Комил, Аваз, Дойи, Табибий сингари жуда кўп Хоразм шоирлари ижодида кўринади.

В. Абдуллаев, Б. Валихўжаев, Р. Орзибеков, Р. Мажидий, С. Ғанисва, Н. Қобулов, Н. Жумасев, М. Саласва каби адабиётшунос олимларимизнинг қатор тадқиқотларида бу мавзу тўғрисида қимматли фикрлар баён этилган.

Шоир Содиқ Навоийнинг "Кошки" радибли ғазалига жавобан шундай мисралар битади ва айтиш мумкинки, бунда муваффақиятга эришади ҳам:

Кўрмагай эрдим сени эй шўхи барис кошки,
Бўлмагай эрди кўнгил ишқингда шайдо кошки.

Чунки куйди зор кўнглим ишқ отаниғоҳида,
Бўлмагай эрди бу зорим элга ифшо кошки.

Содиқ Навоий шерьиятининг бадний хусусиятларини ижодий ўрганган ҳолда, улуғ шоир ғазалининг вазни, қофияси, радифига ўхшаш назира ярата олди.

Ғайр гар шол эрурсан лек гоҳи луфт ила,
Қилсанг эрди бу ҳазинга доғи парво кошки.

Айлай олмасан вафо аввалда ёлғон ваъдалар,
Қилмагай эрдинг манго эй жаври сиймо кошки.

Содиқо, сабр айлабон қилгин дуо ихлос ила,
Раҳм солгай Ҳақ ул ой кўнгли аро то кошки.

Содиқ, бошқа Хоразм шоирлари қатори, Феруз ғазалларига муваффақиятли мухаммаслар боғлади ва бадний маҳоратини намоён этди:

Эрурман Солиқо сардафтари аҳли сухан лекин,
Каломидур назокат ичра дурри адан лекин,
Латофатда эрур андоғки гул барги чаман лекин,
Агарки бахти Феруз ила олам шоҳиман лекин,
Сенинг, эй ҳусн амири бандаи безъитборингман.

"Иқтидор кўлами кенг, шёърнинг маънавий қудрати ва қадрини тушунган Феруз салоҳияти ҳар бир одамдан шёър кутади. Унинг даъват ва талаби хоннинг амри ва буйруғи эмас эди. Юксак мушоҳадалик ва соҳир инсон Феруз ҳар доим яқинларини маънан юксакликка чорлайди", — деб ёзади истисъодли олима Гулсара Исмоилова. Ферузнинг севимли набираларидан бири Саъдулла ибни Саид Абдуллахон ўғли Саъдий ҳам ана шундай талабларга жавобан ижод қилган ижодкордир. Шоир шёърлари Шарқшунослик илмгоҳи хазинасида 6681, 909, 6666 — рақамлар билан сақланмоқда. Бундан ташқари, А. Табибийнинг "Мажмуат уш-шуаройи Ферузшоҳий" номли тазкирасида ва "Ҳафт шуаро" номли мажмуада Саъдий шёърларини кўплаб учратамиз. Мана шулардан ҳам Саъдийнинг туғма майиб ва мажруҳ бўлишига қарамасдан катта қалбли ижодкор бўлганлигига ишонамиз. Бундан ташқари, у форс-тожик тилини мукамал билган ва бу тилда ҳам ижод қилган зуллисонайн ижодкордир. Саъдий XIX-асрагина эмас, балки буюк Навоидан сўнг адабиётимизда буюк ишлар қила олган Огаҳий ҳазратларининг машҳур "Устина" радифли мухаммасига назира битди. Саъдий ёзади:

Тутмиш қонинг ё ҳаёти ул етурмас кон устина,
Ёздургани мойил эрур уқ бу ҳазин жон устина.

Айлаб рақиб рўй сибҳни шодмон васлинг била,
Танлаб мен дилхастани бу дарди ҳижрон устина.

Саъдий шёърларини ўқир экансиз, уларда муҳаббат, ёрнинг гўзаллиги тўғрисида баҳс юритилади. Шоир маъшуқа жафоси, ошиқ вафоси, давроннинг бевафолиги ва жабру ситамлари тўғрисида инсоний ҳис-туйғуларни тасвирлашга ҳаракат қилади:

Чун аҳд бисёр айлабон қилдинг мани маҳзунни шод,
Майл айладинг, эй бевафо, сўнг аҳди ёлғон устина.

Саъдий бўлибон оразингни шавқида Мажнушйор,
Юз ранжи меҳнатлар билан бу Нўҳи хирмон устина

"Ҳафт шуаро"га кирган шоирлар ичида Муҳаммад Юсуфбек Баёний ижоди бой ва ранг-баранглиги, шёърларининг мазмундорлиги билан ажралиб туради. Китобга мазкур қалам соҳибининг жами 190 ғазал, 10 мухаммас, 4 мусалдас, 1 таърихи кирган. Шу ўринда нима учун Баёний бу китобга киритилган, деган савол туғилиши мумкин. Биринчидан Муҳаммад Юсуфбек шу китобга кирган барча шоирларнинг устози. Иккинчидан, Муҳаммад Юсуфбек Бобожонбек ўғли бўлиб у Элтузархоннинг неварасидир. Элтузархон Қўнгирот уругига

мансуб хонларнинг биринчисидир. Демак Феруз билан Баёнийлар яқин қариндош ҳам эдилар. Шунинг учун бу икки сиймо умр бўйи бир-бирларига яқин муносабатда бўлиб, ижодий ҳамкорлик қилдилар, Баёний ғазал, мухаммасларидан ташқари "Шажарайи хоразмшоҳий", "Хоразм тарихи" асарларида Феруз ва унинг авлодлари ҳақида ҳаққоний фикрларни айта олган сўз санъаткоридир. Шоир мажмуага кирган олтинчи ғазалида Феруз ва унинг салтанати тўғрисида ёрқин мисралар яратади:

Илоҳо, шоҳи давроннинг ҳаётин жовидон этгил,
Жаҳон борица Хоразм аҳлига ҳукминг равон этгил.

Баҳор адли бирла сабзи хуррам айлабон доим,
Жаҳон гулзорин, эҳсонидин жаннат нишон этгил.

Шоир яна бир ғазалида Хоразм диёри, унинг буюк кишилари тўғрисида фикр юритади. Жайхун дарёси, ундан оқадиган ариқлар, ажойиб боғлар тўғрисидаги фикрлар китобхонда Ватанга муҳаббат, унинг гўзалликларидан фахрланиш туйғусини уйғотади:

Зиҳи ҳар билладин олам ародир хуш ҳаво Хоразм,
Жаҳонда топмиш ўзга ўзгача файзу сафо Хоразм.

Лаболаб мавж уриб мавжлиқ бирла оқар Жайхун,
Саросар сувларидиндур тару тараддилик Хоразм.

Наҳрлардур равон ондин бори ерлардур ободон,
Вопур файздин қушларни қилмиш қуш тун Хоразм.

Айниқса, ғазалда тилга олинган авлиёларимиз, улуғ пирларимиз номлари қадриятларимизнинг нақадар қадимий тарихга бориб тақалиши, Ватан тарихининг улуғворлигига яна бир бор ишонасиз:

Саросар хоки носидур пирух баҳши шараф пайванд,
Ким ўлмиш кўп шаҳиду кўп вале жисмига жо Хоразм.

Бори алама Азмахшари ҳам ибни Ҳожибдур,
Имоми Фаҳри Розий нуридиндур пирзиё Хоразм.

Биридур Шайхи Нажмиддин Кубро ҳами Вали Аттор,
Яна Шайхи Шарафидиндур шарофат ин ту мо Хоразм.

Баёний ғазалда Моҳи рўйи жаҳон, Саид Аловиддин, Паҳлавон Маҳмуд каби авлиёларимиз ётган жой табаррук Хоразм диёри эканлиги, бундай буюк диёрга Оллоҳ таоло ҳам ўзгача назар ташлаганидан хурсанд бўлади:

Биридур Моҳи рўйи жаҳондур, бириси Саид Аловиддин,
Ҳам ўлимин Паҳлавон Маҳмуддин меҳри ба хило Хоразм.

Шаҳиду ҳам валилар онда ҳадду хисридин хориж,
Таоло олло нечун эрларга бўлмиш ошно Хоразм.

Буларнинг рўйи пур нуридин шоҳи жаҳонимга,
Магар етмиш мададким, мулки бўлмиш даҳри Хоразм.

Ғазалда тилга олинаётган валилар, авлиёлар. "Шоҳи жаҳонга" яъни Муҳаммад Раҳимхон Ферузга мададкор бўлиши, унинг адолат билан муносабатда бўлаётгани туфайли Хоразм бир бўстонга, дилкушо жойга айланаётгани кўрсатилади.

Баёний шу мавзуда ёзган иккинчи ғазалида юқорида тилга олинган мавзунини янада ривожлантиради. Хоразмнинг обод, халқининг бой бўлиши Феруз шоҳ номи билан боғлиқлигини ҳақли равишда кўрсатади:

Шоҳи жаҳонимдур манинг Хоразм аро ҳаввоза шоҳ,
Демай шоҳи Хоразм ким улдур шоҳи олампаҳо.

Фахр этсалар Хоразм аҳли жаҳонга тенг этмас,
Ким бошларина соясин солмиш дурур зили илоҳ.

Эҳсонидин боғу, еру хубонидур Хоразм эли,
Онда майдон, бой, фақир аҳолига жуда мол ҳо.

Шоир таъкидлашича, Хоразм элининг пойтахти бўлмиш Хева шоҳининг адолат билан юрт сўраши туфайли кун-кундан равнақ топмоқда. Ҳатто афсонавий Баҳром каби сиймолар ҳам бу зебо шаҳарни ўзларига маскан тутса арзийди, деб ёзади шоир:

Хевақ топиб, равнақ узра равнақ зебони ҳол ила,
Таъна хурлиқга агар урса тонг эрмас гоҳ, гоҳ.

Ким кеча кун Баҳромнинг бўлмиш хаварнақ маскани,
Хевоқидур доим Хоразмшоҳга тахти гоҳ.

Баёний Ферузнинг ўнлаб ғазалларига мухаммаслар боғлади. Бу мухаммаслар Феруз сиймоси, унинг давлатни идора қилиш борасида олиб борган ишлари тўғрисидаги маълумотларни янада тўлдирди. Айниқса, шоҳ ва шоирнинг машҳур "Устина" радиодли ғазалига ёзган мухаммаси характерлидир:

Гулгун юзининг анбарин зулфи тутубму устина,
Ё моҳи рақам келдим у ул сейби хушбу устина.
Мужгонидин ўқлар равон ошиқ вужуди устина,
Пайваста қони шаклидур ул чашми жоду устина,
Бир чарқким ёзмиш қанот қасд айлаб оҳу устина.

Ҳеч билмадим неча итоб ўтди, не ёндурди қизиб,
Қайси тил ила ман баён айлай онинг шарҳин этиб,
Қаҳри Баёнийдин бу дам тил сақладим ожиз келиб,
Воҳ, найлайин Феруз, ул қонлиқ ғазаб ёшин чекиб,
Мужгон ўқин тез этгали чин солмиш абрў устина.

Феруз Қибла Тозабоғни қуришга бошлади. Бу ер учта катта ҳовли, бир неча ҳовуз, боғдан иборат эди. Хоннинг ёзги қароргоҳи бўлмиш ушбу жойнинг биринчи навбати ишга тушиши Хевада катта воқсага айланди. Баёний ушбу ҳовлининг қуриб ишга туширилишига бағишлаб бир таърих битди. Ушбу таърих форс-тожик тилида ёзилган бўлса-да, унинг мазмунига тушуниш қийин эмас:

Шоҳи Муҳаммад Раҳимхон замон, замон,
Зилли, зилли қудаст бар ҳамма бандагон.

Гулшани иқболи у дар ду жаҳон тоза бод,
Тоза шуд аз ҳикматаш гулшани боғи жаҳон.

Қард баён ажаб мисли беҳинг ҳар он,
Ҳар ки томоша намуд шуд мутаажжуб бар он.

Муҳаммад Раҳимхон замонида қурилган ушбу ҳовлининг гўзаллиги жаҳон боғларининг гулшанига ўхшатилади. Уни томоша қилган одамлар беҳишт мисол ушбу жойларнинг гўзаллигини кўриб минг таажжубга тушиши бежиз эмас, дейди шоир.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, Хева шаҳри ва тумани ҳокими Э. А. Раҳмонов ҳамда Хоразм вилояти ҳокими, адабиёт ва тарихимизнинг улкан билимдони М. Жуманиёзовнинг сайъ-ҳаракати ва раҳбарлигида Қибла Тозабоғ ҳовлиси қайта тикланди. Ферузнинг бу ердаги боғига Фарғона вилоятидан жуда кўп мевали дарахтлар олиб келиниб ўтқазилди. Бу боғ ҳозирги кунда дўстлик боғига айланди, десак хато қилмаймиз.

Отабек тўра ибни Ёқуббек, ибни Ҳасанмурод қушбеғидир. Маълумки, Ҳасанмурод қушбеғи, Ферузнинг ҳурматли вазирларидан бири бўлиб, бу киши Сайид Муҳаммадхон замонасида ҳам катта обрў-эътибор қозонган одам эди. Ҳатто у Сайид Муҳаммадхоннинг қизи Чинижон бикани ўғли Ёқуббекка олиб берган эди. Отабек тўра Оқил ана шу кишилардан бўлган фарзанд бўлиб, Ферузнинг севимли жиянларидан биридир. Шунинг учун Оқил тарбияси билан кўпроқ Феруз шуғулланди, ўқитди, камолга стказди. Боланинг мўмин, оқил табиатидан келиб чиқиб жиянига "Оқил" тахаллусини тақлиф этган ҳам шоирнинг ўзи эди. Оқил шерьиятдан ташқари тарих, мусиқа каби илмларга меҳр қўйди. Қўшиқ айтиш Оқилнинг севимли машғулоти эди. Буни "Ҳафт шуаро" китобига кирган дилбар ғазаллар ҳам кўрсатиб турибди:

Бир боқиб олгон мани ақлимни ул дилдордур,
Солгон ўтлар жонима ул отанин рухсдордур.

Ишқ аро ошиқ аша ман зордек йўқтур вале,
Гарчи ошиқлар анго бисёрдур, бисёрдур.

Ёки бўлмаса:

Қўлга олди чун ул ёр танбур,
Не тонг бўлса фарахосор танбур.

Ҳабибим хуншлаб илга олганига,
Келибдур тонг сиҳи дутор танбур

Шоир шеърлари асосан муҳаббат мавзуида бўлса ҳам лекин замонанинг ижтимоий-сиёсий воқсаларига ҳам ўз муносабатини билдиришга ҳаракат қилади. У форс-тожик тилини мукамал билган ва мазкур тилда ижод этган. Ширу-шакар йўлида ёзилган қуйидаги ғазал фикримизни далиллайди:

Эй позанин, ба чун жонони кисти,
Жисми кадом рўҳи ва ё жони кисти.

Дар ойинаи ба ин нахўстин жамоли хуш,
Аз ман макун саволки, ҳайрони кисти.

Оқил бошқа шаҳзодалар қатори Феруз ғазалларига мухаммаслар боғлайди:

Турмади жисмимда жоним лаҳза ороми била,
Тузмай Оқил базми бир туи ул гуландоми била,
Кунларим доим ўтирдим ҳажри оқшоми била,
Бир йўла айланмайин Ферузнинг коми била,
Эй, фалак, нестдм сани душманлиқ изҳор айладиинг.

Шундай қилиб "Ҳафт шуаро" мажмуаси ҳам Хоразм адабий муҳитини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлиб қолади. Биз кўп йиллар мобайнида хонлар, амир-амалдорлар ичида етишиб чиққан шоирларни ўрганмасдан келганлигимиз туфайли адабиёти-мизни бир оз бўлсада камситиб, камбағаллаштириб хатога йўқ қўйган эканмиз, энди бу хатоларимизни тузатадиган замон келди.

Уни бутунлигича, бор бўй-басти билан ўрганиш ва тарғиб қилишда адабиёт фойда кўрса кўрадики, асло зарар кўрмайди. Шундай экан, "Ҳафт шуаро", "Тазкирайи шуаройи Ферузошўйи" каби асарларни нашр этиш, уларни кенг китобхонларга етказиш бугуннинг талаби бўлиб қолмоқда.

САРОЙ ШОИРЛАРИ САРВАРИ

Шоҳлик ва шоирлик мужассамаси — мураккаб ҳодиса

Буюк давлат арбоби ва маданият ҳомийси Муҳаммад Раҳимхони соний — Ферузнинг шарофати билан XIX аср Хева саройи муҳитида ўзбек маданияти ва санъатининг амалий мактаби фаолият кўрсатарди. Бу кўп тармоқли мактабнинг устивор

йўналиши бадий адабиёт эди. Хева адабий мактабининг ҳомийси, ташкилотчиси, фаол ижодкори Ферузнинг ўзи. Аввало, шоҳлик ва шоирликнинг бир шахсдаги мужассамаси нодир ҳодиса бўлиб, бундай сиймолар бизнинг миллий бойлигимиз, эъзозга лойиқ қадриятларимиздир. Салтанатни салкам ярим аср мувозанатда сақлаш ва айна пайтда етук шоир ёхуд олим сифатида фаолият кўрсатиш инсоният тарихи ҳамда жаҳон миқёсида камдан-кам шахсга насиб этган. Тарихнинг шаҳодат беришича, буюк давлат арбобларининг кўпчилиги бутун куч-қудратини салтанат юмушларига қурбон қилган. Кўп тармоқли фаолиятга қодир бўлмаган. Олимларнинг эътироф этишларича, илму ижодга жуда берилган, улуг мутафаккир даражасида фаолият кўрсатган аллома подшоҳлар эса салтанатни мустаҳкам сақлаёлмаганлар. Илму ижодга ривож берганлари сари, салтанатдаги сиёсий жараёнлардан узоқлашганлар, ҳукумат тадбирларида хатоларга йўл қўйганлар. Оқибатда, ҳукмдор сифатида таназзулга юз тутганлар. Бу — ижодкор шоҳларнинг қонуний қисмати эди. Бироқ Ферузнинг шоҳлик ва ижодкорлик тақдирини азал котиблари ўзгачароқ ёзганлар.

Феруз Хева тахтида узоқ муддат мустаҳкам ва муқим ўтирди. Умр паймонаси тўлгунга қадар маданият ва санъатга ҳомийлик ҳам этди. Шоҳ шоирнинг бундай бахтга муяссар бўлишига саройда унинг ўзи яратган ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий муҳитнинг соғлом иқлими шароит берди. Феруз атрофини мамлакатнинг энг етук ақл-идрок эгалари ўраб олган эдилар. Ферузнинг сиёсий дастури ва фаолияти маҳоратли шоир, олим, тарихчи, сиёсатдон, табибу санъаткорларнинг тафаккури билан маҳкам жипслашган. Феруз уларнинг ақл хазинасидан қувват, ижод чаманидан илҳом оларди. Бу боисдан, Россиянинг мудҳиш истилоси ҳам Феруз саройидаги маданий муҳит иқлимини пароканда этолмади ва шоҳ шоирнинг сиёсий-адабий фаолиятига футур етказолмади.

ШАХСИЙ УЛУҒВОРЛИК, ИЖОДИЙ КАМТАРЛИК

Бадий ижодда ҳам Феруз ўз замонаси шоирларининг пешволаридан эди. Қаламкашликда у нозик таъби, ўткир диди, раво услуби билан адабий муҳитдаги кўпгина шоирлардан устун турарди. Айниқса, ишқ-муҳаббатнинг мумтоз тасвирини яратишда Феруз комил ижодкор даражасига етганлигини ишонч билан эътироф этиш мумкин. Феруз назми билан ошно бўлган адабиёт муҳоби шоирнинг қўйидаги фахрияси ҳеч муболағасиз айтилганлигига имон келтиради:

Сенга Феруз ўлуб бахт, эдинг ул ой қадли, зулфин васф,
Бу янглиг таби позик бирла ашъоринга салламно.

Аммо Феруз назмида шоҳона ва шоирона ифтихор туйғулари бўртиб тургувчи бундай байтлар кўп эмас. Қайтага, оддий шоирларимиз шеърятида фахрия байтлар тез-тез учрайди. Ферузнинг лирик қаҳрамони оддийлардан-да оддий, камтарин бир ошиқ сиймо. Бу ошиқ инсоннинг сийратида шоҳ шоирнинг дарवेशона хокисорлиги мужассам. Ишқ куйига тушган шоҳ муҳаббатнинг бандаи безътиборига, парилар сарварининг қулига айланади:

Агарчи бахти Феруз ила даврон шоҳиман, лекин
Сенинг, эй ҳусн амири, бандаи безътиборингман.

Гарчи эрурман толси Феруз ила оламга шоҳ,
Лек ул парилар сарвари оллидадурман қул букун.

Камтарин бу ошиқ шоирдан камтарин бир адабий мерос ёдгор қолган. Турли мафжуд манбалардан аниқланиб, яхлит мажмуа ҳолига келтирилган меросда 98 ғазал (1498 мисра), 7 мухаммас (220 мисра) 7 рубоий (28 мисра), 2 мусаддас (84 мисра), 4 маснавий (706 мисра), ўрин тутади. Бу асарларнинг умумий ҳажми 2028 мисрани ташкил этади. Бироқ, ушбу рақамлар Феруз ижодиёти куллиёти ҳажмини белгилай олмайди. Феруз ва унинг меросига оид манбалар энди ўрганила бошланди. Ўз даврида Феруз анъанавий тартибдаги яхлит бир девон яратиб қолдирмаган. Шунинг учун унинг мероси пароканда ҳолатда етиб келган. Мероснинг узил-кесил ва тугал сарҳисобиви яратиш учун изланишлар давом этмоғи лозим.

БОШ МАВЗУ — ИШҚ, БОШ ҚАҲРАМОН — ОШИҚ

Феруз шеърятида ишқ мавзуи чуқур бадиий таҳлил этилган. Бошқа барча мавзулар ишқий асарлар доирасида Ферузона ўзига хос талқинини топган. Феруз ҳаёти ҳамда фаолиятининг дунё мулки ва муаммолари билан чамбарчас боғлиқлиги унинг бир қадар дунёвий шахс бўлишини тақозо этарди. Дарвоқе, унинг дунёқарашида дунёвийлик, ҳаётсеварлик руҳи устивор. Аммо, шу билан бирга, Феруз бағоят тақводор инсон эди. У ўзига насиб этган дунёнинг мулки, мамлакати, неъматлари, истъдод қудрати — бари-барини Оллоҳнинг инояти, хоҳиши, иродаси деб тушунарди. Ана шундан келиб чиқиб, Феруз ғазалиётида илоҳий қудратга муҳаббат туйғулари барқ уради. Дунёвий неъматларни Феруз илоҳий яратувчининг ижоди, мўъжизаси, ҳосили, тажаллиси сифатида севади, эъзозлайди,

ардоқлайди, тарғиб этади. Феруз назмидаги энг дунёвий асар деб тусмол этилган шеърда ҳам илоҳий сеҳру синоатга ҳайрат ва мафтунлик яққол ифода этилган.

Зеҳи бордур зуҳуринга азал бирла абад пайдо,
Тафаккур айлабон зотинг, қила олмас хирал пайдо.

Не ҳикматдурки, гулдек юз ато бир кимсага айлаб,
Бировда бўлбулосо оҳу ифгон беадад пайдо.

Қачон ҳамдинга гўё айлағум тилин мане бекас,
Манга гар бўлмаса алтофи фазлиндин малъад пайдо.

Бу ҳам бор қудрату заъфини тасдиқига бир бурҳон,
Ки, қилдинг бу тўқуз қат осмонни беадад пайдо.

Нечук мақбулнинг топғусидур аҳли жаҳон аро
Ул одамким, онга қаҳринг соридин бўлса рал пайдо.

Бориси хоҳиши тақдиринг ила бўлғуси мавжуд,
Неким гар бандадин оламда бўлса неку бад пайдо.

Топар кавнайн ичра мақсад ила комини Феруз,
Иностинг била бўлса анга гар писанд пайдо.

Бу соф илоҳий қудрат соҳиби Тангри — таоло васфига ба-
ғишланган ғазалидир. Унинг ғоявий мазмуни Тангрига имон-эйтиқод,
ихлос-муҳаббат изҳоридан иборатдир. Ферузнинг илоҳий қудрат
мўъжизаларини бадий талқин этишга, азал билан абаднинг пайдо
бўлиши илоҳий қудрат зуҳури (мавжудлиги)нинг яққол далилидир.
Аммо, унинг зоти — келиб чиқиши, вужуди мутлаққа айланиш
жараёнини ақл тафаккур этиш йўли билан идрок этолмайди. Уни
фақат илми ғайб, илми ладуний воситасида инкишоф этиш мумкин,
холос. Бировга гулдек чеҳра ато этилиши, бошқа бир кишига
булбулдек фиғону-фарёд насиб бўлиши ҳам Оллоҳнинггина хоҳиш-
иродаси, ҳикматидир. Бу ҳолнинг боиси бандага маълум эмас, ёлғиз
Ўзигагина аёнидир. Илоҳий қудрат олдида ўзининг нотавонлигини ҳис
этиш ва бунга иқрор бўлиш мўминнинг хос фазилатидир. Феруз
ҳам: "Агар фазлинг лутфи мадад бериб турмаса, Сенинг ҳамдинга
ҳам тилим ожиз қоларди", дея хокисорлик изҳор этаётир. Хуллас,
Ферузнинг иқрорича, инсондан оламда нимаики яхшилик ва ёмонлик
содир бўлса, бариси Тангрининг хоҳиши, битган тақдири асосида юз
беради.

Ихлосманд шоирни Тангрининг кашфу кароматлари, у ижод этган
мўъжизакор олам сирлари, Ўзининг ҳусну жамолини ойнадагидек
кўриш иштиёқида вужудга келтирган табиат ва инсон гўзалликлари

мафтун этади. Унинг руҳиятида ҳақ муҳаббати тугён уради. Ферузнинг илҳоми ва ижоди Ҳақнинг ишқи жунунидан завқу шавққа тўлиш тўлғоғидан таваллуд топади. Яъни, шоирнинг ўзи айтмоқчи, унинг ижоди ҳам Илоҳнинг ишқи жунуни завқу шавқидан туғилади, таркиб топади:

Мен нечук ишқи жунунинг завқу шавқин тарк этай
Ким, бу унсурдин мураккаб бўлиди ижодим менинг.

Англашиладики, Феруз назмидаги ошиқона мажнунлик, завқу шавқ илоҳий ишқ унсурларидан вужудга келган. Унинг ошиқона ғазалларида риёсиз, пок муҳаббат мадҳ этилади. Ошиқона ғазалларнинг лирик қаҳрамони сўфийин соф сиймо бўлиб, у зоҳидона тақводан ҳазар қилади. Феруз зоҳирий ихлосу ибодатни инкор этади, чунки у хўжакўрсин ва намойишкорлик руҳидаги юзаки, сохта муҳаббатдир:

Донайи дом айлама субҳанни, эй зоҳид, манга,
Холу зулфидин эрур тасбеҳи авродим менинг.

Зоҳид ҳақиқатбин эмас, балки зоҳирбин. Унинг ихлосу ибодатларида муҳаббатнинг ботиний эмас, зоҳирий — ташқи, юзаки унсурлари мужассам. Зоҳиднинг маҳбубга муҳаббати қалбдан эмас, балки қалбаки. Зоҳид ўқиётган дуойи тиловатларини ҳисоблаш учун тасбеҳ тутади ва уни узлуксиз ўгириш билан сидқу садоқатини намойиш этмоқчи бўлади. Феруз назмида, Зоҳид тасбеҳидаги доналар гўё мурид овлаш учун тайёрланган тузоқнинг донларидир. Чинакам ишқ шайдоси Феруз бу тузоққа ўлжа тушишдан бош тортади. Манинг тасбеҳим ва дуоларим маъшуқанинг холу зулфидан иборатдир, дея фахрланади. Бу ифтихорнинг тагида бир китоб тасаввуфий маъно бор.

ТИМСОЛ ВА ТАСВИР — ТАСАВВУФИЙ

Хол ва зулф тасаввуфий тимсоллар бўлиб, уларнинг бадиий маъно ифодалашда ўзига хос вазифалари бор. Хол ишқи ҳақиқий тасвирда ваҳдат нуқтасининг размий ифодасидир. Хол тимсолида ориф ошиқ мутлақ зот, яъни маҳбуби мутлақнинг ягоналигини дил-дилидан муҳаббат билан эътироф этади. Тенгсиз, шериксиз, ўхшашсиз талъат иқрорини ҳам хол образи ифодалайди. Манзурнинг холини бир карра ёд айлаш "Ло илоҳа илаллоҳ" калимасини дилдан ўтказиш, тилда зикр этишдек ҳолдир. Шунинг учун Феруз ҳақиқий ваҳдат нуқтаси бўлмиш холни зоҳид тасбеҳи доналаридан кўра афзал билади.

Зулф тасаввуф адабиётида илоҳий қудрат ва ҳусну жамол тажаллисининг сифати янглиғ тавсиф этилади. Шунингдек, зулф

Тангри-таоло зоти ҳамда ваҳдати мартабасининг улугворлиги, мураккаблиги тимсолидир. Маъшуқа зулфининг паришонлиги, жингалаклиги, гажакдорлиги илоҳий маҳбуб зоти ҳамда ваҳдати сеҳру синоатларини ечиш мушкуллиги, мураккаблигини билдиради. Зулфининг паришонлиги — ҳижрон водийсининг бепосёнлигига, узунлиги — висол сарманзили узоқлигига, ваҳдатнинг сир-асрорига етиб бўлмаслигига тимсолий далилдир. Феруз зоҳид дуоларидан кўра, маъшуқа зулфини афзал билишининг боиси — зулфа боғланиш, зулфнинг тузоғига ўлжа тушиш, занжирбанд бўлиш, чирмашиб қолиш — ваҳдат ҳаёлига берилиш, маҳбуба ҳусну жамолига ошуфталик, висол илнжидида ўртаниш, ҳақиқий муҳаббат кечинмаларига фарқ бўлиш демакдир.

Жон қушига эмди йўқ озодлиғ ул қайддин,
Холи мушкин дона бўлмиш, зулфи анбар домимиз.

Ушбу байтдаги хол ва зулф ҳам илоҳий ишқ унсурлари бўлиб, лирик қаҳрамон илоҳий ҳуснга шайдо бўлгани ва ваҳдат нуқтасига орзумандлигини изҳор этмоқда. Бундайин тасаввуфий тасвир бадиянати Феруз ғазалиётида яхши ишланган ва у ўрганишга арзигуликдир.

ЎЗИГА ХОС ТАФАККУР ТАРЗИ

Феруз ўзига хос тафаккур тарзига эга, қадим ҳаёт тилсимлари тўғрисида мустақил мушоҳада юритадиган адабий сиймодир. Ҳар бир шоир ижодиётида дунёнинг хулосасини акс эттира оладиган, дунёқарашига шиор бўла оладиган сатрлар топилади. Феруз назмидаги бундай умуминсоний умумлашмаларга мана бу байтларни мисол келтириш мумкин:

Эй кўнгул, эрмас мақоми амн ушбу даҳри дун
Ким, егушмас роҳат ондин бир нафас озорича.

Жонга йўқ эрмиштур, эй Феруз, бу олам аро
Лаззат ичра ҳеч неъмат дўстнинг дийдорича.

Дарвоқе, шоир ҳаққоний эътироф этганидек, бу пасткаш дунё осойишта, роҳат-фароғатда яшашга лойиқ макон эмас. Ундан, чекиладиган азоб-уқубатларнинг бир лаҳзасичалик роҳат етмайди. Иккинчи байтда дўст дийдори дунёнинг энг улуг неъмат сифатида талқин этилади. Бу оламда лаззатлар ичида дўстнинг дийдоричалик умрга, жонга ҳузур бахш этувчи неъмат топилмайди. Бу ёши, мартабаси, миллати, дини, макони, замонидан қатъи назар, барча инсонлар учун сабоқ бўларли умумлашмадир.

ҲАЁТСЕВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Феруз — ҳаёт ва табиатнинг сармаст ошиғи. У умрини ғанимат билиш, табиатнинг роҳатбахш нсъматларидан баҳраманд бўлиш, ҳаётни шод-хуррам ўтказишнинг ашаддий тарғиботчиси. Лирик қаҳрамоннинг майин, самимий таклифлари мудроқ руҳимизни баҳорий кайфият билан бедор этади, чаманларга чорлайди:

Очилмиш гул, стурмиш боға зийнат, эй санам, келгил,
Ичарга бир нафас аҳбоб бирла жоми жам келгил...

Муҳайё айлабон гулшанда айшу ишрат асбобин,
Кўнгул кўзгусидин зоиқ қилурга занги гам келгил.

Тўшаб баргини гул ер узра, тортар интизорингни,
Гулистон ичра гул барги уза кўюб қадам, келгил.

Ҳаводур мўътадил ҳам фасли гулдур, кеча ҳам маҳтоб,
Тузуб мажлис, ичарга лолагун май дамбадам келгил.

Чаманлар сабзи хуррам, ҳанзлар лабрзу гул хандон,
Билиб бу файзлиғ мавсумини асру мугтанам келгил...

Ушбу ғазал гўзал табиат манзараларини сўзда жонлантириш билан мароқлидир. Феруз мумтоз сўз санъатимизнинг беҳзодларидан биридир.

Минг йиллик ўзбек мумтоз адабиёти рубобидан айрилиқ, дард, алам нидолари баралла янграб турса, Феруз шеърятининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, ундан висол севинчлари, комронлик, бахтиёрлик тароналари наво беради:

Шод ўлгил, эй маҳзун кўнгул, бу кеча дилдоринг келур,
Ширин такаллум, гулбадан, лаъли шакарборинг келур.

Соз айла айш асбобини, очтил тараб аввобини,
Рухсори оламтобини очиб севар ёринг келур.

Лаълин қилиб мўъжизбаён, бермакка умри жовидон
Юз нав меҳр айлаб аён жонбахш гуфторинг келур.

Ҳижрони ичра борҳо тортар эдинг ранжу ано,
Бу дам тутуб расми вафо шўхи ситамкоринг келур.

Маҳзун қилиб агёрни, шод эттали сен зорни,
Тарк айлабон озорни, ёри вафодоринг келур...

Ушбу ғазалда висолдан умидворлик, соғинч, ёр вафосига ишонч, қувонч туйғулари кўтаринки кайфият билан тараннум этилган. Шоир

қалб туғёнларини шу қадар жўшқин завқу шавқ билан куйлаганки, тоза илҳом таъсирида байтларнинг аксарияти сажъ санъати билан куйилиб келган. Бу руҳдаги ғазаллар қадрлашга сазовор муҳим асарлардандир. Чунки ошиқнинг, инсоннинг ҳаёти фақат қайғу, мунг, умидсизликдан иборат эмас. Бундай асарлар руҳимизда ҳаётбахш умидворлик туйғуларини уйғотади.

Ферузнинг ажойиб асарларидан бири "Шарбат" радифли ғазалдир. Ғазал аввало, шуниси билан қадрлики, ўзбек мумтоз адабиётида май мавзуида кўп ёзилган, аммо шарбат тўғрисида махсус асар кам яратилган. Аслида, шарбат маъшуқани васф этиш йўлидаги бир восита. Ғазалдаги байтлар силсиласида шарбатдаги шифобахш хусусиятлар маъшуқанинг мафтункор хислатлари таъриф-тавсифига асос бўлиб хизмат қилади.

Лаълига еткурубму ул гулузор шарбат,
Таъм ичра буки топмиш кўп иштиҳор шарбат.

Шарбат таъми, мазаси ширинлиги, роҳатбахшлиги билан машҳур. Шоир талқинича, ул гул юзли каби дилбар лаъли лабларига теккизгани учун ҳам шарбат шу қадар тотли таомга айланган. Айниқса, шарбатнинг шифобахшлиги ҳақидаги байт диққатга сазовор:

Доим вужуди бўлғай эмин ҳазон елидин,
Ҳар кимки ёри бирла ичса баҳор шарбат.

Байтдаги хулоса жиддий тиббий асосга эга. Бундан ташқари, қарама-қарши маъно ифодаловчи "ҳазон" ва "баҳор" сўзларининг остин-устун (параллел) қўлланиши бадий санъаткорликдир.

"ШЎХИ НОМУБОРАК" ҲАЖВИ

Ҳажвий-танқидий руҳдаги асарлар ҳам Феруз бадий-маърифий оламининг назокатидан далолат беради. "Муборак" радифли ғазал анъанавий мавзу ва услубда бошланиб, танқидий-ҳажвий руҳда тугалланади:

Олдинг ниқоб юздин, эй дилрабо, муборак
Ҳуршиддек жаҳонга бердинг зиё, муборак.

Бу бошланма байтдаги хайрихоқ муборакбод ғазал сўнгигача изчил давом этмайди. Охириги байтларга бориб, ғазал анъанавийлик қобиғидан чиқиб, ҳажвий-танқидий руҳ кескинлашади. Чунки тасвирга асос сифатида олинган сиймо ихлосни қайтарадиган

даражада одоб ва ҳаё доирасидан чиқиб кетади. "Муборак" радифи пичинг ва кесатиқ маъноларида қўллана бошлайди.

Чиқмай усулдинки раққослик қилиб фош,
Юз бўса бир дирамға қилдинг баҳо, муборак.

Лирик қаҳрамон меҳр-муҳаббат билан куйлаётган манзур ўз инсоний қадр-қимматини, ор-номусини ерга уради. Шўхликни ҳаддидан ошириб юборади:

Феруз: кўнглинг этса қошу кўзига мафтун,
Эркан ҳаёсиз асру ул шўхи номуборак.

Ташқи қиёфаси гўзал, аммо ҳаёсиз маъшуқани шоир "шўхи номуборак" дея рад этади. Ушбу ғазал шоҳ ва шоир Ферузнинг таъби нозик, талабчан инсон эканлигини тасдиқлайди.

БАДИИЙ МАҲОРАТДАГИ КОМРОНЛИК

Феруз мавжуд анъаналарни мукамал ўзлаштирган, бадиий санъатга ташналигини устозлар маҳорат булогидан қондирган моҳир шоир эди. Табиат ва жамият гўзалликлари, туркий ва форсий назм, диний-тасаввуфий адабиёт Феруз истеъдоди озикланган санъат дорилфунунлари эди. Феруз шеърларидаги бадиий тасвир етуқлиги ва тимсоллар такомилени уларсиз тасаввур этиш қийин.

Пайваста қоши шаклидур ул чашми жоду устина,
Бир чарғким, ёзмиш қанот қасд айлаб оҳу устина.

Бу — Ферузнинг санъаткорона яратилган байтларидандир. Байтдан мақсад — манзур қошу кўзининг мумтоз тасвирини яратиш. Шоир бу адабий муддаога тўла эришган. Биринчи мисрада қошу кўз тасвирининг дастлабки босқичи сифатлаш санъати воситасида юзага чиқарилган. Қошга нисбатан "пайваста", кўзга нисбатан "жоду" сифатларининг ишлатилишиёқ бадиий тасвирни вужудга келтирган. Бироқ бу ҳали муаллифни қаноатлантирмайди. У мукамал ва ўзига хос бадиий тасвирга интилади. Пайваста қошнинг "чашми жоду"— ҳуркак кўз устида туришига табиатдан зиддиятли манзара излайди. Ферузнинг омадига бундай манзара табиатда ҳам, бадииятда ҳам мавжуд эди. Қошу кўзнинг жойлашуви ҳуркак оҳу устида қанот ёзиб ҳамлага шайланган "чарғ"— ов қушига яққол монанддир. Бизга яқин туркий ва форсийзабон шоирлар назмида ҳам шундай манзара тасвирини кузатишимиз мумкин. Масалан, Восифийда шундай байт бор:

Ба чашму холу миёни ду абруёш бингар,
Магар ки бар сари оҳуст чарғ дар таярон.

Ферузнинг овдаги кузатишлари билан бадий адабиётдаги кузатишлари мувофиқ ва маъқул келганидан, юқоридаги гўзал тасвири маҳорат билан яратолган.

Феруз ғазалиётининг ажойиб хусусиятларидан бири шуки, унда "саволу жавоби ошиқ ва маъшуқ" услубидаги ғазаллар кўп. Бу услубдаги ғазаллар Хева адабий муҳитида Муҳаммадризо Огаҳий девонида асосий ўрин тутар эди. Феруз ушбу услубни устози Огаҳийга муҳаббатдан орттирди. Мана, шу услубдаги бир ғазал:

Кулуб леги манга бу кеча дилдор:
"Бўлубмусан манга асру гирифтор?"

Дедимки: "Ошиқи зорингман, орс,
Нестайким, васлинга йўл ермас агёр.

Санга агёр ҳамдам бўлса бир дам,
Менинг бағрим бўлур афғору афғор.

Бу ҳолимни кўриб, қилғил тараҳҳум,
Бўлубман дарди ишқингдин басе зор..."

Табассум бирла дур сочиб сўзидин,
Дедиким: "Не гараз бу сўздин, эй ёр?"

Дедим: "Лаълингдин этгил бўса эҳсон",
Деди: "Бу нуқта бордур асру душвор".

Кўруб ул дамда беҳад изтиробим,
Деди: "Феруз, бўлгум санга ғамхор".

Бу ихчам руҳбоб ҳикоят тарзидаги воқсабанд ғазалдир. Унда ошиқ ва маъшуқ мулоқоти ҳамда ширин суҳбатининг изчил тасвири мужассамлаштирилган. Ғазал мундарижаси уч босқичдан иборат. Биринчи босқичда маъшуқа ошиқдан раҳм-шавқат юзасидан ҳол-аҳвол сўрайди. Иккинчи босқичда ошиқ маъшуқа ҳажридаги, агёр рақобатидаги зору ночор аҳволини шарҳлайди. Ўзининг вафо-садоқатини изҳору исбот этади. Учинчи босқичда маъшуқа ошиқнинг изтиробларини тушунади, унинг фидойилигига ишонади ва ғамхўрлик ваъда этади. Ғазалнинг ғоявий мазмуни самимий муҳаббат соҳиби, музтариб ҳасби ҳолини ёрига тушунтириб, шарҳлаб бера оладиган, садоқатли ошиқ вафога муяссар бўлади, деган мантиқий хулосани таъминлайди. Ғазалларда оддий, лекин мафтункор тасвир лавҳалари кўп.

Кун уётдин айлади ўзни шафақ ичра ниҳон,
Кўрди гулгун тўн аро оташин рухсорингиз.

Ушбу байт замирида гўзал тасвир яширинган. Бир қарашда, гўё қуёш манзур жамоли олдида уятли бўлиб қолгани тасвирлангандек. Синчиклаб разм солинса, бу фикр бир баҳона, бадий воситадек бўлиб, байт бағрида ҳайратомуз қиёсий манзара мужассам. Шоир гулранг либосга бурканган оташдек қизгин, қизил, тафтли чехрали гўзални қип-қизил шафақ ичра беркинган офтобга муқояса этган. Шу тариқа, офтобни уялтирган офтобжамол тасвири яратилган.

Феруз назми мазмун ва шакл хусусиятларининг мутаносиблиги, бадий қурилма етуклиги билан дилбар шеъриятдир. Шарқ мумтоз шеъриятидаги бадий санъатлар Феруз назмида ҳам муҳим бадий хизмат бажарган. Феруз ғазаллари бадий қурилмасининг мустақкам, ихчам, лўнда бўлишида радд ул-матла санъатининг алоҳида ўрни бор. Ушбу санъат қўлланган ғазаллардан бирининг бошланмаси қуйидагича:

Ёраб, ўлгайму муяссар манга жонон ила базм,
Сочи сунбул, юзи гул, лаблари хандон ила базм.

Шоирнинг фалакдан шикоят қилиб ёзган "Эй фалак, нетдим сана, душманлик изҳор айладинг", сабога мурожаат тарзида битган "Эй сабо, бергил хабар, ороми жоним қайдалур" ғазаллари ҳам шундай бадий қурилмага эга.

Мана бу етук ишқий-фалсафий ғазалнинг бадий қурилмаси ниҳоятда ўзига хосдир:

Нечук офат эдинг, эй сарвиқомат,
Бошимга солди ишқинг юз қиёмат.

Қиёмат шўришин жаҳонга солдинг,
Жаҳондин мунъадам бўлди фароғат.

Фароғат истаган чиқсун жаҳондин,
Топилмасдур тирикликда саломат.

Саломат аҳли бошига фалакдин
Даме тинмай ёғар санги маломат.

Маломат тошидин озордадурлар
Бу кўҳна дайрда аҳли фаросат

Фаросат хайлининг олдида букул
Бошинга солмайин чини маломат.

Маломат чекмайин десанг жаҳонда,
Худонинг берганига қил қаноат.

Қаноат бирла сабр ўлса санга иш,
Ҳар ишда қилмагунг харгиз надомат.

Надомат бирла умрим ўтди, ёраб,
Етур тонгла расулингдин шафоат.

Шафоат жомидин саршор қилгил
Ҳазин Ферузни, шоҳи рисолат.

Бу, мазмун — моҳиятига кўра, панднома руҳидаги ғазалдир. Асар бадиий қурилмаси — композицион хусусиятларига кўра, мусалсал ғазал даражасида сайқал топган. Ғазал мавзу кўламининг кенглиги, таҳлил этилаётган фалсафий-ахлоқий муаммоларнинг салмоқдорлиги ва ранг-баранглиги бадиий шаклни занжирдай мустаҳкам ишлашни талаб этарди. Акс ҳолда, мундарижа пароканда тузилишга эга бўлиб қолиши мумкин эди. Шунинг учун шоир Шайхзода таъбиридаги байтларни фикран, маънан ва суратан боғлаш санъатини қўллаган.

Бутун ғазал мобайнида ижтимоий муаммолар бадиий таҳлил этилсада, ғазал маъшуқи мутлаққа мурожаат ва ишқий кечинма изҳоридан бошланади. Бу анъанавий ҳол бўлиб, ғазалиётда ошиқнинг қисмати ва барча саргузаштлари илоҳий ишққа боғлаб талқин этилади. Гўёки, сарвиқомат манзур шундай офатижонки, унинг ишқи ошиқ бошига юз қиёмат кунини солади. Барча фожиа шундан келиб чиқиб ривожланади. Муаммо сатрдан сатрга ўткирлашади. Сўз — образлар сатрларни занжирдай боғлаб боради. Биринчи байт "қиёмат" билан тугалланган бўлса, иккинчи байт "қиёмат" билан бошланади. Маъшуқа ошиқ бошига юз қиёмат солган бўлса, энди бу қиёмат ошиқ қисмати орқали жаҳонга шўриш солади. Қиёмат ўз офати билан жаҳонни ларзага келтириб, ундаги роҳат-фароғатга барҳам беради. "Фароғат" сўз — образи иккинчи байтга учинчи байтни боғлайди. Фароғат истаган киши жаҳонни тарк этмоғи лозим. Чунки фароғатсиз жаҳонда саломатлик топилмайди. Ижтимоий иллатлар бири биридан келиб чиқавериб, улар ҳам ғазалнинг силсилавийлигини таъминлаб боради. Жамият шундай адолатсизки, маънавий соғлом кишилар бошига тинимсиз маломат тошлари ёғилиб туради. Биз Абдулла Орипов шеърини орқали ошно бўлганимиз "санги маломат" — "маломат тоши" образининг Феруз ғазалиётида ишланганлигини кузатиш нақадар мароқли. Маломат тошидан бу кўҳна дунёда фаросат аҳли озор топадилар. Шу ўринда ғазал мундарижаси ижтимоий муаммоларнинг фалсафий талқинидан панд-насиҳат йўсинига кўчади. Шоир сабоқ беради: малоллик ташвишига қолмайин десанг, фаросат аҳли олдида ҳурмат сақла. Жаҳонда маломат чекмайин десанг, Худонинг берганига қаноат қил. Қаноат ва сабр

йўлини тутсанг, ҳеч бир ишда афсус-надомат чекмайсан. Булар комил мусулмон бўлишнинг асосий шарт фазилатларидир. Бу фазилатлардан ким — донишманд бир подшоҳ сабоқ берапти. У сабоқ берибгина қўяқолмай, умрим надомат билан ўтди дея тавба-тазарру қиляпти, рози-ризалик сўраяпти. Ҳазал давомида мундарижа маърифий томонга силжиган бўлса-да, бадий қурилма бузилмади. Сатрларни боғлаб борувчи сўз — образлар ғазал сўнгигача изчил сақланади.

ТУРФА АДАБИЙ ЖАНРЛАР ҚАЛАМРАВИДАГИ ҚАЛАМЗАНЛИК

Қаламрав деганда, бирор подшоҳ қўл остидаги мамлакат майдони тушунилади. Феруз подшоҳ бўлиш билан бирга, истеъдодли шоир ҳам эди. Демак, адабиёт мулкининг турли жанрлари ҳудудлари ҳам унинг тасарруфида бўлган. Шу боисдан, у адабиётнинг кенг майдонида эркин қаламзанлик қилган.

Ферузнинг рубоий жанрида яратган асарлари асосан, ишқ мавзунинг бадий талқинига бағишланган. Рубоийларда маҳбуба ишқи билан ўртаниш, унга фидойилик, садоқат, висолга интиқлик туйғулари тараннум этилади:

Эй шўҳ, тараҳҳум айлаким, зорингман,
Жону дилу дин ила гирифторингман.
Гар васлингга айласанг баҳо жон нақдин,
Юз жон эса ҳам, бериб харидорингман.

Лирик қаҳрамон орзуланган маҳбубанинггина васлига ташна. Унинг унси ва суҳбатигина ошиқ дардига таскин бера олади:

Гар дилбарим ўлмаса манга ҳамсуҳбат,
Найлай эса юз ҳуриқо ҳамсуҳбат.
Ул шўҳ агар анисим ўлмас эрса,
Даркор эмас ушбу даҳр аро ҳамсуҳбат.

Бундай рубоийлар лирик қаҳрамон пок ва садоқатли севги соҳиби эканлигидан далолат беради.

Шоир мусаддаслари ҳам муҳаббатнинг маҳзун кечинмаларини, лирик қаҳрамоннинг руҳий аҳволини шарҳлашга қаратилган. Уларнинг бадий тасвир хусусиятлари анъанавийдир.

Токи ул шўҳ ғами ишқиға дучор ўлдум,
Дамбадам дарди бало хайли била ёр ўлдум,
Кокили домиға побаста гирифтор ўлдум,
Талаби васлида Феруз киби зор ўлдум,
Ваҳки, ул меҳрлиқо нозу адосини кўрунг,
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Мусаддаслар гарчи анъанавий шакл ва мазмунда битилган бўлса-да, улар бугунги китобхон учун маънавий-маърифий моҳияти билан аҳамиятлидир.

Феруз ўз қаламининг қудратини маснавийнавислик майдонида ҳам синаб кўрган сўз санъаткори. Манбаларда унинг тўрт маснавийси мавжуд. Улар кичик ҳажмли асарлар бўлиб, эпик кўлам касб этмаган. Лекин маснавийлар услубининг енгил ва раволиги Феруз эпик кўламдаги йирик асарлар ҳам яратиш қобилиятига эга бўлганлигини кўрсатади.

Биринчи маснавий диний-тасаввуфий руҳдаги асар бўлиб, у 116 байтдан иборат. Асар Тангри-таолога ҳамд, пайгамбар ва унинг чаҳорёрларига саловат билан бошланиб, ишқий изҳор, дарди ҳол тасвири билан тугалланади.

Иккинчи маснавий ишқий мавзуида битилган бўлиб, у 131 байтдан ташкил топган. Асардан ошиқнинг маъшуқа билан хаёлий мулоқоти, шарҳи ҳол ва таърифу тавсиф билан йўғирилган суҳбати катта ўрин эгаллаган. Маснавийнинг сўнги саҳифалари Ферузнинг маъшуқа ва чархга мурожаатан ижтимоий дард-кечинмалари ифодаси билан тугалланган.

Учинчи маснавий ишқий-интим руҳдаги манзумадир. Унинг ҳажми 77 байт. Феруз маснавийларида қадимий номаларимиздаги сингари маъшуқага саломномалар йўллаш хусусияти бор. Жумладан, ушбу маснавийдаги саломноманинг дилбар сатрлари қуйидагича:

Булардин сўнгра, эй сарви гуландом,
Санга бўлсун саломим субҳ ила шом.

Салом, эй дилрабои ҳур тимсол,
Салом, эй маҳлиқойи Фаррух иқбол.

Салом, эй дилрабо, покиза анвор,
Салом, эй гулузори сарврафтор.

Салом, эй гавҳари кони сабоҳат,
Салом, эй дурри дарёи саодат.

Салом, эй хўблиқ бўстонида вард,
Салом, эй ҳусн иқлими аро фард...

Умуман, маснавий мароқли ёзилган. У бир кўнгилининг муҳаббат тарихи, ишқий саргузаштларидек таассурот қолдиради.

Тўртинчи маснавий муножат руҳидаги асар бўлиб, у 29 байтдан иборатдир. Унда мутассаввуф шоирнинг тавба мақомидаги кечинмалари ифодаланган. Шоир гуноҳларига иқроп бўлиб, тавба-тазарру сўзлари билан Тангрига илтижо қилади:

Дарёйи гуноҳга ўзи солиб,
Ғарқоби жаҳолат ичра қолиб.

Бўлмишмен асири нафси шайтон,
Жумру гунаҳимга йўқ ҳаду сон.

Тоатда агарчи нотавонмен,
Айларда гуноҳ паҳлавонмен.

Мен худ бу сифатмен асру гумроҳ,
Ҳолимдин ўзинг эрусан огоҳ.

Раҳм айла бу навъ ҳолатимга,
Чоҳи ғам аро малолатимга.

Кўб манда агарчи жумри исён,
Жўшон санга лек баҳри гуфрон.

Сансан ики кави аро паноҳим,
Раҳм айлабон авф қил гуноҳим.

Кўнглум уйин айлагил саросар,
Тавҳид чароғидин мунаввар.

Тоатда қадимни айлагил хам,
Лутфинг манга ҳаргиз этмагил кам.

Ман зорга тавбае ато қил,
Файзингга замирим ошно қил.

Ушбу сатрлар шоҳ, шоирнинг тавба мақомидаги риёзатлари, бу дунёда орттирган гуноҳларидан покланиш жараёнларининг нафис бадий ифодасидир. Ҳокисор шоирнинг тавба-газарулари, нолаю илтижолари ҳақ-гаоло даргоҳида қабул бўлгандирки, бугун унинг шахси, хизматлари, ижоди яна рўшноликка чиқди.

Таваллудига 150 йил тўлиб турган чоғда, Феруз сиймоси ва ижодиётининг иккинчи умри йўлларини ҳур Ўзбекистон истиқлоли нурлари ёритди. Иншоолло, Феруз ижодиётини ёритиб тадқиқотлар яратадиган, уни ўрта ва олий мактаблар таҳсили жараёнида ўрганадиган ҳурфикр замонлар келди.

"ҒАЗАЛИЁТИ ФЕРУЗ"НИ ЎҚИБ

Феруз ижодининг намуналарини "Ғазалиёти Феруз", "Девони Феруз", "Мажмуат уш шуаро" ва бошқа бир қанча тазкира, баёзларда учратамиз. Яқинда адабиётшунос Гулсара Исмоилова томонидан шоир ғазаллари нашр этилганлиги ҳамда вақтли матбуот саҳифаларида Феруз шеърларидан намуналар эълон қилингани туфайли шоир ижоди билан танишиш учун имконият яратилмоқда. Шу нуқтаи

назардан Феруз назми ҳақида баҳоли қудрат баъзи мулоҳазаларни айтмоқ иштиёқи туғилди. Қўлимиздаги "Ғазалиёти Феруз"нинг биринчи ва иккинчи варақлари номаълум сабабларга биноан йўқолган. Бундан ташқари, китобнинг охириги варақлари ҳамда 17, 18, 19, 20-нинг ғазаллари йўқолган. Падари бузрукворимиз Раҳим Назарийнинг шахсий кутубхонасидан бизга ёдгор бўлиб қолган ушбу мажмуада шоирнинг 101 ғазали, олтига мухаммаси, тўртта маснавийси, битта мусаддас, бешта рубойиси жамланган. Шоир ўз асарларига Феруз таҳаллусидан ташқари "Ферузбахт", "Камрон" ва "Комкор" таҳаллусларини қўйган. Бу сўзлар маъно жиҳатдан "бахт", "бахтли", "мақсадга эришган", "ҳукмдор", "султон" маъноларини англатади.

Феруз ғазаллари ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг мумтоз адабиётимиздаги анъанавийлик, издошлик масалаларига алоҳида эътибор берганлигини кўраемиз. Шоир ўзининг бир ғазалида форс-тожик, ҳинд, озарбайжон, туркман ва бошқа адабиётнинг улур намояндалари қатори ўз замонасининг етук ижодкорлари номларини ҳам ҳурмат билан тилга олади.

Лаъли ширинингни таъриф айлаб бўлмиш шаҳу ком,
Анварий, Фазлий ва Ҳоқоний ҳинду мудом.

Чашми фаттонингга наргисни нечун ташна этдинг,
Соҳибу Бедил, Ҳилолий, Ҳофизу ширин калом.

Вох, не янглиғ шарҳ қилгай оразинг тавсифини,
Ансорий даври мавсумида Фаррухдек Саъдий кўп эҳтимом.

Кўрса ҳуснинг Лайлию Ширинни васфин этмас эди,
Хисравий ҳам Навоий, Жомий ва Шайху Низом.

Ўхшатиб бўлмас янги ойга инжу қошларинг,
Сайидо, Дилнавозим ва Лутфу созим.

Сарвиосо қоматинг васфин қилурда лол ўлур.
Андалибу Равнақий, Зийрақий ширин калом.

Атлагилки, Комило, Феруз, Холис, Чоқаринг,
Рожий, Меърож ул Комил, Мунису Хокий, Фулом.

Мана шу ғазалдан ҳам кўринадики, Феруз жуда кўп шоирлар ижоди билан яхши таниш бўлган комил ва фозил инсон эди. Шоир бир ғазалида ўзининг устози Огаҳий эканлигини қайд этади:

Комил эрсам назм аро Феруздек, эрмас ажаб,
Огаҳийдур шеър машқ айларда устодим менинг.

Шоир баъзан мағрурланиб, гарро ғазаллар ёзишга қодир эканлигини айтиб ҳам қўяди:

Солай шўри гавго жаҳон аҳлига,
На Румни, на Рус қолсун, на Фаранг
Билогон ишқ куйи сари,
Эрурман шери гаррои паланг.

Тўғри, Феруз умумбашарий характерга эга бўлган ишқ ва ишқий кайфиятлар, инсон ва инсонийлик, адолат ва сахийлик ҳақида сўз юритади. У ўз шеърларида инсоннинг олижаноб фазилатлари бўлмиш ишқ ва ишқий кечинмаларини қаламга олади. Бунини у энг аввало ўзидан олдин ўтган салафлари анъаналарини давом эттириб, ошиқ ва маъшуқанинг турли ҳолатларини, ошиқнинг садоқатию маъшуқанинг зулмкорлигини, ҳижрон машаққатию висолнинг хурсандчилигини бадиият қонунлари даражасида тасвирлашга ҳаракат қилади. Чунки шоир ғазалларидаги ошиқ ҳам, маъшуқ ҳам инсон фарзандларидир. Шунинг учун Феруз маъшуқа тимсолини тасвирлашда унинг қошу кўзи, сарв қомати, моҳдек юзи, сунбул сочи, ишқилиб бутун гўзаллигини тасвирлашга ҳаракат этади:

Юз очиб, гар этса ул шўх ошкоро ҳуснини.
Кўргач ҳар киши бўлгай Мажнунни шайдо ҳуснини.

Зарра янглиг олдида кун зоҳир айлар изтироб,
Ногаҳон гар кўрса ул хуршедсиймо ҳуснини.

Сабр айла, тоқат кўнгил мулкидин бўлмасдур пари,
Қилғали кўз ҳар нарса онинг томоша ҳуснини.

Ё малак, ёҳуд пари, ҳусн ичра мананди эмас,
Ким они ҳақ айламиш оламда якто ҳуснини.

Шоир "Ихтиёримни" радифли ғазалида ошиқни ҳижрон азобиға солган ёр тўғрисида ёзаркан, лирик қаҳрамоннинг ички туйғуси ва орзуларини шу қадар маҳорат билан тасвирлайдики, натижада, ошиқ ўз ёрига етиш учун ҳар қандай қийинчиликларни енгишга тайёр эканлигини изҳор этади:

Қилиб ноз олдинг, эй маҳбуб, орому қароримни,
Не орому қарорим, балки ақлу ихтиёримни.

Йўқ оғзингдин такаллум мавжини зоҳир қилиб ҳар дам,
Адам тўфонига бердинг ниҳону ошкоримни.

Нечук бераҳм эрурлар бу икки қотил кўзунг, эй шўх,
Ки қилмишлар ҳадаф мужгон ўқиға жисму зоримни.

Умуман, Ферузнинг севги ҳақидаги тушунчалари ҳаётий майллардан иборат эди. Шунинг учун у инсоний севгини қадрлашга, пок севги олийжаноб хислатларга эга эканлигини тараннум этишга ҳаракат қилди ва том маънода бунга эришди ҳам.

Феруз ижодида мухаммас алоҳида ўрин тутади. Шоир Навоий, Оғаҳий каби улуғ санъаткорлар қатори замонасининг Содиқ, Ожиз каби шоирларнинг ғазалларига ҳам мухаммаслар боғлаган. Бу билан у ўзининг анча маҳорат эгаси эканлигини намойиш қила олади. У устози Оғаҳийнинг:

Ваҳ, не балодур, билмадим эй дилрабо қошу кўзинг,
Ким, бир назарда солди ўт жоним аро қошу кўзинг,—

матлаъли ғазалига ўзининг бир мухаммасини боғладики, бу билан устози даражасида ижод қилишга майли бор эканлиги сезилади. Шоир мазкур мухаммасида ёр тимсоли орқали ҳаётда кишига бир марта бериладиган муҳаббат изтиробларини ҳам, ёрнинг ташқи қиёфасидаги гўзаллигини ҳам ва улар ўртасида турган манфаатпараст рақиб тимсолини тасвирлашга ҳаракат қилади:

Бир жилва гар бўлғоч, кўзим лаълида то қошу кўзинг,
Фаҳму жазони айлади, мендин жудо қошу кўзинг.
Жонимни олди айлабон, мендин жудо қошу кўзинг,
Ваҳ, не боладур, билмадим эй дилрабо қошу кўзинг,
Ким, бир назарда солди ўт жоним аро қошу кўзинг.

Шоир ўз мухаммасида анъанавий тасвирий ибора ва ифодаларга кенг ўрин беради. Ошиқ чеккан аламлар муҳаббат мадҳияси сингари шуграб, инсон қалбини ларзага солади:

Боққач кўз ила қошинга бўлдим асир, эй хушлаб,
Жоним ёқарга ишқ ўқи қошу кўзинг бўлди талаб,
Эмди фиғонлар айлабон ҳижронинг ичра рўзи шаб,
Қошу кўзинг бедодидин айласам эрмас ажаб,
Ким, не жафолар қилмади, охир менга қошу кўзинг.

Китобда шоир мусаддаслари сон жиҳатдан унчалик кўп бўлмасада, лекин уларнинг мавзуи, баён қилинаётган фикрнинг маҳорат билан чизилиши жиҳатидан ажралиб туради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, узоқ турихга эга бўлган мумтоз шеъриятимизда гўзал ёр тимсолидаги киприкни — ўққа, қадни — сарвга, тишни — инжуга, юзни — ойга, кўзни — оҳуга ўхшатиш одат тусига кирган. Мана шу ҳолат Ферузнинг қуйидаги мусаддасида ҳам кўзга ташланади. Мусаддас эрта тонгдаги гўзал боғ тасвири билан бошланиб, ана шу боғда сайр этиб юрган дилдорга бўлган муҳаббат тараннум этилади:

Субҳқим ул сарви гулру сайри гулзор айлади,
Сарви гулга қадди рухсорин номурод айлади,
Сарви қаддига эгиб бош қуллуқ изҳор айлади,
Гул юзин суртиб оёқиға ўзини хор айлади,
Рашки тиғи жон ила кўнглимни афғор айлади,
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади.

Ошиқ ўз ёрини жон-дилидан севади, ҳатто унинг васлига етиш
ийўлида ўзини фидо қилишга ҳам тайёр. Аммо ёр унга илтифот
кўрсатиш, унга раҳм қилиш ўрнига ағёрга меҳр-муҳаббат инъом
этиб бевафолик қилиб, зулм-ситам кўрсатади:

Ҳар нафас қилгон наззора ул қуёш рухсорига,
Жону кўнглим қолди ишқ ранжидин озорига,
Айласам жоним фидо боқмай мени беморига,
Ҳар нафасда кўргузар юз илтифот ағёрига,
Айламас бир раҳм зоҳирин ман гарибу зорига,
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мени зор айлади.

Севги, маҳбуб масаласи Феруз дунёқарашидаги жуда катта
аҳамиятга эга бўлган мураккаб масалалардан биридир. Феруз
ижодиётида Навоий ва Огаҳий шеърятларидаги каби бош масала
инсон ва унинг тақдири, бахти ва саодати масаласи ҳисобланади.
Феруз инсонни жуда олий мавжудот деб билади. У дунёнинг пайдо
бўлишидан асосий мақсад инсон эканлигини, ҳамма нарсалар ана
шу инсонга хизмат қилиши лозимлигини айтиб, ҳатто пайғамбаримиз
ҳам шунга хизмат қилганини таъкидлайди:

Яратди тўққиз ҳарфни мустадир,
Бировни шоҳ этди, бировни вазир.

Жаҳондорлардурур ҳамин бандаси,
Сарафрозлардурур сарафкандаси.

Бировга бериб ҳусн бениҳоя,
Бировни қилиб ишқ ила мубтало.

Бировни қилиб ошиқи покбоз,
Анга кўргузиб ёри ожизу ниёз.

Бўлиб бир-бирига баче меҳрибон,
Қилиб дўстлик ошқору ниҳон.

Маълумки, ишқ ўзига хос хислат ва ҳулқларга эгадир. Улардан
бири вафодир. Феруз вафо масаласига жуда чуқур ёндашади. У буни
фақат ошиқ ва маъшуқа ўртасидаги муносабат деб эмас, балки
умуминсоний масала деб қараб, жуда қадим тарихга эга эканлигини
кўрсатади:

Бевафодур бу жаҳон раъноси билло, эй кўнгул,
Кўрган эрмасдур бурунгилар вафо давронидир.

Феруз даврига келиб, бу вафо ўрнига жафо тарзида такрорланади.
Ким вафодор бўлса у жафо кўради:

Қилиб ман зорга ношнолиғ,
Вафо ўрнига қилдинг бевафолиғ.

Феруз тамаъгирликни қоралайди. Унинг фикрига кўра кимки
тамаъгир бўлса, элга кўпдан кўп зарар келтиради:

Тамаъ қилма даҳр ичра дундин,
Тамаъдин бордурур элга номус нанг.

Тавозени айла ўзинга шиор,
Ҳаво бирла нафсингни берма маланг.

Феруз девонидаги тўртта маснавийдан иккитаси диний йўналишда
бўлиб, улар худога, пайғамбарларга мурожаат тарзида ёзилган.
Уларда дин, иймон, инсонга бўлган ҳурмат, одамгарчилик каби
муҳим масалалар қаламга олинган, қолган иккита маснавий шарқ
шеърятининг энг қадимий мавзулари бўлмиш муҳаббат ҳақида баҳс
этади.

Тадриж санъати асосида яратилган қуйидаги маснавийда воқеалар
сатр сайин ривожланиб боради. Маснавий шоирнинг соқийга
мурожаати билан бошланади:

Соқийе тут манго карам жомин,
Тўлдириб васл рохи гулпомин.

Ранги бўлсин ақиқдин рангин,
Таъми оби ҳаётдин ширин.

Жон топиб лаззатдин онинг кучи,
Дилкушо бўлсин айлагим ёқут.

Май демай они шарбати жондай,
Шарбати жон на лаъли ҳамондай.

Лаболаб айлай они пайдар пай,
Ҳарза чиқсун бошимга базмаро май,

Феруз маснавийлари инсонпарварлик ғоялари ва ҳаётбахш туй-
ғулар билан йўғрилган. Унда ҳаётнинг яхши неъматларидан баҳра-
манд бўлишга чақирқиқ руҳи кўриниб туради:

Ёрима бахтдек бўлиб ҳамдам,
Доим иқболдек эдим маҳрам.
Кўнглим обрўйи висолидин гулшан,
Кўзим эрди жамолидин равшан.

Шоир гўзал ёр қиёфасини ҳаётий ташбехлар орқали тасвирлайди:

Анбари холини кўриб ҳар ён,
Соғинур эрдим ани нуқтаи жон.

Тишин инжу хаёл этар эрдим,
Лабини фахми бол этар эрдим.

Оғзиким бор эди хат ичра ниҳон,
Зулмат ичра чу чашмаи ҳайвон.

Гоҳ зоҳир тақаллум айлар эрди,
Гоҳ ниҳон табассум айлар эрди.

Маснавийларнинг композицион гўзаллигини орттириб кўрсатувчи усуллардан бири интонациядан унумли фойдаланишдир. Бунда муаллиф радиф, такрор ва бошқа тасвирий воситаларни кўпроқ ишлатади. Қуйидаги мисралар бунга мисол бўла олади:

Салом, эй дилбари ҳайю ҳури тимсол!
Салом, эй маҳлиқойи Фаррух иқбол!

Салом, эй дилбари покиза анвор!
Салом, эй гулзори сарви рафтор!

Салом, эй гавҳари кони сабоҳат!
Салом, эй дурри дарёи саодат!

Салом, эй хўблиқ бўстонида вард!
Салом, эй ҳусн иқлими аро дард!

133 байтдан иборат мазкур маснавий тугал мазмунли ва аниқ гоъвий йўналишга эга бўлган асар бўлиб, мумтоз адабиётимиз намунаси сифатида ардоқланарлидир.

Шоир Феруз шеърятида лирик қаҳрамон тилидан ўз ҳаёти ва фаолиятига оид мисралар оз эмас. Маълумки, шоир умрининг сўнгги йилларида оғир дардга чалиниб қолади. Бедаво фалаж шоирни ҳолдан тойдириб, тўшакка ётқизиб қўяди. Бу ҳолат узоқ муддат давлат бошлиғи бўлган шоирни ғам-аламга дучор қилиб, чексиз оҳу-фиғон чекишга мажбур қилиши табиийдир:

На оёқда юрарга мажолим бор,
Сабр этиб ўлтирурга не ҳолим бор.

Ёки:

Менинг ҳолимни дердек бир киши йўқ,
Фигон чекмакдин ўзга варзишим йўқ.

Менинг ҳолим худ ушбудир эшитгил,
Ўқиб номам гамимнинг кўплитин бил.

Ёки бўлмаса:

Оёғимдан кетиб эмди мажолим,
Юрарга қолмашидир ҳеч мажолим.

Қилиб эмди қоронғу уйни маскан,
Тузуб Мажнундек ўз ҳолимга шобун.

Феруз бадийий ижодда Алишер Навоий ва Огаҳийлар изидан бориб, шеърый санъатнинг деярли ҳамма намуналаридан, жумладан: талмеҳ, тарсеъ, таржеъ, тазод, тазмин, тасмит, ихом, ирсол, лафу нашр мутаносиб ва бошқалардан унумли фойдаланди.

Такрор санъати:

Қилурман ютиб шавқи лаълингда қон,
Фигону фиғону фиғону фиғон.

Мазкур ғазалнинг кейинги байтларида "ниҳон", "жаҳон", "омон", "камон", "хазон", "макон" сўзлари такрорланиб маъшуқанинг бутун қиёфаси чиройли қилиб тасвирланади. Шоир шеърларида савол-жавоб кўп учрайди.

Дедим: кўзимни равшан эт меҳри жамолинг кўрсатиб,
Деди: узоринг ўтига жонинг етушсин ўртаниб.

Ёки бўлмаса:

Дер эдим: кокилингмудир чунон,
Дер эди: ганжу ҳусним узра илон.

Дер эдим: юз узра гушибми нукта,
Дер эди: хол эрур сўз дема ғалат.

Феруз шеърларида халқ тилига, унинг урфу одатларига алоҳида эътибор берилган. У ҳиқматли сўзлар, халқ мақоллари ва ибораларидан кўплаб фойдаланиб, бадийийликнинг барча имкониятларини кўрсатишга ҳаракат этади. Масалан:

Ишқ бир ўтдурур, нечунким барқ,
Айламас шоҳ била гадони фарқ.

Бу мисраларга изоҳ талаб қилинмаса керак.

Ёки бўлмаса:

Бошинга не келганин аён,
Қисмати Ҳақдин қилма гумон.

Диққат қилинг:

Яратди Ҳақ ани айлаб муқаррам,
Туфайли бирла ўн саккиз минг олам.

Шоир сўз, тил, адабиёт, тарих ҳақидаги ўз шеърларида Навоий, Фузулий, Огаҳий каби устозларга эргашиб муҳим фикрларни айтишга ҳаракат қилади, бунга эришади ҳам. Шундай бўлсада ўқишни ўзининг бирдан бир иши деб билади:

Ўтлиг абётлар ўқиб, ман зор,
Чиқариб кўкка оҳу ашғор.

Шундай қилиб Феруз ўз китобида ўзбек мумтоз адабиётидаги тур ва жанрларда баракали ижод этди. Феруз кўп масалаларда ўз давридаги илғор инсонлар фикрининг жуда баланд юксакликларига кўтарила олди. Ўзининг иши, хулқи ва инсоний хислатлари билан сарой ва унинг атрофидаги ижодкорларга намуна бўла олди. Шунинг учун у ҳар қанча ардоқлашга лойиқдир.

АВЛОДЛАРДАН МУНГЛИ МУЖДАЛАР

МУШТИПАР ҚАЛЪ ИЛТИЖОСИ

Биз Феруз ҳақидаги биринчи китобни чоп қилдириш ҳаракати билан Тошкентда бўлган кунларимиздан бирида шогирдимиз Азимбек Усмонов билан учрашиб қолдик. Унинг ёнида истеъдодли шоир Сирожиддин Сайид, журналист Шухрат Жаббор ва бошқалар бор бўлиб, Азимбек "Муштум" ойномасида ишлар эди. Суҳбат пайтида бизнинг нима ишлар билан юрганмизни эшитиб, уйига таклиф этиб, "Онам билан учрашинг, у киши Ферузнинг чевараси, Асфандиёрхоннинг невараси бўладилар", деди.

Саида она бизни жуда хушмуомалалик билан кутиб олди. У анча кексайиб қолган, кўп йиллар мобайнида Хева шаҳридаги Тимирязев номли мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган бу муштипар аёл бошидан анча воқеалар ўтганлиги сезилиб турарди. Суҳбат асносида Саида опа Асфандиёрхоннинг биз кўрмаган суратини, Феруз авлодларига оид бир қанча расмларни ҳамда ўз хотиралари ёзилган бир катта дафтарни ўқиб кўринг, деб бизга тақдим этди. Дафтар қуйидаги сўзлар билан бошланарди:

"Ўғлимнинг илтимосига кўра боболарим ҳақида ота-оналаримдан ва қариндошларимдан эшитганларимни ушбу дафтарга ёздим. Мен тарихга қизиқар эдим. Шунинг учун бирон қариндошимни кўрсам (боболаримни кўрган ҳар бир кекса инсонни кўрсам) доим боболарим ҳақида билганларини айтиб беришни илтимос қилардим. Мен эшитган нарсаларимни иложи борича ўзгартирмай ўз ҳолича дафтарга ёздим.

Мен кейин укаларим, фарзандларим, авлодимиз тарихининг яхши томонларини ҳам ва ёмон томонларини ҳам ўргансинлар, дедим. Менинг билганларимни укаларим билмайди. Чунки улар мендан анча кичиклар.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.
Вале содиқ эрурман бирлигингга,
Таянибман сенинг гофирлиқингга.
Агарчи осийдир ёраб бу банда,
Ўзинг бандам дегил, раббим деганда.
Агар барсано жазо қодир худосан,
Ва агар афв айласанг сан подшосан.
Муҳаммад отли дўстинг ҳурматидин,
Насиб эт охираатнинг роҳатидин.

Сафо ва саломлар қудратлик худога,
Ки иймон келтирибмиз анбиёга.
Умидим кўп эрур андоғ шарафдин,
Юборсанг помамизни ўнг тарафдин.

Муҳаммад Раҳимхоннинг учта ўғли ҳам менинг бобом бўладилар. Булар Иноқ тўра — Муҳаммадиёр тўра, Муҳаммад Юсуф ва Асфандиёр тўралар бўлиб, улар бир-бирлари билан қуда бўлганлар. Муҳаммадиёр тўранинг қизини Муҳаммад Юсуф тўра ўғлига олиб берган. Уларнинг ўғли Матёқуб тўра менинг бобом бўладилар.

МЕН КИМНИНГ БОЛАСИМАН

Бувам хон бўлганлар. Отларини билмайман (Муҳаммад Раҳимхон биринчи-Д.Р.). Ўғли Сайид Муҳаммадхондир. Сайид Муҳаммадхоннинг Бобожон тўра (Муҳаммад Раҳимхон Феруз), Оллаёр тўра, Сайид Ҳомид тўра (Комёб), Тўра Мурод тўра — Муродий, Сайид Аҳмад Тўра (Отажон тўра), Давлатёр тўра каби ўғиллари, Чинижон бика исмли қизи бўлган.

Бобом Муҳаммад Раҳимхони сонийнинг 12 та ўғли бўлган. Лекин кўп фарзандлари чечак касаллиги туфайли вафот этган. Қизи Одилжон бикага ҳам чечак чиққан, аммо у соғ қолган.

Катта бобом Муҳаммад тўрани тахтга даъвогар бўлмасин деб уй қамоғида қўядилар. Аммо ҳар кунги овқатини олиб келиб берадилар. Оналари ҳам ёнларида бўладилар. Оналари ҳар куни овқатнинг масаллиғидан ва ўтиндан орттириб қўяр эканлар. Бир куни Сайид Муҳаммад Тўра кечаси оналарига "этим увишиб турибди, бир озгина ўтин ёқиб беринг", дейди. Оналари: "бир марта ёқишга етарли ўтин бор, эртага ёқармиз", дейди. Уч-тўрт кундан бери она-боладан ҳеч ким хабар олмайди. Қаттиқ совуқ бўлиб уйлар совиб кетади. Саид Муҳаммад тўра: "Эртага худо раззоқ, мен касал бўлиб турибман, ўтиннинг ярмини ёқсангиз ҳам бўлади"— дейди. Шундан сўнг оналари ўтиннинг ярмини ёқиб уйни исптадилар. Ўтга исиниб

ўтирган пайтларида дарвоза зарб билан қоқилади. Оналари буни кўриб тўрани эшикка чиқармай ўзлари чиқади.

— "Бикам, Сайид Муҳаммад тўрани чақиринг, уни хон қилиб тикламоқчимиз, амакиси ўлди",— дейди чопарлар.

Оналари боламни ўлдирадидилар, юбормайман, деганига қарамай ўғилларини олиб чиқиб кетадилар.

Эртасига эрталаб жарчилар "Давр-даври Саид Муҳаммадхоннинг даври!"— деб бутун хонликка жар соладилар.

Саид Муҳаммадхон бобомиз ўлганларидан кейин бобомиз Муҳаммад Раҳимхон тахтга чиққанлар. Буларнинг ҳам тўртта хотини бўлган. Бир хотин ўлса унинг ўрнига хотин олиш қонун бўлган.

Феруз 17 ёшларига етганда биринчи хотини Биби Робияга уйланган. Бунинг сабаби қуйидагича. Бобожон тўра ҳажга сафар қилиш тараддудига тушади. Сайид Муҳаммад ўғлига бир неча мулозимларни ҳамроҳ қилиб, Истамбулга қўниб ўтишни, турк султониغا меҳмон бўлишни тайинлайди. Феруз турк султони қабулида бўлади. Ёш шаҳзодани иззат-ҳурмат қилиб меҳмон қилдилар. Ҳаждан қайтишда яна меҳмон бўлиб кетишини тайинлайди, турк султони. Феруз Истамбулга қайтиб келганида турк султони ўз вазирининг қизини унга хотинликка берган. Феруз Хевага қайтиб келгандан кейин турк қизи Биби Робияни тўй-томоша қилиб ўз никоҳига олган. Аммо улардан фарзанд бўлмайди. 30-йилларнинг охирида Биби Робия ўз ватанига жўнаб кетибди.

Кейинги хотинлари Асилпошша бика бўлиб, Иброҳимхўжанинг қизи эканлар. У Ферузга бормайман, деб жанжал қилган. Шунда ҳам қизни мажбурлаб бобомизга берганлар. Ўлгунларича ҳам бувамга бўйин эгган эмаслар. Иккаласи ҳам бир-бирлари билан гап талашиб ўтирар эканлар. Бувимнинг бойлиги бувамнинг бойлигидан кўп экан. Ер, сув мулклари яримчаларнинг қўлида экан...

Хон қозоқдан хотин олмаса бўлмас экан. Учинчи хотинлари Олмақиз момомиз эканлар. Кейинги хотинлари Зиёда бика экан. Ундан кейинги хотинлари Ширин бика (эроний) экан. Кейин Иброҳимхўжа дойимизнинг қизлари вафот этган. Унинг ўрнига Қутлуқ Жамол бика (мирзабошининг қизи)га уйланганлар. Ширин бика ўлгандан кейин Бибижон бикага (Хўжалардан) бобомиз уйланганлар.

Раҳматлик Бибижон момом жуда яхши аёл эдилар. Ўлганимдан кейин мени хон авлоди ёнига қўйинглар, деб васият қилганлар. Энг кичик хотинлари шу киши бўлганлар. Мен Робияжон момомни ҳам Бибижон момомни ҳам биламан. Бувамнинг олти ўғли ичида Иноқ тўра (Муҳаммадиёр тўра) жуда бой бўлганлар.

Иноқ бувамнинг Носир тўра, Абдирасул тўра каби ўғиллари бўлган. Улар дадам Исмоил тўранинг дойиси бўладилар...

Орадан 71 йил ўтгач, Абдирасул тўра Хевага келиб, Наврўз байрамида қатнашиб кетган эдилар. Улар Кривой Рогга борганларидан сўнг қаттиқ қийналибдилар. Апрель ойи эмасми, ҳали бу вақт Украинада анча салқин бўлади. Журналистлар ҳар куни Абдирасул тўранинг уйига бориб, қишки кийимда, ёзги кийимда расмга тушираверибдилар, 4 кун давомида расмга олиш давом этган. 91 ёшга кирган кекса одам эмасми, касал бўлиб тўшакка ётиб қолибди.

Эшитишимизча, хевалик тадбиркор Озод Отажонов Кривой Рогга борса, Абдирасул тўра касал эканлар. Хевадан олиб борилган нонларни кўриб, кўзларидан ёш оқиб: "Хева чўраги", дебди холос.

Шундай қилиб, 1991 йилнинг июнь ойида 71 йил сарсон-саргардонликдан сўнг Абдирасул тўра ибни Муҳаммадиёр тўра ибни Муҳаммад Раҳимхони соний оламдан ўтибди.

Бувамни (Муҳаммад Раҳимхон Ферузани) хон кўтарганлар. Лекин ёшлиги учун дойиси Иброҳимхўжа хонликни ўн йил бошқариб боради. Дойиларининг (Ислом хўжанинг отаси) тўртта ўғли бор экан. Бир ўғли Ҳазораспга ҳоким экан. Яна бир ўғиллари Хонқага ҳоким, яна бир ўғли Исломхўжа хоннинг (Асфандиёрхоннинг) вазири ва қайнотаси экан...

Менинг холам Мадамин хоннинг тўртинчи хотини экан. Мадаминхон мадраса солдириди. Катта минора қурдириб Бухоро амирининг қизини ўғлига келин қилиб оламан, деб орзу қилар экан. Бу келинимнинг келишини минорага чиқиб томоша қиламан, дер экан.

Бирдан ёв босиб келган ва минора қурилиши чала қолган. Мадаминхон урушга кетган. Урушда (Серехо ёнида) Мадаминхон ҳалок бўлади. Унинг калласини найзага илдириб кетадилар. Аскарлар ўз подшоҳларининг ёнига мана хоннинг калласини олиб келдик, деб олиб кирганлар. Подшо Мадаминхоннинг калласини олтин лаганга солдириб, лаган билан бирга ҳурмат-иззат қилиб мазорга кўмдирган. Каллани олиб келган аскарни эса ўлдиришга буюрган.

Хевага Мадаминхоннинг калласиз гавдасини олиб келганлар. Бу воқеани Мадаминхон хотинининг жияни айтиб берган. Халқ бу воқеага атаб қўшиқ ҳам тўқиган:

Мадраса битди минора битмади,
Мадаминхон муродига етмади.

Кўп одамлар минора битмагани хоннинг муроди ҳосил бўлмаганини билдиради, деб айтиб юрадилар. Аслида, хон Бухоро амирининг қизини ўғлига олиб бериб, муродига етмоқчи эди...

Асфандиёрхон Фаррух лақаби билан газал ёзганлар. Бу бувамнинг тушларига бир куни Хоразмшоҳ киради. Катта боғнинг дарвозаси олдида шоҳ гул кўтариб турган эмишлар. Бувам яқинлашиб Хоразмшоҳ олдиларига борсалар у мен сизни кутиб турибман, нимага кечикдингиз,— деб бобомга бир даста гулни берибдилар ва қўлидан ушлаб, боғни сайр этиш учун олиб кетибдилар.

Эрталаб бобом ўринларидан туриб қарасалар, тушлари экан. Арзчилар кутиб қолмасинлар, деб тез-тез нонушта қилиб, саройга чиқиб кетадилар. Арз тамом бўлганидан кейин ер-мулкларини хат қилиб қизларига бергандан кейин қолган бутун нарсаларни ва катта ҳовли, катта боғни тоғам Бобожон тўра номига хат қилиб қолдирадилар. Чунки тоғам 4—5 яшар бир ёлғиз ўғил экан. Хон болам ёш қолди, соқолимдан тўкилган бир тук бўлса ҳам ўғлимга беринглар, деб васият қиладилар ва хатга муҳр бостирадилар. Қозилар нега бундай қияпсиз ҳазратим, деб хондан сўрасалар, хон ўзининг тушини айтади. Шундан кейин туркманлар бувамнинг юрагига пичоқ санчиб ўлдирадилар. Эшши хонни ўлдиришидан 10—15 кун бурун отаси Жунаидхоннинг олдига бориб: Ота Хевага бориб, хонни ўлдириб келаман,— дейди. Отаси рози бўлмайди. У ўз подшосини ўлдириш ёмон бўлади,— дейди. Эшши отасининг узоқроқ жойга кетишини кутиб юради. Бир кун Жунаидхон узоқроқ бир жойга кетади. Қулай пайт келганини билган Эшши бир гуруҳ йигитлари билан Хевага йўл олади ва хонни ўлдириб кетади.

Шу пайт икки туркман келиб дарвоза олдида отдан тушадилар. Отлари тираб кетган экан. Улар Эшши келдими, деб сўрайдилар. Амалдорлар: Ҳозир хонни ўлдириб қочди,— дейдилар. Бу одамларни Жунаидхон юборган бўлиб, Эшшини йўлдан қайтаринг, деб буюрган экан. Афсуски, улар кеч етиб келган эдилар. Хонни Хоразмшоҳ ёнига қўйган эканлар. Кейин Сайид Абдулла хон бўлди. Сўнг шўролар ҳокимияти тузилди.

Уйларимизни ҳар йили 5—6 марта опись қилиб молларимизни олиб кетар эканлар. Бувимни ҳам икки марта қамаганлар. Қизиллар олган тиллаларимиз ҳаммаси эмас, бошқаларини ҳам топиб берасан, деганлар. Тошкентга келгандан кейин тоғам Бобожон тўра институтнинг кечки бўлимида ўқиди. 1938 йилнинг декабрь ойида олиб кетганларидан кейин бир йил ўтгач, бувимни ҳам қамадилар. 1939 йилда 5—6 ой ўтгандан кейин бувимни қамоқдан чиқардилар. Опамнинг бутун тиллаларини (бир қути эди) олдилар. Шундан кейин 1940 йилнинг декабрида бувим касал бўлиб, тоғам учун куйиб ўлдилар. Бувимга 20 йил азоб бердилар. 3 марта қамадилар. Уйларини, мол-дунёсини олдилар. Ҳаммасига чидадилар. Аммо тоғамнинг қамалишини кўтара олмади, бечора бувим. Одамга бундан ортиқ азоб бўлмаса керак. Кўзлари очиқ кетди бувимнинг 25 яшар тоғамнинг жудоликларига чидай олмадилар. Йиғлайверганидан юраклари шишиб кетар эди. Доим уйимизга олиб келиб, овутиб ўтирар эдик. Ҳар куни эрталаб Қоратошдаги ҳовлиларидан бизларнинг ҳовлимизга келиб ўтириб, кечқурун кетар эдилар. Бувим беш вақт намозни қанда қилмай ўқир, Қуръони карим тиловат қилиб ўтирар, анча саводли одам эди, раҳматлик.

УКРАИНАДА ҚОЛГАН ҚАРИНДОШЛАР

Феруз бувамнинг Саид Абдуллахон, Ибодулла тўра каби ўғиллари, Носир тўра исмли невараси, хотин, болалари билан, Абдирасул тўра, украиналик хотини ва қизлари билан Украинада қолиб кетди. Афсуски, Абдирасул тўра 1992 йилнинг ёзида вафот этди. Ўғлим Азимбек, Саидназар тўранинг ўғли Ҳасанбойлар билан Кривой Рогга бориб, қариндошлардан хабар олиб келдилар.

Ферузнинг невараси Саид Ғози тўра Ўшда қолиб кетган.

ТОШКЕНТДАГИ ҚАРИНДОШЛАР

Ферузнинг ўғли Муҳаммадиёр тўра неваралари билан:

1. Матёқуб тўра (вафоти 1939 йил)
2. Ўғилжон бика (учта боласи билан)
3. Султон бика
4. Исмоил тўра

5. Ферузнинг укаси Тўрамурод тўранинг ўғли Ҳожи Муҳаммад тўралар Тошкентга бориб, шу ерда қолиб кетганлар. Бир оила собиқ СССРнинг деярли барча ерларига тарқатиб юборилди. Москва турмалари, Украина қишлоқлари, Ўш шахталари, Тошкент Тош турмаси Хева хонлари авлодлари учун бошпана вазифасини ўтади. Улар қанчадан-қанча сарсон-саргардонликларни бошдан кечирдилар.

Эй ёронлар, кўндур кўнглим армони,
Муродимни бир Оллоҳдан тиларман.

Ҳақ ўзидир барча дарднинг дармони,
Зор йиглаб Раббанодан тиларман.

Ўн саккиз минг олам бирла тоғларни,
Қурт-қумурсқа ҳам булбули зогларни.

Ул яратди оми билан соғларни,
Ғадодирман ўшал шоҳдан тиларман.

8 ЯШАР КУЁВГА 18 ЯШАР КЕЛИН

Ферузнинг Асқар Маҳмуд тўра номли ўғли бўлиб, жуда бой, ср-суви кўп экан. У Муҳаммад Юсуф тўра исмли укаси билан жуда яқин экан. Муҳаммад Юсуф тўра Ферузнинг эроний хотини Ширинбикадан бўлган бола экан. Бу тўранинг бойлиги у қадар эмас. "Қатта Кўрп кўли" Муҳаммад Юсуф тўрага қарар ва унинг рўзгорини шу кўл кўтарар экан. Олинадиган даромад оиланинг ейиш-ичишига ва тўранинг ўйнаб-қулишига ҳам етиб ортар экан. Муҳаммад Юсуф тўра кўлни балиқчиларга бўлиб берган, ҳар йил охирида улар келиб, тўра билан ҳисоб-китоб қилишар ва ундан янги йил учун муҳрланган

хат олиб кетишар экан. Балиқчилар йил давомида катта-катта балиқларни тутсалар, Ферузга ва унинг ўгли Муҳаммад Юсуф тўра хонадонига олиб келадилар, ҳамда шунга яраша инъом олиб кетадилар. Баъзи бир балиқларнинг ичидан қимматбаҳо тошлар ҳам чиқар экан. Бир куни олиб келинган катта лаққа балиқнинг ичидан чиройли Феруза тош чиқибди. Бувам Асфандиёрхон ўгай оналари Олмақиз момога ҳазиллашиб сизга ўхшаган катта экан, деб шу тошга монанд бир узук тузаттирибди ва ўгай онасининг қўлига солибди. Чунки хонни Олмақиз момом тарбиялаган экан. Хоннинг онаси Қутлуг Жамолбика ҳам ўгли қаерга борса шу ерга бориб юрар экан. Асқар Маҳмуд тўра билан Муҳаммад Юсуф тўра бир куни ўзаро маслаҳат қилишади.

— Бир-биримиз билан қуда бўлсак. Мен қизим Асилпошша бикани сенинг неваранг Исмоилжонга бераман, — деган экан Асқар тўра. Шу орада Муҳаммад Юсуф тўра вафот этади. Исмоилжон олти ойлик вақтида етим қолади. Қиз 18 ёшга кирганда Асқар Маҳмуд тўра ваъдага вафо қилай, деб 8 яшар Исмоилжонга катта тўй қилиб қизини узатади. Келин келгандан кейин куёвни унинг ёнига киргизмоқчи бўладилар. Қарасалар куёв йўқ. У болалар билан ўйнаб юрган экан. "Келин келди, келин келди", — деб катта ўйин қилинганда Исмоилжон бошқа жўралар билан югуриб кетган экан. Дойиси Абдирасул тўра зўрга уни топиб келади. У куёвни қўлида кўтариб келади. Келиннинг олдига куёвни киргизмоқчи бўлганларида эёқ тагида қолмасин, деб кўтариб киргизадилар. Кейин янгалар куёвнинг этигини чиқармоқчи бўладилар. Куёв Исмоилжон дойиси Абдирасул тўранинг тиззасида ўтиради. Дойиси этикни тутиб ўтиради. Янгалар этикни тортадилар ва унинг ичидан пуллар чиқади. Кейин белбоғни ечганлар.

Эртаси куни келин саломи бўлади. Келин қайнотаси Матёқуб тўранинг олдига бориб салом берган. Куёв келиннинг этагидан тутиб урган. Чиқиб кетганда ҳам келиннинг этагидан ушлаб чиқиб кетган. Ёни кўриб ҳамма кулишган. Икки йил шундай ўтган. Тўранинг ўлига нима тушса, айбикамга олиб бораман (келинни опаси деб илган) дер экан. Кейин келин касал бўлиб, опасиникига кетиб, тиб қолади. Исмоил тўра тез-тез келинни кўришга борар экан. Келин ўлгандан кейин Исмоил тўра кўп йиғлабди. Олабийим ўлди деб жуда қайғурибди. Биканинг кўп ерларини мадрасага вақф қилиб ерибдилар. Дадам Исмоил тўрага Шоҳимардон ҳовли ва унинг грофидаги ерларни хатлаб берибдилар. Асилпошша биканинг ерлари шундай қилиб дадамга ўтиб қолибди. Асилпошша касал бўлиб ганида Исмоилжон тўрага Ўғилжон бикани (Менинг онамни изоҳ — . И.) олиб беринг деган. Иккаласи бир-бирига жуда лойиқ, ёшлари им бир-бирига жуда мос деб, хўрсинган экан у. Асилпошша

биканинг оналари жуда ўқиган, илмли, фаросатли аёл эдилар. Уни Уллипошша бика дер эдилар. Уллипошша биканинг саъи-ҳаракатлари ва Асилпошша биканинг васиятига кўра Асфандиёр тўранинг қизи Ўғилжон бика Исмоилжон тўрага тўй қилиб олиб берилибди. Раҳматли Уллипошша бика 1945 йилда вафот этди. Исмоилжон ва Ўғилжондан мен, Адилпошша, Ҳалима, Азизалар дунёга келган эканмиз.

Мана ҳозир қизим Назира, ўғлим Азимбеклар билан бахтли ҳаёт кечирмоқдаман. Кўп йиллик хизматларим эвазига нафақа оламан. Назира қизим ҳам Тошкентда, куёвим Ботир таниқли адабиётшунос олим. Невараларим тез-тез ҳолимдан хабар олиб турадилар, деб ҳикоясини тугатди, Саида опа.

БАЁНИЙ НЕВАРАСИ ҲИКОЯТЛАРИДАН

Хоразм тарихи билимдонларидан бири, АҚШдаги Ички Осиё илмий-тадқиқот институтининг директори, профессор Ю. Э. Брегель Баёний ҳақида шундай ёзди: "Муҳаммад Юсуфбек Баёнийнинг 1911—1914 йилларда ёзилган "Шажарайи хоразмшоҳий" асари Хоразм тарихини ўрганишда катта аҳамиятга моликдир. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида сақланаётган бу асар хонликдаги туркманларнинг аҳволи, уларнинг XIX асрнинг 50—60 йиллардаги исёнлари тўғрисида муҳим маълумотлар беради. Шу жиҳатдан бу материаллар Огаҳий хроникаларини кўп жиҳатдан тўлдиради". Мана шу сўзларга сазовор бўлган Муҳаммад Юсуфбек Баёний Ферузнинг яқин қариндоши бўлиб, у асли Элтузархон авлодидандур. Лаффасий бу тўғрида шундай ёзди: "Баёний — Муҳаммад Юсуф бин Бобожон бин Оллоберди тўра бин Элтузар хондур". Лаффасий Баёний ва Феруз муносабатлари тўғрисида шундай маълумотлар келтиради:

Баёний насабда Элтузар хонга борадур,
Ки Юсуфдек номдор эрур.
Итоат айлабон шоҳ Ферузга,
Давом хизматидур афрўзга.
Жаҳон тарихидин онча эрур,
Давомат иши тарих аё эрур.
Китобга ҳам анча моҳир бўлиб,
Фазилат бобида анча устоз бўлиб.

Ушбу мисралардан ҳам аёнки, Баёний ўзининг фазилатлари, ақл-идроки билан Ферузга Огаҳий қатори устозлик қилган инсон эди. Феруз ва Баёний яқин қариндош, амаки-оғайни болаларидур. Шундай бўлсада, у саройда бирон мансабда бўлган эмас. У Хева хонлари тарихини яратиш, саройдаги шеърят ва мусиқа оқшомла-

рига раҳбарлик этиш ва ниҳоят, Феруз фарзандлари ва невараларига таълим-тарбия бериш иши билан машғул бўлган. Баёний Сайид Муҳаммадхон ва Ферузнинг ҳарбий юришларида бирга юриб, бўлиб ўтган воқеаларни тарих китобига ёзиб борган.

Баёний ўз шеърларида Ферузни ақлли, адолат билан иш юритувчи, саховатпеша ҳукмдор эканлигини тасвирлайди:

Илоҳи шаҳаншоҳи кишвар паноҳ,
Ким улдур карамли, адолатли шоҳ.
Онинг дам-бадам умрин айлаб зиёд,
Давом айла тахти адолатда шод.

Баёний каби замонасининг илғор фикрли шоирларининг Феруз ҳақида карам, саховат, адолат, адолатшиор каби сифатларни ишлатишлари бежиз эмас эди. Чунки Феруз ўзининг 66 йиллик умри давомида ана шу тилга олинган сифатларни ўзида тўла мужассамлаштириб, ўз халқи олдида катта обрў-эътиборга эга бўлган султонлардан эди.

Феруз ва Баёний ижодларини, уларнинг асарларини ўрганиш асносида бир кекса аёл билан учрашиш бахтига муяссар бўлдик. Бу Баёнийнинг невараси Ниёзжон она Муҳаммад Аминбек қизи бўлиб Янгиариқ туманидаги Қармиш қишлоғида истиқомат қиладилар. Умрининг 40 йилини мактабда ўқитувчилик қилишга бағишлаган бу кекса аёлдан Баёний ва Ферузшоҳ ҳақида сўрасангиз жуда хурсанд бўлиб кетадилар ва соатлаб буюк боболар тўғрисида гапиришдан чарчамайдилар. Яхшиси, сўзни Ниёзжон опадан эшитайлик:

"Бобом Баёнийнинг тўрт фарзанди бўлган. Биринчи қизи Соляжон Юсупова 1898 йилда таваллуд топган. Бобомнинг Оллоқули исмли ўғли бўлиб, у бор-йўғи 15 йил умр кўрган. Нурмуҳаммад исмли ўғли ҳам 11 ёшида қазо қилган. Кейинги фарзанди Муҳаммад Аминбек 1905 йилда туғилиб, 1942 йилда Қизил Армия сафига чақирилиб, шу йили урушда ҳалок бўлган.

Баёний бобом яхши табиб бўлиб, бу илмни акаси Яхшимуродбек бобомдан ўрганганлар. Яхшимуродбек бобом Ферузнинг табиби эдилар. Баёнийнинг дорихонаси бўлиб, дорини уйимизда тайёрлаган. Уйимизда ҳатто микроскоп ҳам бўлиб, уни Носир тоғам (шоир Султоний) Петербургдан келтириб, бобом Баёнийга совға қилган экан. Баёний ана шу микроскопда беморларнинг қонини, сўлагини текширар ва уларга ташхис белгилар экан. Бобом агар ўпканинг марказий томири соғ бўлса, ўпкани ўстираман, дер эканлар. Ҳатто пес касалини ҳам даволаганлар. Бу тўғрида Онам Дурдипошша опа шу воқеани ҳикоя қилиб бердилар: "Ҳазораспда бир бой бўлган экан. У икки марта уйланибди, ҳеч фарзанди бўлмабди. Учтинчи марта уйланганида хотини бир қиз туғибди. Қизи ҳаддан зиёда чиройли

бўлиб, жуда ақлли экан. Қиз вояга етгач, икки ўғай она кўра олмасдан қизга дори ичириб, пес касалига мубтало этибдилар. Бундан қаттиқ хафа бўлган бой Баёнийнинг табиблик овозасини эшитиб, унинг олдига даволатиш учун олиб келибди. Баёний қизни қуёш нури билан даволабди. Қизни томга чиқариб, бир пашшахона ичига киргизиб ётқизиб қўйибдилар ва қизнинг онаси Баёний тайёрлаб берган ёғларни қизнинг баданига суртар экан. Баёний бу дорини қумдаги гиёҳларни териб келиб тайёрлар экан.

Баёний қизи Соляжонга икки қути дори тайёрлаб берибди ва қизларингнинг кўзи огриса суртасан дебди. Қутиларнинг биттаси қизил. Иккинчиси кўк рангда экан. Қизил ранг қутидаги дори кўзга қон дап берганда (давления, қон босими кўтарилганда) суртилган. Кўк қутидаги дори эса кўзга қора сув келганда суртилган.

Баёнийнинг икки дориси ҳам одамларга кўп фойда берган. Баёнийнинг Тўрткўлдаги дўсти Саид Абдулла отанинг айтишича, бобом болаларига буйрак бериб боққан. Буйрак еган бола зийрак, ақлли бўлади деб айтар экан бобом. Баёнийнинг "Даволаш усуллари" номли китоби бўлиб, мазкур китоб Саид Абдулла эшонга бағишланган. Ҳозир бу одамларнинг фарзандлари ва неваралари Тўрткўлда яшайдилар. Менга маълум бўлишича "Даволаш усуллари" китоби кейинчалик Сайид Абдулланинг оғаси Рўздат акага берилган. Унинг ўғли Очилбек бу китобдан фойдаланиб, кўп ишлар қиганмиш, деб эшитаман. Уялганимдан бу китобни сўраб олмадим. Шундай қилиб мазкур китоб Тўрткўлда қолиб кетди.

Баёнийнинг хотини Дурдипошша момом тахминан 1943 йилда вафот этганлар. Момом сочи узун, чиройли аёл бўлиб, Абдиримбой деган кишининг фарзанди бўладилар. Улар асли Хайрабод қишлоғидан (Қўшқўпир тумани) бўладилар. Ҳозир Абдиримбой иниларининг болалари ҳаёт. Улар ували-жували бўлиб, Қўшқўпирда ҳаёт кечирмоқдалар.

Баёнийнинг уйи Хева шаҳрининг Султонобод мавзесида жойлашган бўлиб, уста Курёз ва Худойберган Девоновларга (биринчи ўзбек киноместографи ва фотографи) қўшни эди. Уйи баланд бўлиб, тўрт дарвозали эди. Уйининг эшиклари ва деразаларини, кунгира печлари ва полларини Оқмачит немислари ишлаган эди. Бобомнинг икки ярим таноб боғи ҳам бўлган... Ҳозир ўша боғдан тут ва бошқа меваларнинг баъзилари сақланиб қолган.

Машарип Қориев Хевага келганда, Муҳаммад Аминбекка бойнинг ўғлисан, деб 1000 олтин танга солиқ солган ва ҳовлини ҳукумат ҳисобига олган. Муҳаммад Аминбек Худойберган Девонов уйида яшаб, у билан ишлаб юрди. Кейинчалик вилоят киносига ишга ўтиб ишлади. Уни бир неча марта ГПУга чақириб олтин-кумушлар қани, деб сўроқ қилдилар. Сўра-сўралар жонига текканидан кейин кўнглили бўлиб фронтга кетди. Умри қисқа экан, раҳматликнинг, урушдан қайтиб келмади.

Полвонниёз Муҳаммад Раҳимхон ва Баёнийнинг яқин қариндоши бўлади. Бир куни урушда Полвонниёз қўшинга яхши раҳбарлик қилиб, ғалабага эришади. Хон бундан жуда хурсанд бўлиб, менга яхши хизмат қилдинг, ана шу хизматларинг эвазига мен ҳам сенга бир хизмат қилай, деб подшолик еридан минг таноб ер ажратиб беради. Полвонниёзнинг уч қизи бўлиб, ўғли йўқ экан. Шунинг учун менга шунча ер нимага керак, деб хоннинг таклифини рад этибди. Хон ҳам ерни оласан, деб гапида қаттиқ турибди. Полвонниёз иложи бўлмай Янгиариққа бориб, бир бойга икки юз эллик беватан топ, дебди. Ана шу икки юз эллик беватанни Қармишга олиб келиб, минг таноб ерни беватанларга бўлиб берибди. Беватанлар ҳайрон бўлишибди ва биз сизнинг ерингиз ҳақини қандай тўлаймиз, дейишибди. Полвонниёз:— Мен сизга ерни бепул бердим, дебди. У шундай сахий одам бўлган экан.

Мен бундан анча йиллар аввал автобусда ёши саксонларга борган бир чол билан учрашиб қолдим. Ҳа чол менга тикилиб, тикилиб қаради ва: "Сенинг бобонг Полвонниёз бизни уйли-жойли, ватанли қилди, худованди Карим Полвонниёзнинг руҳини қўлласин, "Беватан Қармиш" сўзи ана шундан келиб чиққан, деб бўлган воқеани айтиб берган эди. Мен ана шунда Полвонниёз бобонинг Қармиш элига, унинг одамларига қилган фидойилигига қойил қолган эдим.

Бир куни Бобожон бобо деган бир деҳқон бобом Ҳасанмуродбей олдига келиб сўрабди:

— Еримни эксам бўлами?

— Азонда эксанг эк, аммо пешиндан кейин экма,— дебди бобом. Бобожон бобо ҳамма ерига экин экибди. Аммо озгина ерига пешиндан кейин дон сочибди. У Ҳасанмуродбейни бир синаб кўрай, деб ўйлаган экан. Орадан ойлар ўтибди. Азонда эккан буғдойи пишибди. Пешинда эккани пишмабди. Бунини Бобожон бобо Ҳасанмурод бобога айтган экан, у мийиғида кулибди ва мен сenga айтмаган эдимми — дебди.

Яна шунга ўхшаш бир воқеа. Бир куни Солияжон момом кир ювибди. Ҳасанмурод бобом уйга келиб ҳовузга қўлини тикибди ва: — "Солияжон қизим, кирларингни йиғиб ол",— дебди.

Солияжон момом уй ишлари билан овора бўлиб, кирларни ёйилган тордан йиғиб олмабди. Бир оздан кейин қаттиқ шамол кўтарилиб, шундай ёмғир ёғибдики, кирлар ёмғирда қолган экан.

Бир куни Баёнийнинг хотини касал бўлиб қолибди. Хотинининг кўкрагига яра чиққан экан. Шунда Баёний акаси Яхшимуродбейнинг олдига бориб маслаҳат қилибди. "Келинингиз касал бўлиб қолди, болам ҳам эммай қўйди",— дебди. Шунда Яхшимуродбей: "ука, мен хотинингни қандай даволай, номаҳрам бўлсам",— дебди ва унга қандай даволаш мумкинлигини айтибди.

— "Ундай бўлса, ака рухсат беринг, келинингизни мен даволай",— дебди Баёний. У хотинини олиб, Қўшкўпирдаги ўзининг қирқ таноб ерига жўнаб кетибди. У ерда ишлаб юрган Рўздат деган деҳқоннинг

Саробиби исмли хотинидан маълум муддат ўз боласини эмизишни илтимос қилибди. Саробиби она бунга кўниб, болани олиб қолибди. Дурдипошша даволанаётгани учун Баёний боласини касал кўкрак билан эмизишни истамаган экан. Орадан муълум муддат ўтгандан сўнг Дурдипошша соғайиб кетибди.

Баёний бобом табибликдан ташқари улкан таржимон ҳам эди. У Мавлоно Дарвиш Аҳмаднинг умумий тарихга оид "Саҳоифул ахбор", Али Муҳаммад ал Ҳиравий — Биноийнинг "Шайбонийнома", Абу Жаъфар Жарир ат табарийнинг "Тарихи Табарий" каби асарларини араб тилидан ўзбек тилига маҳорат билан таржима этди. Бундан ташқари, бир қанча асарларни қайта кўчирган хаттот эди.

Асримиз бошларида Сиёқ томонидан тўпланган "Мажмуаи шуарои форсий"ни Баёний қайта таҳрир этди ва уни гўзал настаълиқ хати билан кўчирди. Баёнийнинг набираси Зулайхо Мадаминова қўлида сақланаётган ушбу қўлёзма баёзнинг охирида китобнинг кўчирилган йили форс тилида шеър билан шундай ифода этилади:

Будики ин нусхоро хатми рақам дастдоҳ,
Даррахи таҳрири у буд Баёний муқим.

Ниёзжон онадан юқорида тилга олинган Зулайхо опа ҳақида гапириб беришни сўрадик. Маълум бўлишича, Зулайхо опа Ниёзжон онанинг синглиси бўлиб, у 1931 йилда Хевада таваллуд топган. Рабфақда, кейин Урганчдаги педагогика институтида таълим олиб, мактабларда физика ва математикадан таълим берган. Ўн битта фарзанди бор. Роҳатой, Абдушарип, Дилором, Раъно, Азиза, Гавҳар, Гулора, Алишер, Шухрат, Фахриддин, Ҳуржонлар турли жабҳаларда меҳнат қилмоқдалар, таълим олмоқдалар.

Бир уни Зулайхо опа Хевага келиб Тошқовлига кирибди. Қараса ёши етмишларга борган бир мўйсафид столда турли нақшларни чизиб ўтирибди. Зулайхо опа шу мўйсафид олдига бориб:

— Ота хонларнинг сурати қаерга қўйилган, — деб сўрабди.

— Сизга кимнинг сурати керак, қизим?

— Ота, мен Муҳаммад Юсуфбек, Ҳасанмуродбейларнинг невараси бўламан, сизнинг ёнингизга ана шу одамларнинг сурати бор-йўқлигини билиш учун келдим, дебди Зулайхо опа. Бу гапни эшитган мўйсафид: "Сени излар киши борму", деб йиғлайверибди. Бу мўйсафид машҳур наққош, Ўзбекистон халқ рассоми Абдулла Болтаев бўлиб, ўша вақтларда Хева музейида илмий ходим бўлиб ишларди. Маълум бўлишича, Абдулла Болтаев Баёний бобом билан Хоразм республикаси даврида ҳукумат идораларида бирла ишлаган эканлар. Ҳатто, Абдулла ота Баёний 1923 йилнинг 23 апрелида ойлик маоши олганини айтиб, рўйхатни Зулайхога кўрсатибди. Бу вақтда Баёний бобом соғлиқни сақлаш нозирлигида ишлаган эканлар. Баёний бобом Абдулла Болтаевнинг айтишича, 1923 йилнинг 26 апрелида вафот

этган. Кейин А. Болтаев столи устидаги ойна тагидан бир расм олибдида, мана бобонгизнинг сурати дебди. Бу сурат бобом Хоразм Халқ Республикасининг курултойи раёсатида ўтирган вақтида Худойберган Девонев томонидан туширилган экан.

Ниёзжон она суҳбатни давом эттирар экан, Ҳасанмурод бобом акам томонидан қариндош бўлиб, уларнинг иккови ҳам яхши мусиқашунос эдилар, — деди. Баёний гижжак чалса, Ҳасанмуродбей танбурут чертган.

Бир куни Феруз ҳазратлари саройга келиб созандалар қани, дебди. — Созандалар Тозабобоққа кетишган, улар шу ерда машқ қилмоқдалар, дейишибди мулозимлар. Хон шошилиб Тозабобоққа етиб келган. Созандалар дастаси хон ҳазратларини кўришлари билан ўринларидан туришмоқчи бўлишганда Феруз машқингизни давом эттираверинг, деб ишора этган. Феруз шу туришда қиличига суюянганча ярим оқшомгача мусиқани тинглаб турган. Ниҳоят, мусиқа тугагач, Хон созандалар устига бир сиқим тилло сочган. Шундан кейин Хевада "Мадримхонни тонг отгунча тикка турғизган бейлар бу", — деган гап тарқалган. Чунки шу дастада Баёний, Ҳасанмуродбей каби созандалар бор экан.

Қармиш қишлоғидаги Жирмиз кўли бўйида Наби бобо деган бир одам лойни хумдонда пишиб, оғзида пуфлаб чертиладиган мусиқа асбоби ясабди ва ана шу асбобда "Пахтали гул" деган куйни ижод қилибди. Бир куни Наби бобо ана шу куйни ижро этаётганда тасодифан Ҳасанмуродбей бу куйни эшитиб қолибди. Бу вақт у намоз ўқиётган экан, куйга маҳлиё бўлиб кетиб намозни бузибди. Ҳасанмуродбей хизматкорларини Наби бобо изидан жўнатибди. Наби бобо етиб келса, Ҳасанмуродбей ҳовуз бўйида ўйга чўмиб ўтирганмиш. Уни кўрган Ҳасанмуродбей:

— Куйни чалган сизмиқсиз? — дебди.

— Ҳа болам менман, нима эди?

— Ундай бўлса омон бўлинг. Куйингизни чертаверинг. Фақат намоз пайтида чертманг, дебди Ҳасанмуродбей — Чунки мен сизнинг куйингизни эшитиб, намозимни буздим. Қани ота, бошқатдан бир марта куйингизни чалинг...

Наби бобо бу гапни эшитиб "Пахтали гул" куйини бир чалибдики, буни эшитган Ҳасанмуродбейнинг кўзларидан ёш чиқиб кетибди.

Хоразмда халқ орасидан чиққан Наби бобо, Ҳасанмуродбей каби мусиқа ишқибозлари кўп бўлган.

Баёнийнинг ўғли Муҳаммад Аминбек урушда ҳалок бўлгани ҳақида. Жанглardan бирида Муҳаммад Аминбекка ўқ тегиб отидан йиқилади. У охириги кучини тўплаб отининг эгарига куйидаги байтларни ёзибди.

Мадамин хона, хона,
Зар пўтаси дўлди қона.
Бориб айтинг Асилжона,
Қора кийиб қон йиғласин.

Ушбу тўртликлар Мадаминбекдан оиласига ёдгор бўлиб қолди.

Абдуқодир тўра бобом Баёнийнинг жияни бўладилар. У киши ҳозир Гандимийнда яшайдилар. Абдуқодир тўра ҳам Оллоқулихон, Элтузархон авлодларига бориб тақаладилар. У киши 1909 йилда Хевадаги Иноқ ҳовлида таваллуд топганлар. Маълумки, иноқлар хоннинг энг ишончли кишилари бўлганлар. Сори иноқ, Фозил иноқ, Мадраимхон ва Сайид Муҳаммадхон замонасида катта эътиборга эга бўлганлар. Абдуқодир тўра то 1929 йилгача оиласи билан Иноқ ҳовлида яшади. Кейин шўролар келиб, уни бу ҳовлидан ҳайдаб чиқарадилар. Абдуқодир тўра дойиси Бобожонбек ҳовлисига бориб яшашга мажбур бўлди. У 1929 йилда Хевадаги "Труд" жамоа хўжалигига бир от, бир ҳўкиз билан аъзо бўлиб кирди. 1931 йилга келиб "Иноқ ўғли энди чет!"— деб колхоздан ҳайдайдилар. Буни эшитган Абдуқодир ака умумий йиғилиш қарорини талаб қилиб олган. У машина трактор станциясида от боқиб юрганида колхоздан қочиб кетди, деб махсус бўлимга хабар берганлар. Абдуқодир тўра ГПУ га чақирилганда колхознинг умумий йиғилиши қарорини кўрсатган. Шундан кейин у қамоқдан омон қолган ва колхозга қайтадан қабул қилинган. 1930 йилга келиб Иноқ ҳовлиси йиқила бошлаган. Ким хоҳласа йиқиб, унинг ёғоч, гиштларини ташиб кетганлар. Элтузар иноқнинг отаси томонидан Тўра ҳовуз ёнида қурилган мадраса 1931 йилда йиқилиб, гиштлари Урганчдаги ёғ заводи қурилишига олиб кетилган.

Маълумки, Иноқ ҳовлиси 8 таноб, боғи 24 танобни ташкил этган, бу ерда Элтузар иноқ етти ўғли билан яшаган. Шунинг учун бу ерни ҳозир ҳам "Бейларнинг боғи", "Беклар боғи", "Иноқ боғи", деб юритадилар. Шўро замонига келиб мана шу ерлар йўқ қилиб оборилди.

Маълумки, Иноқ тўра Ферузнинг амакиваччаси бўлиб, 1873 йилда Хевани душмандан ҳимоя қилишда Раҳматулло ясавулбоши, Матмурод девонбеги, Абдулла маҳрамлар қатори мардлик кўрсатган ватанпарвар инсонлардан бири эди. Эшитишимча, яқинда Хевадаги катта кўчалардан бирига Элтузар иноқ номи берилибди. Абдуқодир тўра Исмоилжон, Қурбонбой каби фарзандлари билан ушбу хушхабарни эшитиб анча севингандир, деб ўз ҳикоясини тугатди, Ниёзжон она.

ФЕРУЗ МАДРАСАСИ — ХЕВАНИНГ КЎРКИ

Феруз хонлик қилган даврда ободончилик ишларига раҳбарлик қилди. У аввало ўзбек халқининг миллий анъаналарини давом эттириш учун хонликка энг яхши усталарни тўплади ва уларга ҳомийлик этди. У қайси соҳа бўйича бўлмасин ҳоқ шоир, ҳоқ олим, ҳоқ созанда, ҳоқ наққош, ҳоқ муҳандис, аввало, ушбу соҳа кишиларини моддий жиҳатдан маблағ билан таъминлайди ва ундан

кейин уларга иш буюриш тарафдори эди. Шунинг учун Хева хонлиги тилсиласида Феруз хонлик қилган давр энг гуллаб яшнаган давр ҳисобланади. Бу даврда ўнлаб мадраса, миноралардан ташқари Муҳаммад Раҳимхон ўғли Исфандиёрхонга атаб қурдирган Нуруллабой саройи, шаҳар ташқарисида қурилган Тозабог қароргоҳи ва Тозабог арки, уч қаватли Чодра ҳовли ва минораси каби бир қанча бинолар ҳозир ҳам ўз кўркини йўқотмаган.

Маълумки, мадраса Шарқда олий ўқув юрти ҳисобланган бўлиб, бу ерда толиби илмлар яшаб ўқиганлар. Бухоро, Самарқанд каби қадимий шаҳарлар қатори Хевада ҳам мадрасалар шаҳарнинг обрўси ҳисобланган. Ҳар бир хон ўз даврида бошқа тарихий бинолар қатори мадрасалар қурилишига алоҳида эътибор бергани бежиз эмас.

Хевадаги Шерғоziхон, Арабхон, Оллақулихон, Мадаминхон каби мадрасаларнинг доврўги жаҳонга кетганлигини яхши билган Феруз 1870 йилда ўз номига мадраса қурдиришга қарор қилади ва бу ишга доврўкли усталарни жалб этади. Аввало, мадраса учун қулай жой танланади. Бу ишда унга дойиси Иброҳимхўжа яқиндан кўмак берди ва Кўҳна арк биносининг кун чиқаридаги эски иморатлар ўрни маъқул эканлигини хонга айтади. Феруз бундан жуда хурсанд бўлди ва Иброҳим хўжага бу ишга раҳнамолик қилишни тайинлади. У иш боши, калонтар, саркор, усталарга катта миқдорда мояналар белгилади. Ҳар байрамда қурилишда иштирок этаётган кишиларга саруполар бериб турди.

Ниҳоят, мадраса қуриб битказилди. 1871 йилда Хевадаги энг катта мадрасалардан бири бўлмиш мазкур бино икки қаватли қилиб солиниб, унда ҳовли, ёзги ва қишки мачит, дарсхона ва толиби илмлар учун 76 хонадан иборат ётоқхоналар мавжуд эди. Феруз фармонига биноан мадраса учун жами 2941 таноб ер вақф қилиб берилди. Фармони олийга мувофиқ, тантанали очилиш маросими бўлиб, унга хонликдаги барча мадраса мударрислари, эшонлар, талабалар, сарой аъёнлари тўпланди.

Тўққиз сурнайчи, икки карнайчи эрта тонгдан Ичон ва Дешон қалъа кўчаларида юриб халқни байрамга чорлади.

Кўҳна арк олдида қози Муҳаммад Латиф охун Қуръони карим тиловатини ўқиди. Феруз ва унинг аъёнлари байрамона кийинган ҳолда ушбу тантаналарда иштирок этдилар. Кекса Огаҳий ўзининг "Таърихи бинойи мадрасаи Муҳаммад Раҳимхони"ни ўқиди. Шундан сўнг сарой аъёнларидан бир гуруҳини қуйидаги тартибда мукофотлаш маросими бўлиб ўтди:

Отажон тўрага бир асил чакмон, бир тўн, бир от берилди. Навбат Тўра Мурод тўрага келди. Унга бир асил чакмон, бир тўн, бир от берилди. Ундан кейин Абдуқодир тўра билан Муҳаммад Ризо тўраларга икки чакмон, икки тўн, икки от тузути, икки от инъом қилинди.

Муҳаммадиёр тўра, Асқар маҳмуд тўра, Сайид Ҳомид тўра, Оллоёр тўра ва Давлатёр тўраларга бош оёқ сарупо ва от инъом этилди. Тўралар оталарига таъзим этганларича инъомларни олиб жойларига бориб турдилар.

Мадраса қурилиши ишига раҳбарлик қилган Ёқуб маҳрамга бир от, бир шоҳи тўн берилди.

"Давлатлари зиёда бўлғай ҳазратим", деб Ёқуб маҳрам от ва сарупони бориб олди.

Ушбу маросимда беш юздан ортиқ одам қатнашиб, уларга дастурхон ёзилиб, аввал осма шўрва, кейин сузма палов тортилади. Овқатдан сўнг Иброҳимхўжа раҳбарлигидаги дастурхончилар меҳмонларга ҳам сарупой тарқатдилар.

Феруз фармонига биноан, Юсуф ҳожи охунд мадрасага мударрис этиб тайинланди. Кун ботиш олдидан қози Муҳаммад Латиф фотиҳа ўқиди ва ҳаммага рухсати олий берилди. Мадрасадан хурсанд бўлган ҳолда Феруз аркка қайтди. Аркка кираверишда орқасига ўтирилди ва қаршисида кўкка интилиб турган ўзининг баҳайбат мадрасасига кўзи тушди. Бу гўзал бино ўзининг меъморчилик бобидаги тантанаворлиги ва маҳобатлилиги билан бошқа мадрасалардан ажралиб туражагини сезди.

Хеванинг таърифига сизмас, бетакрор манзараларини бунёд этишда ўзи сингари ўтган Абулғози Баҳодирхон, Мадаминхон, Оллоқулихон ва падари бузрукворини хаёлидан бир-бир ўтказди ва ўзидан кейинги авлодларга нодир ёдгор бўлиб қолажак ушбу бино Хева меъморчилик санъатининг яна бир етук намунаси эканлигини юракдан ҳис этди.

Мана, орадан кўп йиллар ўтди. Ҳар йили Наврўз аёмида ушбу мадраса саҳнида катта тантаналар бўлиб ўтади. Наврўз хайрия жамғармаси раиси Дадахон Яқубов ўтган йили ушбу мадрасани қайта таъмирлаш учун бир миллион сўм пул ажратилганини эълон қилганида кўпгина хеваликлар хурсанд бўлишди ва Феруз ишлари янада ривожланишига комил ишонч ҳосил қилдилар. Энди бу ерда санъат ажойибхонаси очилади ва авлодаримизга ушбу кошона янада хизмат қилаверади.

НОМИ БАРЧАНИНГ ТИЛИДА ВА ДИЛИДА

Феруз ва унинг шахси Хоразм, қорақалпоқ, қозоқ, туркман халқлари тилида дoston бўлиб келаётган сиймолардан бири ҳисобланади.

Ферузнинг бунчалик халқимиз томонидан эъзозланишига сабаб нима, деган ҳақли савол туғилади. Аввало, Феруз халққа яқин бўлган. У халқ билан ҳаммаслак бўлиш, унинг арз-додини тинглаш, ниҳоят, уларни ўз ҳимоясига олишни ўзининг олий мақсади деб билгани учун ҳам Феруз сингари буюклар ўз халқи қалбида абадул-абад қолишга ҳақлидирлар.

Феруз сиймосини хоразмликлар ўзларининг қатор ҳикоят, ривоятларида ҳам абадийлаштирганлар.

Улардан баъзиларини келтирамиз:

Феруз отда бораётган экан, Ичон қалъа кўчаларида бир пейкол (ходим) халқни тўйга таклиф этиб юрган эмиш. Хон ҳазратларини кўрган пейкол унга эгилиб салом берибди ва ишнини давом эттираверибди. Феруз ҳам мулозимлари билан пейколдан анча ўтибди ва у ўйга ботибди. Бу бир пейкол бўлса, мени тўйга айтишни ўзига раво кўрмади, бацчағар, деб маҳрамга буюрибди:

— Бор, бояги пейколни чақир, деб ўз отининг нўхтасини тортиб тўхтатибди.

Маҳрам пейколни Ферузнинг олдига олиб келибди.

— Хизмат, хон ҳазратлари,— пейкол эгилиб Ферузга таъзим этибди.— Сен ҳаммани тўйга айтдинг, бизни бўлса назарингга ҳам илмай индамай ўтиб кетдинг? Бу нишатганинг бўлди?

Пейкол анча ўйланиб қолибди, на бўлса бўлар деб чуқур андиша билан:

— Ҳазратим, бир қошиқ қонимдан кечинг. Сиз хон бўлиб келгандан бери элга кирмадингиз. Шунинг учун индамай ўтдим.

Ферузнинг ёнидаги Толиб махзум ва бошқа мулозимлар ҳам хонга сиз ҳали элга-элотга кирмадингиз. Қоида бўйича элга кириш учун халқни чақириб, унинг олдидан ўтгандан кейин сизни ҳам тўй-маъракага айтишади,— дейишибди. Шундан сўнг Феруз Кўҳна Аркда ош бериб элга кирган экан.

Хеванинг таниқли бойларидан Саидбой бир масжид қурдирган экан. Феруз ана шу масжид битганидан сўнг Саидбойга учрашиб қолибди ва: "Мадраса — миноранг муборак", деб ўтиб кетибди. Саидбой анча ўйланибди, хон менга беҳудага бундай демади, бу гапнинг тагида катта маъно бўлиши керак, деб шаҳар марказида бир мадраса ва минора қурдирибди.

Ҳақиқатан ҳам мадраса қурилса 20—30 одам бу ерда ётиб ўқийди, илм-маърифтли бўлади. Минорага чиқиб сўфи азон айтади, халқни ватқдан воқиф этади.

Бежиз эмаски, Саидбой қурдирган бинолар бугунги кунда ҳам хеваликларга хизмат қилмоқда.

Кунлардан бир кун Шовотдан Хевага бир одам келибди ва чойхонада ётиб қолибди. Ярим кечаси унинг бошидаги хуржунни ўғирлаб кетишибди. Эрталаб турса, хуржун йўқ. Одамлардан сўрабди, ҳеч ким хуржуннинг қаердалигини билмасмиш. Ўша одам охири Феруз саройига арзга келибди:

— Эҳтиёт бўлмабсан, жуда чатоқ иш бўлибди,— деб Толиб махзумга маънодор тикилибди хон. Хуржунини йўқотган одам ҳам бўш келмай:

— Хон ҳазратлари! Мен сизга ишониб чойхонада орқайин ухлаган эдим, дебди. Феруз ҳам бир оддий фуқаронинг ақлига

қойил қолиб барча мулозимларини ўғрини топтиришга чорлабди. Мулозимлар ҳам ўғрини топиб келишибди. Хон хуржунини эгасига қайтарибди ва ўғрини осишга буюрибди. Шундан кейин Хевада ўғри йўқолган экан.

Ферузнинг бир хислати бор экан. Хон арзга келган одамлардан ҳеч нима сўрамасдан жазо тайинлар, баъзи одамларга инъом-эҳсонлар берар экан. Бу гап Ферузнинг онаси Биби Ҳожар бика қулоғига етибди. Бир куни у арз пайти арзхонага келиб ўғлининг ишини кузатиб турибди ва:

— Ўғлим, нимага сиз арзга келган одамлардан арз тингламай туриб, уларга жазо тайинляяпсиз. Бунинг учун худо олдида жавоб берасизку, болам,— дебди.

— Она, бугун мен билан бирга ўтириб арз тингланг,— дейди Феруз. Онаси парда тутиб, Феруз ёнида ўтирибди. Қараса, Ферузнинг кўзига жиноятчининг боши йўқ бўлиб кўринармиш. Онаси буни кўриб ўғлининг қобилиятига қойил қолибди. Агар вилоятларнинг биридан хон номига шикоят қилиб арзга келсалар Ферузнинг шахсан ўзи текшириб кўрган. Хон бир кун бурун Шовотга борамиз деса эртаси Ҳазораспга йўл олган. Агар Хонқага бориб шикоятни текширамиз деса Тошовузга қараб йўл олган. Чунки бир кун олдин, албатта, хоннинг келаётгани тўғрисида ўша жойга хабар қилинган. Ҳамма ёққа сув сепилиб, тайёргарлик ишлари кўрилар экан. Феруз ҳамма жойда доим шундай тартиб бўлишини хохлаб айтилмаган жойга бориб, баъзан амалдорларни айб устида қўлга тушириб, қаттиқ жазолар экан. Текшириш учун борилганда Ферузга Исмоилхўжа нақиб, Яқуб меҳтар ҳамроҳлик қилар эканлар.

Бир куни шоир Дойини Ферузга кофир бўлиб кетди, деб ёмонлаганлар. У кийиниши билан кофирларга сотилганмиш. Буни эшитган Феруз даргазаб бўлибди:

— Қани ўша.., чақиринг ҳожини. Бир гаплашиб қўяйлик,— дебди. Маълумки, Юсуф Ҳожи Дойи замонасининг йирик олими, шоири ва воизи бўлиб, ўзининг ҳақиқатгўйлиги ва аччиқ тили билан ҳаммага танилган. Кийиниши ҳам ўзгача. Бу баъзи бировларга ёқмайди, албатта. Феруз ўзининг телпаги ва либосини ечиб, қозиққа осиб қўйибди. Шу вақт Юсуф Ҳожи Дойи саройга кириб келибди.

— Шуни киясанми, Феруз ўз либосини ва телпагини кўрсатибди, ҳожига.

Албатта! Юсуф ҳожи охун бошидаги омомани Исмоил Нақибга кийгизибди. Чунки омомани пайғамбаримиз бошига кийганлар. Ўзи эса хоннинг кийимларини эгнига кийган.

— Энди кимга ўхшадинг,— деб сўрабди Феруз.

— Алҳамдулиллоҳи раббил оламин вал оқибатин муттақин Мадинаи Мунавваранинг хатибларига ўхшадик.

— Юсуф Ҳожи охунга минг тилло берилсин,— деди Феруз хурсанд бўлиб. Шундан сўнг ҳожининг саховати билан минг тилло Хева мадрасаларининг талабаларига тарқатилган экан.

Феруз невараси Носир тўрани Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси мударриси Юсуф Ҳожи охунга шогирдликка берибди. Анча зийрак ва ақлли Носир тўра баъзи шаҳзодаларга қўшилиб 1—2 кун ўқишга бормабди. Асли баджаҳл Юсуф Ҳожининг баттар жаҳли чиқиб, ҳассасини дўқиллатиб, Кўҳна Арк олдига чиқибди ва:

— Мадрайим, ҳо Мадрайим! Оҳтиқларингни кофир қилмоқчимисан? Сенга нима бўлди? Носир, Носирга тегсанг сосир!— деб қичқираверибди. Чунки ҳали бу вақтда Носир тўра ухлаб ётган эканда. Юсуф Ҳожи охуннинг келгани ва айтаётган аччиқ гапларни Ферузга етказибдилар.

— Боринг, Носир тўрани олдимга олиб келинг! Мулозимлар бориб қарасалар, Носир тўра ухлаб ётганмиш.

— Шаҳзодам, турунг, сизни бобонгиз хон Ҳазратлари йўқлаяптилар. Ҳали 10—12 ёшлардаги ўйин боласи эмасми, Носир тўра апил-тапил кийиниб саройга отланибди.

— Нимага дарсга бормадинг, шаҳзода?

Феруз жаҳли чиқиб ёш шаҳзодага тикилди. Шаҳзода нима дейишини билмай, ер билан тенг бўлиб турарди.

— Тўрага ўн қамчи урилсин! Бу гапни эшитган сарой аҳли лол бўлиб қолди.

— Қулоқларингга нима қилди? Ё сизлар ҳам...

Хоннинг авзойини кўрган мулозимлар Носир тўрага ўн қамчи урган бўлишди. Шундан кейин Носир тўра бир соат ҳам дарс қолдирмади. Рассомлик, наққошлик, сураткашлик ва шоирлик каби соҳаларни мукамал эгаллаб олган замонасининг етук кишиларидан бири бўлиб етишди. Феруз бола тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор берган, қаттиққўл сиймолардан эди.

МУНДАРИЖА

Дадил ҳаракат	3
Феруз шахси ҳақида ўйлар	5
Хоннинг иш куни	8
Феруз ва унинг амалдорлари	12
Солномада Феруз адабий муҳити	16
Паҳлавон шоир	16
Комил ва Кауфман	17
Хусумат	18
Назмий найзабозлик	19
Кулфатни доно тортадур	20
Хусравий ва Муродий	22
"Мажмуат уш-шуаро"нинг яратилиши	24
Нобон ини	25
Саробга айланган орзу	26
Жомли Содиқгул	27
"Ҳафт шуаро"— шаҳзодалар китоби	29
Сарой шоирлари сарвари	32
Шоҳ ва шоирлик мужассамаси — мураккаб ҳодиса	45
Шахсий улуғворлик, ижодий камтарлик	45
Бош мафзу — ишқ, бош қаҳрамон — ошиқ	46
Тимсол ва тасвир — тасаввуфий	47
Ўзига хос тафаккур тарзи	49
Ҳаётсеварлик тамойиллари	50
"Шўҳи номуборак" ҳажви	51
Бадий маҳоратдаги қомронлик	52
Турфа адабий жаирлар қаламравидаги қаламзанлик	53
"Ғазалиёти Феруз"ни ўқиб	57
Авлодлардан мунгли муждалар	59
Муштипар қалб илтижоси	67
Мен кимнинг боласиман	67
Украинада қолган қариндошлар	68
Тошкентдаги қариндошлар	72
Саккиз яшар куёвга 18 яшар келин	72
Баёний невараси ҳикоятларидан	74
Феруз мадрасаси — Хеванинг кўрки	80
Номи барчанинг тилида ва дилида	82

Раҳим, Давлатёр ва бошқ.
P 33 Феруз. Шоҳ ва шоир қисмати: Сайид Муҳаммад Раҳимхони Баҳодирхони соний — Феруз ҳақида тарихий бадиий лавҳалар/ Д. Раҳим, Ш. Матрасул, Н. Жумаҳўжа.— Т.: Ўзбекистон, 1995.—86 б.

Шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхони Баҳодирхони соний ўзбек халқи маданияти ва тарихида улкан хизматлар қилган ёрқин сиймолардан биридир. Бундан бир неча йил бурун Д. Раҳим ва Ш. Матрасуллар томонидан яратилган "Феруз"—шоҳ ва шоир қисмати ҳақидаги китоб халқимиз томонидан хурсандчилик билан кутиб олинган эди. Қўлингиздаги ушбу китоб шоҳ ва шоир ҳақидаги навбатдаги янги асардир. Ўйлаймизки, ушбу китоб ҳам китобхонларда яхши таассурот қолдиради ва Ферузнинг 150 йиллик тўйига муносиб совға бўлади.

ISBN 5-640-01946-8

1.1,2 Автордош.

83.3 Ўз

№ 263—95
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси

P 4702620201—103 95
M 351 (04) 95

Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул, Нусратулло Жумахўжа

ФЕРУЗ

Шоҳ ва шоир қисмати

Сайид Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони соний —
Феруз ҳақида тарихий-бадний лавҳалар

Иккинчи китоб

Маъсул муҳаррир — Филология фанлари доктори, профессор **Ҳ. Абдуллаев**

Муҳаррир **З. Ҳакимова, И. Адизова**

Расм М. **Кариузас**

Расмлар муҳаррири **Х. Меҳмоноз**

Техн. муҳаррир **Т. Ҳаритоновна**

Мусахҳиҳ **М. Мажитхўжаева**

ИБ № 5309

Теришга берилди 01.02.95. Босишга рухсат этилди 20.07.95. Бичими 60x84¹/16.

Босма қоғозига "Таймс" гарнитурда юқори босма усулида босилди.

Шартли босма л. 6,04. Нашр л. 6,04. Тиражи 10000. Буюртма № 1209.

Баҳоси шартнома асосида.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашр № 272-94

Оригинал-макет масъулияти чекланган "Ношир" жамияти техникавий ва программавий воситалар базасида тайёрланиб "Ўздаверлоийҳа" картфабрикасида босилди. 700096. Тошкент, Муқимий кўчаси, 182.